

Үшүүлэг АСКАРОВА

МЕХРИБОНЛИК УЙЛАРИ
ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИИ
ИЖТИМОИЙ ҲАЁТГА
ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ



7.дек.р.
№ 86.

Ko'nikumimagan holda topshirilishi shart

ilgarigi berilmalar miqdori _____

Ackarobo. 19	
A86. Мезрорбоее неек	
жерка тарбияне кеги.	
1. анык	жорсатырунан
2. анык	жер

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРИЛГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎҒИЛОЙ АСҚАРОВА

**МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ
ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИ
ИЖТИМОИЙ ҲАЁТГА
ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ**



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
Тошкент – 2010

УДК 37 (575.1)

ББК 74.200.6

А 86

Ушбу монографияда Мөхрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-педагогик моҳияти, Ўзбекистонда Мөхрибонлик уйларининг ташкили этилиши ва ривожланиши тарихи, Мөхрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш борасидаги хорижий тажрибалар мазмунни, Мөхрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг янги анъаналари, самарали омиллари, шунингдек, Мөхрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг асосий йўналишлари тўгрисида сўз юритилади.

Монография мутахассис-педагоглар, мустақил тадқиқотчилар ва ижтимоий соҳа ходимлари учун мўлжалланган.

Масъул мухаррир:
педагогика фанлари доктори, профессор **Д.И.Рӯзиева**

Тақризчилар:
педагогика фанлари доктори, профессор **Ж.Ю.Ҳасанбоев**
педагогика фанлари доктори **Н.Ғ.Эгамбердиев**

ISBN 978-9943-19-088-7

© Ўзбекистон Республикаси ФА
“Фан” нашриёти, 2010 йил.

СЎЗБОШИ

Мустақиллик йилларида фуқароларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Мазкур соҳани давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилиши эса жамиятда бозор ишлаб чиқаришига асосланган ижтимоий муносабатлар қарор топаётган ва ижтимоий муносабат мазмунидаги рақобат етакчи ўрин эгаллаётган мавжуд шароитда фуқароларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш имкониятини яратди. Ўтиш даврида моддий жиҳатдан кам таъминланган аҳоли қатламини ижтимоий жиҳатдан муҳофазалаш бошқарувда демократик ва инсонпарварлик тамойилларига амал қидувчи давлат олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлигига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларида ҳам алоҳида ургу берилади¹.

Барча даврларда ҳам маълум жамиятда ота-онасиз қолган ёки улар билан алоқани йўқотган ёшлар (болалар, ўсмирлар, ўспиринлар) мавжуд бўлишган. Уларга нисбатан ижтимоий эътибор турли жамият, давлатларда турлича бўлган. Ислом дини таълимотида эса бу каби шахсларга нисбатан инсонпарварлик гояларига таянган ҳолда муносабатда бўлиш энг олий сифат тарзида баҳоланганд. Ўзбек халқи тараққиёти тарихида ҳам ушбу гояларга оғишмай амал қилиб келинган. Бу ҳолат айниқса уруш ҳаракатлари олиб борилаётган вазиятларда яққол намоён бўлган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ота-онасиз қолган ёки улар билан алоқани йўқотган минглаб болаларнинг ўзбек оиласарига қабул қилиниши, ўга оғир шароитда уларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва тураржойлар билан таъминлаш борасида кўрсатилган ғамхўрлик юксак инсонпарварликнинг ёрқин намунасиadir.

Бир қатор мамлакатларда XVII аср охири – XVIII аср бошларида, асан, черковлар қошида ота-онасиз қолган ёки қаровсиз болаларни қабул қилиш, уларни вақтингчалик бўлса-да, озиқ-овқат, кийим-бош ва турар-

¹ Ислом Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қоссин. 2-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - 380 бет; Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас күч. Тошкент: Маънавият, 2008. - 176 бет; Ислом Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сарри. Тошкент: Ўзбекистон, 1998. - 686 бет.

жой билан таъминлаш ишлари йўлга қўйила бошлади. Кейинчалик хайрия ташкилотлари бундай вазифаларни ўз зиммаларига олишган. Айни вақтда ҳам ота-онасиз қолган ёки улар билан алоқани йўқотган болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида хайрия ташкилот (жамият, уюшма)лари томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай ташкилотлардан бири Буюк Британияда фаолият юритувчи “Болаларни қутқариш” ташкилоти бўлиб, мазкур ташкилот ота-онасиз қолган ёки улар билан алоқани йўқотган болаларни таълим муассасаларига жалб этиш, уларга таълим бериш вазифаларинигина қилиб қолмай, шу билан бирга уларнинг руҳиятини ўрганиш асосида ижтимоий ҳаётга тайёрлаш масалаларини ҳам тадқиқ қилиб келмоқда.

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг пухта асосланган механизмини яратиш, кенг жамоатчилик эътиборини мазкур масалага тортиш, бу борада самарали саналган омилларни аниқлаш, янги имкониятларни излаб топиш муаммоларини ҳал этишга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги тадқиқотнинг долзарблигини асослайди.

Тарбияланувчиларни жамиятнинг етук аъзолари сифатида ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлаш, улар томонидан муайян касб ёки ҳунар сирларини ўзлаштирилишига эришиш, кескин рақобатларга бардош бера оладиган даражада руҳан камол топишлари учун зарур педагогик шаротларни яратиш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини белгилаш тадқиқот муаммоси сифатида танланган муаммонинг ечимлари бўла олади.

МЕХРИБОНИК УЙЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ НАЗАРИЙ- МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг умумий мазмуни

Мехрибонлик уйларининг тарбияланувчилари (ота-онасиз қолган ёки улар билан алоқаний йўқотган ўшлар) жамият ва давлат томонидан алоҳида ижтимоий муҳофазаланишга муҳтож субъектлар саналадилар. Уларнинг “маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадрияглар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда”¹. Мавжуд шароитда давлат томонидан уларни ижтимоий жиҳатдан муҳофазалаш йўлида кенг кўламли амалий ҳаракатлар ташкил этилмоқда. Бироқ Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларига таълим-тарбия бериш, уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришига давлат томонидангина ғамхўрлик қилиниши етари эмас. Уларнинг тақдирни учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси масъул бўла олиши зарур. Шундай экан, Мехрибонлик уйларининг тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашда давлат билан бирга кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминлашга эришиш замонавий педагогика олдида турган долзарб вазифалардан бири саналади.

“Ҳар қандай давлатда, ҳар қандай жамиятда ҳам ота-она қарамоғисиз қолган болалар бўлған, ҳозир ҳам мавжуд ва кейин ҳам бўлади. Бундай ҳолатларда давлат бу болаларнинг ривожланиши ва тарбияланиси масъулиятини ўз зиммасига олади.

Ота-онасини йўқотган бола – бу ҳақиқатан ҳам, фожиа. Ўз ота-онасига эга бўлиш – бу ҳар бир боланинг энг кучли эҳтиёжларидан биридир. Ота-онасиз болалар ўз-ӯзидан “етим” деган мақомни оладилар. “Етим” ва “ижтимоий етим” деган тушунчалар бир-биридан фарқланади.

¹ “Барқамол авлод йили” давлат дастури. Тошкент: Узбекистон, 2010. 7-бет.

Етим болалар – бу 18 ёшгача ота-онасининг бири ёки иккови вафот этган болалардир. Ижтимоий етим болалар эса биологик ота-оналари бор у, бироқ улар турли сабабларга кўра уларнинг тарбиялари билан шугулланмайдилар. Бу ҳолатда ҳам унга ғамхўрлик қилишни давлат ўз зиммасига олади. Ижтимоий етимлик муаммоси аксарият риовжланган ва ривожланаётган давлатларга хос муаммо ҳисобланади¹.

“Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да “етим” атамаси арабча сўз бўлиб, ўзбек тишида “ота-онасиз, яккаю ёлғиз” маъноларини англатиши кўрсатилган. “Етим” тушунчаси отадан, онадан ёки ҳар икковидан ажралган шахсларга нисбатан қўлланилади².

Э.Тўхтамуродов ўз тадқиқотида “етим” тушунчасини қўйидагича шарҳлайди: “Болалик чоғидан ота-онаси ўлиб кетиб, боқадиган одамидан, ажралиб, бирорларнинг қўлига қарам бўлган болалар. Мазкур тушунча мазмунан, гарчи, таъкидланган болалар тоифасини белгилай олса-да, бироқ, таъриф илмий нуқтаи назардан услуб жиҳатидан тўгри ифодаланмаган. Зоро, “ўлиб кетган”, “боқадиган одам”, “бирорларнинг қўлига қарам” каби иборалар бадиий асарларда, шунингдек, оддий сўзлашув жараёнида фоол қўлланилса, илмий манбаларда бундай шаклларда баён этилмайди”³.

Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда “етим” тушунчасини қўйидагича ифодалаш мумкин: отаси, онаси ёки ҳар икковининг вафоти туфайли, боқувчисини йўқотган ҳамда ўзгаларнинг моддий ва маънавий ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар.

Мавжуд манбаларда “етимлик” етимлар ҳолати, ижтимоий ҳодиса сифатида тадқиқ этилади. Чунончи, “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”⁴да “етимлик”нинг “етимларга хос бўлган ҳаёт, етим ҳолати” эканлиги айтилса, Н.Эгамбердиева⁵, З.Хошимов, М.Мўминова⁶лар эса мазкур тушунчани “жамиятда ота-онасидан жудо бўлган болаларнинг борлиги билан изоҳланадиган ижтимоий ҳодиса”, дея таъқин этади. Э.Тўхтамуродов томонидан олиб борилган тадқиқотда етимлик ижтимоий ҳодиса сифатида эътироф этилиб, унга хос бўлган хусуси-

¹ Эгамбердиева Н. Ижтимоий педагогика / Олий таълим мұассасалари учун дарслар. Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. 140-бет.

² Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдаи. Иккинчи жида. Е – М / А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 17-бет.

³ Тўхтамуродов Э. Болалар уйларида тарбияланувчиларни оиласвий ҳётта тайёрлашнинг ижтимоий ва педагогик асослари: Пед.фнал.номз. ... дисс. Тошкент: 1995. 25-бет.

⁴ Уша манба

⁵ Эгамбердиева Н. Ижтимоий педагогика. 229-бет.

⁶ Хошимов З., Мўминова М. Бола бўлса, бешик топилар // Жаннатмакон. 2008. 3-сон. 130-134-бетлар.

ялар баён қилинади. Хусусан: назоратсизлик; киши учун ижтимоий-маънавий тўсиқ; маънавий мажруҳлик; ижтимоий ҳимоядан ҳолилик; иқтисодий ночорлик ҳамда жамият эътиборини доим қаратиши шарт бўлган ҳодиса¹.

Манбаларда билдирилган фикрларга таянган ҳолда “етимлик”нинг моҳиятини қўйидагича ёритиш мумкин: етимлик – ота-онанинг ёки улардан бирининг вафоти туфайли, шунингдек, ота-онаси ёки улардан бири тирик бўлгани ҳолда фарзандининг тарбияси учун масъул бўлмаслик, унга васийлик ва ғамхўрик қўлмаслик ҳолатини ифодаловчи биологик, ижтимоий ҳодиса бўлиб, шахснинг руҳий ва маънавий жиҳатдан тўлақонли камол топишига тўскىнилик қиласди.

Ижтимоий етимликнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганар экан, Э.Тухтамуродов қўйидагиларни қайд этади:

- инсон ҳаётининг мазмунини ташкил қилувчи оила ва унинг аъзоларида, оила турмуш тарзига, оила равнақига бўлган нотўғри муносабат;

- ота-боболар яратган, халқ қўллаб келган анъана, урф-одат, расм-русларга нописандлик билан қараш;

- ҳаётда гуноҳ, хиёнат, меҳрзисликка амал қилган бағритош инсонларни етарли даражада тартибга чақирилиб, чора-тадбирлар кўрилмаётгани ва бошқалар².

Н.Эгамбердиева эса “етимликнинг барча сабабларини санаб ўтиш мушкул, чунки бу турли фан соҳалари (тиббиёт, психология, социология, педагогика ва бошқалар)нинг олимлари шуғулланаётган қўп жиҳатли муаммолардан бири” эканлигини таъкидлайди ҳамда ота-она қарамогида бўлмасликнинг қўйидаги асосий сабабларини кўрсатиб ўтади:

1) ота-оналарнинг (одатда, оналарнинг) вояга етмаган боласидан воз кечиши, асосаң, гўдаклик давридаги боладан воз кечиши;

2) унинг ота-онасидан ота-оналик ҳуқуқи олиб қўйилгандан сўнг оиласдан мажбуран ажратиб олиш;


3) тураи сабаблар билан ота-оналарнинг вафоти³.

Манбалар билан танишиш ва ижтимоий ҳаётни ўрганиш натижасида болаларнинг ижтимоий етимга айланишлари қўйидаги сабаблар билан боғлиқлиги маълум бўлади (1-расм).

¹ Тухтамуродов Э. Болалар уйларида тарбияланувчиларни оиласий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий ва педагогик асослари: Пед.фант.номз. ... дисс. Тошкент, 1995. 27-28-бетлар.

² Уша манба. 17-бет.

³ Эгамбердиева Н. Ижтимоий педагогика. 140-141-бетлар.



1-расм. Ижтимоий етимларнинг пайдо бўлиши сабаблари.

Ижтимоий етимлар ҳақида сўз юритилганда ҳалқ орасида “тирик етим” деган ибора ҳам қўлланилади. Тирик етимларнинг моҳиятини умумий тарзда, қисқача ундай ифодалаш мумкин: ота-оналарнинг ҳар иккиси ёки улардан бири ўз фарзандини боқиб вояга етказиш ва уни тарбиялашдан бош торади. Манбалардан бири¹да етим ва ота-оналар қаровисиз қолган болаларнинг ҳуқуқдарини ҳимоя қилиш, уларни давлат муҳофазасига олиш, ҳар томонлама камол топишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш борасида кенг кўламли ҳаракатлар амалга оширилаётган мавжуд шароитда айрим салбий ижтимоий ҳолатлар ҳам кўзга ташланётганлиги қайд этилади ҳамда бу каби салбий ижтимоий ҳолатлар сирасида қўйидаларни эътироф этиш мумкин:

- айрим оналарнинг ўз фарзанд (чақалоқ)ларидан воз кечишлари;
- вояга етмаганлар, айниқса, ўсмирлар ўртасида ўз оиласидан қочиб кетиш ҳолатларининг содир этилаётганлиги;
- болалар ва ўсмирларнинг носоғлом мұхит ёки жиноятчи гурухлар таъсирига тушиб қолишлари;

¹ Вторые периодические доклады государств-участников, подлежащие представлению в 2001 году, Узбекистан, CRC/C/104/Add.6, 30 августа 2005. http://www1.umn.edu/humanrts/russian/crc/Rreport_uzbekistan2005.htm1.

- носоғлом ва ахлоқсиз түрмуш кечирадиган ота-оналар томонидан фарзандларига нисбатан ғамхұрлық құрсатылмаслиги;
- ахлоқсиз хатти-харакатлари туфайли айрим ота-оналарнинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилишлари ва бошқалар.

Манбаларда Мехрибонлик уйларига жаңбыр этилаёттан болалар тоифасини белгилашаға нисбатан ҳаракатлар олиб борилғанligини қўриш мумкин. Жумладан, “Социальная педагогика” (“Ижтимоий педагогика”) номли мәденизатар курси¹да эътироф этилишича, ота-оналар қарамогисиз қолғанлиги боис Мехрибонлик уйларига жаңбыр этилаёттан болалар тоифасини қўйидагича гурухлаш мумкин (2-расм):



2-расм. Ижтимоий етимларнинг тоифалари.

Юқорида билдирилган фикрларга қўшилган ҳолда ижтимоий етимликтин келтириб, чиқарувчи яна кўплаб омиллар мавжудлигини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Мавжуд манбаларни ўрганиш, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ижтимоий келиб чиқиши, улар мансуб бўлган оиласларда қарор топган мұхит, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, ҳаётий интилиш ва мақсадларини таҳдил қилиш натижасида жамиятда ижтимоий етимликтин келтириб чиқарувчи омиллар қўйидагилардан иборат эканлигига ишонч ҳосил қилинди:

¹ Социальная педагогика. Курс лекций /Учебное пособие для студ. высш.учеб.заведений. Под общ. ред. М.А.Галагузовой. М.: Гуманит. изд.центр Владос, 2001. С. 141.

- энг эзгу умуминсоний ва миллий маънавий-ахлоқий қарашларга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгарганилиги;
 - Farb ва Шарқ маданияти синтези бўлган “оралиқ маданият”нинг шаклланиши;
 - ижтимоий субъектлаарнинг маънавий-ахлоқий эътиқодга эга эмасликлари;
 - таълим муассасаларида миллий маънавий-ахлоқий қадриятларни тарғиб этишда расмиятчиликка йўл қўйилаётганлиги, таълим олувчиларни уларнинг моҳияти, мазмуни билан таништириш ўрнига шаклга асосий эътибор қаратилаётганлиги;
 - педагог ходимларнинг миллий маънавий-ахлоқий қадриятлар (урфодатлар, анъана, маросимлар)нинг туб асоси, улар негизида муайян хатти-ҳаракатларнинг акс этиш сабабларини чуқур билмасликлари;
 - оиласда эр ва хотиннинг, аёл ва эркаклар вазифаларининг ўзгараётганлиги, улар тутган ўринлар алмашаётганлиги, ўғил болаларда оиласвий ҳаётни йўлга қўйишда етакчилик қилиш, асосий масъулиятни ўз зиммасига олиш, қизларда эса ҳаё, ибо, андишалик ва фаросатлилик сифатлари тарбияланишига жиддий эътибор берилмаётганлиги;
 - ота-оналарнинг соглом турмуш кечиришлари (спиртли маҳсулотлар ва наркотик моддаларни истеъмол қилишлари, тартибсиз жинсий ҳаёт кечиришлари);
 - ёшларда оиласвий муносабатлар, оиласвий ҳаётга масъулиятысиз ёндашувнинг қарор топаётганлиги;
 - оммавий ахборот воситалари томонидан “эркин муҳаббат”, “масъулиятысиз эркинлик”, “қисқа муддатларда бойиб кетиш”, “жуда оддий вазијатларда ҳам дўстга, оила аъзоларига, яқинларга ҳиёнат қилиш” гояларини ўзида акс эттирувчи гоявий жиҳатдан саёз, юксак бадиийликка эга бўлмаган, маҳоратли ижро орқали етказиб берилмаган “асарлар” сонининг тобора кўпайиб бораётганлиги;
 - ёшларни фикрлашга, ижодкорликка, яратувчилик ва бунёдкорликка рагбатлантирувчи ижтимоий даъватлар, тарғибот ишларининг кутилган натижаларни бера олмаётганликлари;
 - ўсмир ва ўспириналарнинг онгизсиз равиша Интернет, мобиъл алоқа воситаларининг салбий таъсир доирасига тушиб қолаётганликлари, ёшлар ўртасида ахлоқий тасвиirlар, гояларни тарғиб этувчи тасвир, мусиқа, қўшиқ ва клипларнинг кенг тарқалаётганлиги.
- Етимликининг ижтимоий, маънавий, руҳий ва иқтисодий оқибатлари, жамиятнинг етимларга бўлган муносабатини таҳдил қилиш натижасида унга хос бўлган хусусиятларни санаб ўтиш имконияти юзага келади (3-расм).

Асосий хусусиятлари

биологик ва ижтимоий ҳодиса

рухий мажрухлик (аламзадалик, ўзини камситилган ҳис килиш, атрофдагилардан норозилик, ижтимоий субъектларга нисбатан нафрат, барча ҳолатларда ўзини ҳақ деб ҳисоблаш)ни келтириб чиқарувчи сабаб

маънавий (қаровсизлик, назоратсизлик, бебошлик, хатти-ҳаракатларини тўғри баҳолай олмаслик, атрофдагиларга қасддан зиён етказиш, манманлик (худбинлик), шахсига нисбатан билдирилган фикрларни салбий қабул қилиш, ижтимоий субъектларга нисбатан ишончсизлик, ўз шахсини танқид қилганлардан “уч олиш” истагига эга бўлиш, ҳаётий мақсадларга эга эмаслик, яшаш тарзидан норозилик ва бошқалар) мажрухликни келтириб чиқарувчи сабаб

назоратсизлик, педагогик қаровсизлик, васийлик ва ҳомийликдан маҳрум бўлишни юзага келтирувчи омил

вояга етмаганларнинг криминоген гурухлар таъсирига тушиб қолишилари, улар томонидан жиноят содир этилишига олиб келувчи ҳолат

давлат, жамият, шунингдек, васийлик ҳамда ҳомийлик ташкилотлари томонидан ижтимоий-иктисодий ёрдам кўрсатилишига муҳтожлик

давлат ва жамиятнинг педагогик таъсирини тақозо этувчи ижтимоий-педагогик муаммо

З-расм. Ижтимоий истимлекнинг асосий хусусиятлари.

Э.Тұхтамуродов Болалар уйлари (ҳозирда Мехрибонлик уйлари) тарбияланувчиларини маънавий-ахлоқий сифатларга эгаликларига кўра икки гуруҳ¹га ажратади. Яйни:

¹ Тұхтамуродов Э. Болалар уйларида тарбияланувчиларни оиласи ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий ва педагогик асослари: Пед.факт.номз. ... дисс. Тошкент, 1995. 18-19-бетлар.

1. Ахлоқий-маънавий хусусиятларида ижобийлик етакчилик қиласидиган болалар (ижодкор, ижрочи, мулоҳазакор, меҳнаткаш, олижаноб, хушмуомала ва бошқалар).

2. Руҳиятида салбий ҳолатлар юқори даражада бўлган болалар (қайсар, индамас, қўрс, жамоага қўшилмайдиган ва бошқа болалар).

Манбаларни назарий таҳдил қилиш натижаси турли ҳалқларда ота-оналар қаровисиз қолган (етим ёки ижтимоий етим) болаларга инсон-парварлик муносабатида бўлиш анъанасининг жуда қадим замонлардан шаклланганлигини тасдиқлади. Бундай муносабат турли кўринишларда намоён бўлган. Жумладан:

1) ота-онасидан ажралган болалар яқин қариндошлари томонидан вазифалика олиниб, тарбиялаб вояга етказилган;

2) моддий жиҳатдан таъминланган оиласалар томонидан ота-онасиз болалар фарзандликка олинган;

3) балогат ёшидаги ота-онасиз қолган (“етим”) болаларга моддий ва маънавий жиҳатдан кўмак бериб келинганд;

4) ота-онасиз болалар ўзига тўқ оиласалар томонидан иш билан таъминланганлар;

5) бу каби болалар иқтидорларига кўра масжид ва мадрасалар қосидағи мактабларда ҳалфалик (ёрдамчилик)ка жалб этилиб, меҳнат ҳақи эвазига ётоқхона, озиқ-овқат ва кийим-бош билан таъминланганлар.

Республикада вазифийлик ва ҳомийлик органларининг тавсияларига мувофиқ етим ва ота-оналарнинг қаровисиз қолган болалар қўйидаги ҳолатларда:

- ота-оналар вафот этганларидан кейин;

- улар ҳуқуқий лаёқатга нолойиқ деб топилганларида;

- ота-оналар узоқ вақт бедарак кетганлари, фарзандларини тарбиялашдан бош тортганларида;

- тарбия ва даволаш, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасаларидан ота-оналар ўз фарзандларини олишдан бош тортганларида;

- ота-оналар ота-оналий ҳуқуқидан маҳрум этилганларида Мехрибонлик уйлари юбориладилар.

“Бугунги кунда республикада 28 та Мехрибонлик уйлари, 85 та ихтиосослаштирилган мактаб-интернат, 23 та санатория типидаги мактаб-интернатларда 30000 дан ортиқ болалар ва ўсмиirlар тарбияланадилар.

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг 13 фоизи ота-онасиз ва 54 фоизи отасиз ёки онасиз саналсалар, улардан 23 фоизи кам таъминланган оиласаларнинг фарзандлариdir. 10 фоиз тарбияланувчиларнинг

ота-оналари тури кўринишлардаги жинояларни содир этган шахслар саналадилар.

Таҳлилий ўрганишлар натижаларининг кўрсатишича, республикада 9,4 фоиз оиласарда васийлик кўмагига муҳтож етим-болалар тарбияланмоқда. Айни вақтда Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари нинг 82,6 фоизи умумий ўрта таълим мактабларида таълим олаётган, 8,0 фоизи мактабгача таълим муассасаларида тарбияланадиган бўлсалар, 11,5 фоиз тарбияланувчи эса оила шароитида камол топмоқда.

40,1 фоиз “қаровсиз болалар” қариндошлари ва яқинлари томонидан зарурый ёрдамни олишмоқда. Қаровсиз болаларнинг “кўча болалари” деб номланувчи алоҳида тоифаси ота-оналарининг гамхўрликлари ва қўмакларидан мутлақо маҳрум саналадилар. Чунки, уларнинг ота-оналари ўёки бу сабабга кўра ота-оналий ҳуқуқидан маҳрум этилганлар. Расмий ҳужожатларда келтирилган маълумотларга кўра, уларнинг сони 2002 йилда 81, 2003 йилда эса 107 нафарни ташкил этган.

Мустақиллик йилларида республикада ижтимоий етимлар сони ортиб боришининг олдини олиш мақсадида кенг кўламли амалий ҳаракатлар ташкил этилмоқда. Ички ишлар органлари қошида вояга етмаганлар билан ишлаш бўлимлари мавжуд бўлиб, уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ижтимоий етимлар сони ортиб боришининг олдини олишда ижобий натижалар қўлга киритилмоқда. Педагогик қаровсизлик, дайдилик туфайли “ижтимоий етим” мақомига эга бўлаётган болалар ҳамда ўсмиirlарни аниқлаш, ўз оиласарига қайтариш Вояга етмаганлар билан ишлаш бўлимлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ана шу бўлимлар томонидан “биргина 2003 йилнинг ўзида 92 нафар ана шу тоифадаги болалар ақлий, ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан тўлақонли камол топишлари учун зарур бўлган оила муҳитига қайтарилганлар”¹.

Мутлақо бегона оиласар томонидан ижтимоий етим мақомига эга болалар ва ўсмиirlарни ўз қарамогига олиш ўзбек халқига хос асрор қадриятлардан бири бўлиб, айни вақтда ҳам ана шу анъана давом этиб келмоқда. Масалани назарий ўрганиш натижаласида 2003 йилнинг ўзида Сурхондарё вилоятида 46 нафар оила томонидан етим болалар фарзандликка олинганлиги аниқланди.

Тарбияланувчилар сони 974 (2003 йил) нафардан ортиқ бўлган Мехрибонлик уйлари фаолиятини йўлга қўйишида Республика Халқ таълими вазирлиги билан бирга Соглиқни сақлаш вазирлиги ҳам бевосита

¹ Вторые периодические доклады государств-участников, подлежащие представлению в 2001 году. Узбекистан, CRC/C/104/Add.6, 30 августа 2005. http://www1.umn.edu/humanrts/russian/crc/Report_uzbekistan2005.htm1.

иштирок этади. Мазкур иштирок Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 1997 йил 10 июлда қабул қилингандык “Мөхрибонлик уйлари тарбияланувчиларига күрсатиладиган тарбиявий ва тиббий ёрдамни ҳолати ва уларни ошириш чора-тадбирлари тұғрисида” ги Қарорнинг ижросини бажаришга йұналтирилган амалий ҳаракатларда яққол намоён бұлади. Тарбияланувчиларнинг саломатлайларини мұхофаза қилиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Педиатрия илмий тадқиқот институты масынан саналади. Мазкур институттнинг етакчи мутахассислари республикада фаолият олиб бораётган 13 та Мөхрибонлик уйларыда бўлишиб, тарбияланувчиларнинг саломатлайларини назоратдан ўтказадилар, уларнинг соғлиқдарини сақлаш ва тиклаш йўлида доимий мониторинг олиб борадилар.

2003 йилнинг 21 апрелида чиқарилган Республика Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг буйруғига кўра, Тошкент шаҳрида жойлашган Мөхрибонлик уйлари олий таълим муассасаларига бириктирилди. Шу йилнинг 16 майида эса Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан Мөхрибонлик уйларини Қорақалпогистон Республикасида фаолият юритаётган олий таълим муассасаларига бириктириш тұғрисидағы буйруқ имзоланди. Бундан тарбияланувчиларга олий маълумот олиш учун зарур шарт-шароитни яратиш, уларнинг келгусида малакали мутахассис бўлиб етишишларини таъминлаш ва касбий фаолиятлари орқали ижтимоий-моддий таъминотга эга бўлишларига кўмаклашиш мақсади кўзланди¹.

Шахс ижтимоий мұхитда ва унинг таъсирида шаклланади. Мазмұни ва моғиятига кўра ижтимоий мұхит шахснинг шаклланишига ижобий ҳамда салбий таъсир күрсатиши мүмкін. Күрсатилаётган таъсирнинг ижобий ва салбий бўлиши субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ўзаро ҳамжиҳатлик, ёрдам, шунингдек, психологияк яқинлик ҳамда ҳаётий мақсадлар ва эътиқодлар бирлиги ёки, аксинча, бир-бирини тушишумаслик, бир-бирини қабул қила олмаслик, бир-бирини инкор этиш, бир-бирига тоқат қиласын (толерантлик ҳиссига эга эмаслик), шахсий қарашларнинг бир-бирига мослиги ёки зиддиги, ҳаётий мақсад ва эътиқодлар ўртасидаги зиддиятларга боғлиқдир.

Сўнгги йилларда инсонни ижтимоийлаштириш (бу ерда шахс эмас, айнан инсон назарда тутилмоқда, бинобарин, шахс ижтимоий муносабатлар жараёнида шаклланади, яъни ижтимоийлашган инсонгина шахс сифатида намоён бўлади) ва бу йўлда салбий ижтимоий таъсирларни бартараф этиш масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Инсонни ижтимоийлаштириш жараёнини ташкил этиш ва инсон иж-

¹ Ўша манба.

тимоийлашувини таъминлаш учун, энг аввало, мазкур жараён моҳиятини тӯла англаб олиш лозим. Шу боис, қуйидаги “ижтимоийлаштириш” ва “ижтимоийлашув” тушунчаларининг лугавий маъносини ёритиш мақсадга мувофиқ деб топиди.

Манбаларда юқорида кўрсатилган ҳар икки тушунчанинг ўзагини лугавий нуқтаи назардан “ижтимоий” тушунчаси ташкил этиши ва ушбу тушунча лотинча “socialis” сўзидан олинган бўлиб, “умумий”, “жамоа-вий” деган маъноларни билдириши таъкидланади. Мазкур тушунчалар мантиқий нуқтаи назардан шарҳланганда “инсонларнинг биргаликдаги ҳаёти, улар ўргасидағи муносабатлар ва ўзаро ҳаракатларининг турли шакллари билан боғлиқ барча жиҳатлари” мазмунини англатади¹.

Шунга кўра, ижтимоийлаштириш инсонни таълим ва тарбия жа-раёнида ижтимоий муносабатлар субъектлари (атрофдагилар – оила аъзолари, тенгдошлар, микро ва макро мұхит аъзолари, жамоатчилик) билан бирга жамиятда ҳаёт кечиришга тайёрлаш, унда маълум ижтимоий тажрибаларни ҳосил қилиш демакдир. Инсонни ижтимоийлаштириш узоқ муддатли, узлуксиз давом этувчи, кўп қиррали ва мураккаб жараён бўлиб, унинг бутун ҳаётини қамраб олади ва бу жараёнда унда муайян билимлар, ижтимоий ахлоқ мезонларига риоя қилиш кўникмалари, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат муносабати шакллантирилади. М.А.Галагузова, А.В.Коломийченко, М.А.Ковалъчук²ларнинг қайд этишларича, инсоннинг ижтимоийлашуви, гарчи унинг бутун ҳаёти давомида рўй берса-да, бирок, бу жараёнда энг қулай давр болалик ва ёшлик йиллари ҳисобланади. Зоро, айнан мана шу даврларда инсон ижтимоий меъёрларни ўзлаштиради, уларга амал қилиш кўникмаларига эга бўлади, ижтимоий муносабатларга киришиш ва уларни муваффақиятли ташкил этиш тажрибасини ўзлаштиради.

Билдирилган фикрларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, инсоннинг ижтимоийлашуви у томонидан маълум илмий билимлар ва ижтимоий ахлоқ мезонларини ўзлаштирилиши, уларга амал қилиш кўникмалари ҳамда муайян ижтимоий тажрибага эга бўлиш, яъни инсонни ижтимоийлаштиришга йўналтирилган ижтимоий педагогик фаолиятда эришилган натижка саналади.

Айни ўринда қайд этиш лозимки, бир гурӯҳ тадқиқотчилар (мас., М.А.Галагузова) инсонни ижтимоийлаштириш жараёнида ижтимоий педагогиканинг ўрни ва ролини юқори баҳолаш билан бирга ушбу фан пе-


¹ Социальная педагогика. Курс лекций /Учебное пособие для студ. высш.учеб.заведений. Под общ. ред. М.А.Галагузовой М.: Гуманит. изд.центр Владос, 2001. С. 53.

² Ўша манба.

дагогика ва социология фанларининг асослари, ана шу икки йўналишда амалга оширилган тадқиқотлар гояларига таянган ҳолда самарали ўқитилиши ва ижтимоий педагогик фаолиятни ташкил этиш мумкинлигига алоҳида ургу берадилар. Бизнинг назаримизда, илм-фан, техника ва технологиянинг шиддатли ривожи, бунинг натижасида ижтимоий субъектларда юзага келаётган психолигик зўриқиши ва уни бартараф этишга бўлган кучли эҳтиёж ўз-ўзидан инсонни ижтимоийлаштириш жараёнида нафақат социологик ва педагогик, балки психологик таблимотларга таяниш, ушбу фанлар ўртасида интеграцияни қарор топтириш асосидагина самарали ташкил этилиши мумкин.

Инсонни ижтимоийлаштириш жараёнида салбий мазмундаги психологик, тиббий, ҳуқуқий ҳамда моддий хусусият касб этувчи ташкини ва ички таъсирларга қарши иммунитетни шакллантириш, уларга нисбатан бардошли қилиб тарбиялаш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида олиб қараганда инсоннинг жисмоний ва руҳий камолоти, шу жумладан, ижтимоийлашувига қўйидаги омилларнинг сезиларли даражада салбий таъсири кузатилмоқда (4-расм).



4-расм. Инсоннинг ижтимоийлашувига таъсир кўрсатувчи салбий омиллар.

Инсоннинг салбий таъсирларга бардошли бўлиши ва уларга қарши иммунитетга эгалигини таъминлаш, бир сўз билан айтганда уни ижтимоийлаштиришда ўйин, меҳнат ва таълим фаолиятларидан самарали фой-

даланиш, шунингдек, биологик омиллар (ирсият), ижтимоий омиллар (микро (лотинча “mikros” – “кичик”), мезо (лотинча “mesos” – “ўрта”) ва макро (лотинча “makros” – “кatta”) омиллар)ни инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Инсонни ижтимоийлаштиришда муҳит алоҳида ўрин тутиб, унда ижтимоий соғлом муносабатларнинг ташкил этилишига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Бунда ижтимоий институтлаар – оила, таълим мұассасалари ва жамоатчилек (маҳалла, инсон мансуб бўлган гуруҳлар) муносабатларида ўзаро ҳамжиҳатлик, психологик ҳамкорлик ва ёрдамнинг устувор бўлишига эришиш инсонни ижтимоийлаштиришга йўналтирилган педагогик фаолият мувafferациятини кафолатлади.

Барча даврларда ҳам маълум жамиятда ота-онасиз қолган ёки улар билан алоқаний йўқотган ёшлар (болалар, ўсмирлар, ўспиринлар) мавжуд бўлишган. Уларга нисбатан ижтимоий эътибор турли жамият, давлатларда турлича бўлган. Ислом дини таълимотида эса бу каби шахсларга нисбатан инсонпарварлик гояларига таянган ҳолда муносабатда бўлиш энг олий сифат тарзида баҳоланганд. Ўзбек ҳалқи тараққиёти тарихида ҳам ушбу гояларга оғишимай амал қилиб келинган. Бу ҳолат, айниқса уруш ҳаракатлари олиб борилаётган вазиятларда яққол намоён бўлган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ота-онасиз қолган ёки улар билан алоқаний йўқотган минглаб болаларнинг ўзбек оиласарига қабул қилиниши, ўта оғир шароитда уларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва тураржой билан таъминлаш борасида кўрсатилган ғамхўрлик юксак инсонпарварликнинг ёрқин намунасидири.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини жамиятнинг етук аъзолари сифатида ижтимоий ҳаётга тайёрлаш муҳим ижтимоий мақсадлардан бири бўлиб, мазкур жараёнда қўйидаги йўналишлар устувор ўрин тутади:

- таълим бериш (тарбияланувчилар онгида илмий билимларни ҳосил қилиш);

- миллӣ ва умуминсоний қадриялар, миллӣ истиқдол ғояси асосида ижтимоий-гоявий эътиқод ва иммунитетни шакллантириш, дунёқарашни бойитиш;

- маънавий-ахлоқий сифатлар (меҳнатсеварлик, одамийлик, тириш-қоқлик, камтарлик, атрофдагиларга меҳр-муҳаббатли, раҳм-шафқатли, шунингдек, иймон-эътиқод, қатъий иродада ва мустаҳкам характер)ни тарбиялаш;

- касбга йўналтириш (муайян касб-хунарлар сирлари, касбий фаолиятларнинг асосларини ўргатиш);



- ижтимоий муносабатларни ташкил этиш (субъектлар ўртасидаги ўзаро алоқа алмашув, жамоа аўзолари билан ҳамкорликда фаолият юритиш, ўзи мансуб бўлган гурухлар (микро, мезо ва микро гурухлар)нинг аўзолари билан руҳий бирликка эришиш)га тайёрлаш;

- шахсий ҳамда атрофдагиларнинг саломатлигини муҳофазалаш малякалари (жисмоний тарбия ва спорт билан доимий равища, изчил, узлуксиз шуғуланишларига эришиш, соглом турмуш тарзи (спиртли ичимлик ва наркотик моддаларни истеъмол қиласаслик, тамаки маҳсулотларини чекмаслик, нотўғри ва тартибсиз жинсий ҳаёт кечирмаслик) кўникмаларини ҳосил қилиш;

- ҳуқуқий маданият үнсурлари (ижтимоий ахлоқ меъёrlарига амал қилиш, ҳуқуқбузарликларни содир этмаслик, қонунбузарлик, жиноятчилик ва ижтимоий адолатсизликка нисбатан муросасиз бўлиш)ни шаклантириш;

- атроф-муҳит ва табиатга масъулиятни муносабатни қарор топтириш;

- психологияк хизматни ташкил этиш (психологияк толиқишиш ва зўриқишини бартараф этиш, руҳий тетикилик, келажакка ишонч ҳиссига эга бўлиш, шунингдек, жамоада соглом муҳитни қарор топтириш (мехрибонлик уйлари раҳбарлари, педагоглари ва тарбияланувчиларнинг бир-бирларини тушунишлари, бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари, доимо ўзаро ёрдамга тайёр туришларига эришиш));

- оиласий ҳаётга тайёрлаш.

Мазкур йўналишларда педагогик фаолиятни ташкил этиш маҳсус дастур ва аниқ режаларни ишлаб чиқишини тақозо этади. Уларни ишлаб чиқишида меҳрибонлик уйларининг ички имкониятлари, педагогларнинг иш тажрибалари ва маҳоратлари, шунингдек, уларнинг, айниқса, раҳбар ходимларнинг ташаббускорлиги, бошқарув маданиятига эгаликлари алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, меҳрибонлик уйларининг ижтимоий ташкилотлар, жумладан, бошқа турдаги таълим ва соғалиқни сақдаш мұассаслари, ижтимоий мухәфаза органлари, ёшлар, ҳомий, шунингдек, халқаро ҳомий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликка эришиш, тарбияланувчиларни ҳар томонлама ижтимоий ҳаётга тайёрлаш жараёнида уларнинг имкониятларидан самарали фойдалана олиш ҳам кутилган натижаларни қўлга киритиш имконини беради.

Юқорида кўрсатилган йўналишлар бўйича педагогик фаолиятни ташкил этишга малакали, кўп йиллик иш тажрибасига эга педагогларни жалб қилиш ҳам эришилган ютуқларни бойитади, меҳрибонлик уйларида юзага келиш эҳтимоли бўлган ёки мавжуд зиддиятларни бартараф этишда тўғри йўл саналади.

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга са-марали тайёрлаш, кескин рақобатларга бардош бера оладиган даражада руҳан камол топишлари учун зарур педагогик шароитларни яратиш ва мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини белгилаш мақсадга мувофиқ. Шундагина уларнинг мустақил ҳаётда ижтимоий муносабатларнинг фаол субъектлари бўлишлари таъминланади ҳамда ҳаётларининг мазмунли кечишига эришилади.


Шундай қилиб, инсонни ижтимоийлаштириш мураккаб, кўпкіррали ва узоқ давом этувчи жараён бўлиб, бу жараёнда у илмий билимлар, ахлоқ мезонлари ва ижтимоий тажрибани ўзлаштиради, уларга амал қилиш кўнилмаларига эга бўлади. Инсонни ижтимоийлаштириш жараёнига биологик ва ижтимоий омилларнинг кучли таъсирларини инобатта олиш лозим.

Ўзбекистонда Мехрибонлик уйларининг ташкил этилиши ва ривожланиши тарихи

Ижтимоий муносабатларда ота-онасиз болаларга нисбатан “етим”, “тирик етим”, “чин етим” каби иборалар қўлланилган. Отаси ёки онасидан маҳрум бўлган, бироқ иккисидан бири ҳаёт бўлган оиласарда улгаяётган болалар “етим” деб юритилган бўлсалар, ота-онаси ёки улардан бирининг ўз фарзандларидан воз кечиши, болалари тарбияси ва униб-ўсишлари учун масъулиятни зиммасига олмаслиги – уларнинг “тирик етим” бўлишлари учун асос саналади. “Чин етим” тушунчаси эса ҳам отаси, ҳам онасидан ажралган, уларнинг моддий ва маънавий қўллаб-кувватлашларидан маҳрум бўлган болаларга нисбатан қўлланилган.

Кўпгина халқарда бўлгани каби Марказий Осиё халқларида ҳам бола етим бўлиб қолса, уларни қариндошлари ёки ҳамқишлоқлари, маҳалладошлари ўз қарамоғларига олиб тарбиялаганлар. Бу каби болалар мақоми жиҳатидан “асранди бола” деб юритилган.

Ўзбек халқининг етимларга муносабати асрлар давомида у томонидан яратилган оғзаки ижодиёт ва ёзма манбаларда ўз ифодасини топган. Халқ оғзаки ижодиёти ва ёзма манбаларда ота-оналарнинг меҳридан маҳрум бўлган болаларнинг таъсирчан бўлишлари, ота-онаси ҳаёт бўлган тенгдошлари олдида ўқисишли, жамият аъзоларининг уларга нисбатан муносабатлари турлича бўлиб келганилиги ифода этилган. Ўзбек халқ мақолларида етимлар ва етимликнинг ижтимоий мавқеи, жамиятда туттган ўрни, атрофдагиларнинг уларга нисбатан муносабатлари, шунингдек, етимликнинг ижтимоий оқибатлари ифодаланган (5-расм).



5-расм. Етимликнинг ижтимоий оқибатлари.

Кўйида ўзбек халқ мақолларида ёритилган етимлар ва етимликнинг ижтимоий моҳияти борасидаги қарашлардан намуналар келтирилади:

I. Етимларга мөхр-шафқат кўрсатиш, уларга ижтимоий (маънавий-ахлоқий, руҳий ва иқтисодий) ёрдам кўрсатиш зарурлиги.

Етимни йиглатма.

Етимнинг кўнгли ярим.

Етимнинг оғзи ошга текканда бурни қонар
Холвани ҳоким ер,
Калтакни етим ер.

II. Етимликнинг салбий ижтимоий ҳодиса сифатида қабул қилиниши, етимларнинг камситилиши.

Етим ўғлон ит бўлар,
Ёқаси тўла бит бўлар.

Етим қизга елпигич чикора.

Етим қиздан етим хотин яхши.

Етим қўзи асрасанг,
Оғзи-бурнинг мой бўлар.
Етим бола асрасанг,

Огзи-бурнинг қон этар.
Етимнинг кийганин бой ўғли йиртар.
Зоғарангдан түйди етим,
Зарра-зарра қўйди етим¹.

III. Етимларнинг моддий кўмак ва ёрдамга муҳтож бўлишлари.
Етим ўз киндигини ўзи кесар.
Етим бой бўлмас,
Бой бўлса ҳам, бойвачча бўлмас.
Етимнинг бир тўйгани – чала бой бўлгани.
От ориқлиқда, қиз етимлиқда кўримсиз.

IV. Етимлар ҳаққини ейиш, унга озор етказиш оғир гуноҳ эканлиги.
Етим-етим демангиз,
Етим ҳақин емангиз.
Етимнинг нақи етти дарёни қуритар.
Сагирнинг ҳақи – тангрининг ўқи.

V. Етимларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилай олмасликлари.
Етим қизнинг етмиш онаси бор.
Етим қизнинг янгаси кўп.
Етимнинг отаси – етти.
Етимнинг отаси кўп,
Жонига фойдаси йўқ.

VI. Етимлар меҳнатининг қадрсизланиши.
Етим ўз ишини ўзи қиласар,
Киши миннатини эшитар.
Етимнинг егани – елим,
Ичгани – йиринг.
Етимнинг егани – заҳар,
Кийгани – кафан.
Етимнинг ҳайити янги куйлак кийганда.

VII. Етимлик – муҳтожлик, чорасизлик, фақирлик эканлиги.
Етим қўзи сутга тўймас.
Етимнинг жони – етти.

¹ Ўзбек халқ мақоллари / Тузувчилар: Б.Саримсоқов, А.Мусоқулов, М.Мадраҳимова. Тошкент: Фан, 1981. 92-320-бетлар.

Етимнинг ризқи ерда.
Етимнинг қорни – етти.
Етимча – етти кулач¹.

Ислом дини гояларига кўра сагир (яъни етим)ларга меҳр-шафқатли бўлиш, уларга гамхўрик қилиш катта савоб, аксинча, уларни хорлаш, камситиш, шунингдек, етимлар ҳаққини ейиш гуноҳ саналади. Мазкур гоялар ислом таълимотининг муқаддас манбаларидан бир бўлган Ҳадисларда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, “Абу Хурайрага Расулуллоҳ ривоят қилдилар: “Бева хотинилар ва мискинлар рўзгорига (ёрдам қилиш учун) ҳаракат қилувчи киши Аллоҳ Таоло йўлида жиҳод қилувчилар ва кундузи рўззадор, кечаси ибодат билан машғул бўладиган кишилар савобига эгадир”². Абдураҳмон ибн Абзо (розиёллоҳу анху) айтдилар: Ҳазрати До-вуд (алаихиссалом): “Етим болага ўз отасидек марҳаматли бўл!”³.

“Аллоҳ Таолога энг севимли бўлган уй етимлар тарбия топган уйдир”⁴.

“Мурра ал-Фахрий ибн Амр (разиёллоҳу анху) Расулиллоҳ (Саллаллоҳу алайҳи вассаллам)дан ривоят қиладилар: Расулиллоҳ: “Етим боланинг тарбиятини ўз устига олган киши жаннатда мен билан шундай яқин бўлади”, деб ўрта бармоқлари билан иккинчи бармоқлари (ибҳомлари)ни кўрсатдилар”⁵.

“Ҳасан Басрийдан ривоя қилинади. У киши айтдилар: Абдуллоҳ ибн Умар (разиёллоҳу анху) таом ейдиган вақтларида бир етим бола келиб, у жаноб билан биргаликда овқатланарди. Кунларнинг бирида Абдуллоҳга таом келтирилди, лекин етим йўқ эди. Абдуллоҳнинг ўзлари таомни еб бўлганларидан кейин бола келиб қолди. Боланинг таомини олиб келинглар, деб фармон берилгач, таом тутаг қолгани учун узр айтилшанидан кейин Абдуллоҳ талқон билан асални келтириб бола олдига қўйдилар-да: “Мана буни тановул қила қол! Аллоҳ номи билан қасамёд қиласманки, сен зиён қиласдан бўлмадинг”, дедилар. Ҳасан Басрий айтдилар: “Валлохи, ибн Умар ҳам зиён қиласмадилар”⁶.

“Асмо бин Умайд (розиёллоҳу анху): “Қўлимда бир етим бола бор”, – деб ибн Миринга айтди. Шунда ибн Сирин: “Ўз болангга қандай қарайдиган бўлсанг, қўлингдаги етимга ҳам шундай қарагин. Ўз боланг-

¹ O'zbek xalq maqollari / Tuzuvchilar: T.Mirzayev, A.Musoqulov, B.Sarimsoqov. Mas'ul muharrir: Sh.Turdimov. Toshkent: Sharq, 2005. 483-485-betlar.

² Ал-Бухорий, Имом Исмоил. Ал-адаб ал-муфрар (Адаб дурдоналари). Тошкент: Узбекистон, 1990. 55-бет.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Ўша жойда.

⁶ Ўша манба. 56-бет.

ни нима учун урадиган бўлсанг, у етим болани ҳам шунинг учун ур!”, – дедилар”¹.

Маждиддин Хавофийнинг “Равзат ул-зулд” номли ҳикоятлар тўпламида “Сагирни тангри боқади” номли ҳикоят келтирилади. Унинг мазмуни қуйидагича: Бир одам халифа Мўътасимга илтимоснома ёзиб юборди. Унда: “Лашкардан фалон исмли киши урушда шаҳид бўлди, ундан анча мол-мулк ва сағир боласи қолди. Мерос сағирга ортиқдик қиласади, шунинг учун унинг бир қисмини хазинага олиб бориб топширсам, лашкарнинг машшатига сарф қиласалар”, деб ёзилган эди.

Халифа ўша илтимоснома юборган одамни чақиришиб, буюрди: “Шаҳид бўлган одамнинг бор мол-мулкини хазинага топшир, сағирни эса тангрининг ўзи парвариш қиласади”².

Куръони каримнинг “Нисо” сурасида қуйидагилар баён этилади: “Етимларни то балоғат ёшига етгуналарича имтиҳон қилиб (текшириб) туринглар. Агар уларнинг эс-хуши жойида эканини курсангиз, молларини ўзларига топширинглар. У молларни исроф қилиб ва эгалари катта бўлмасдан шошилиб еб қўйманглар. (Етимни оталикка олган) парҳез қиласин. Борди-ю, камбағал бўлса, яхшилик билан (яъни қилган хизматига яраша) олиб есин. Молларни ўзларига қайтарганингизда эса гувоҳ келтиринглар. Оллоҳнинг ўзи етарли ҳисоб қилгувчиидир” (6-оят). “Мерос тақсимида узоқ қариндошлар, етим ва мискинлар ҳам ҳозир бўлсалар, уларни ҳам шу меросдан баҳраманд қилиб, яхши сўз айтинглар” (8-оят). “Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсаларга ҳеч шак-шубҳасиз қоринларига олов еган бўлурлар. Ва, албатта, дўзахга киражаклар”³.

Шарқ мутафаккирларининг ижодларида ҳам гариб ва етимларнинг кўнглига озор етказмаслик, уларга меҳр-шафқат кўрсатиш, имкон қадар уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланиб, атрофдагилар уларга нисбатан муҳаббатли, гамхўр бўлишга чақирилади. Қуйида уларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтилади.

Юсуф Ҳожиб (XI аср) ҳам ўз асарларида етимлик ва етимларга муносабат масаласини ёритар экан, “қашшоқ, тул, етимларга меҳрибон кўнгил”⁴ бўлиш энг юксак инсоний сифатлардан бири эканлигини таъкид-

¹ Ўша жойда.

² Аждодлар ўғити / Тўпловчи ва изоҳдар муаллифи Б.Аҳмедов. Тошкент: Чўлон, 1991. 82-бет.

³ Куръони карим / Ўзбекчадан изоҳди таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. Тошкент: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998.

⁴ Ҳос Ҳожиб, Юсуф. Қутадгу билиг. (Саодатга йўлловчи билим) / Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи: Қ.Каримов. Тошкент: Фан, 1972. 401-бет.

лайди. Бу тоифа кишиларга мушкул вазиятларда ёрдам кўрсатиш, уларнинг кўнглини кўтариш олижаноблик эканлигини уқтиради¹. Аллома қашшоқ, тул ва етимларга меҳр-шафқат кўрсатиш, меҳрибонлик қилиш “чин адолат”²нинг ёрқин кўриниши эканлигини айтади.

Сўфийлик тариқатининг намояндаларидан бири – аллома Аҳмад Яссавий фаолиятида гариб, факир кишилар ва етимларга меҳрибонлик қилиш, уларга ёрдам қўлини чўзиш алоҳида ўрин тутган. Аллома фаолиятининг мазкур жиҳати қўйидаги сатрларда ўз ифодасини топган:

Фариб, факир кишилар, етимларни(нг) кўнглин овлаб,
Кўнгли қаттиқ ҳалойиқдан қочдим мано³.

Фариб, факир кишилар ва етимларни қиласи шодмон⁴.

Чин маънода “халқ шоири” бўла олган улуг мутафаккир Алишер Навоий ёш авлод тарбиясини ташкил этишда жонбозлик кўрсатган шахслардан бири саналади. Мутафаккирнинг жамоат арбоби сифатида мадрасаларни бунёд этишдаги хизматлари эътироф этилар экан, мазкур мадрасалар ёнида етим болалар учун ҳам мактаблар очганлигини айтиб ўтиш жоиз. Аллома бу тоифа болаларнинг таълим олишлари учун фақат шароит яратибина қолмай, шу билан бирга уларни ўз ҳисобидан кийимчек, озиқ-овқат ва ўқув манбалари (китоблар ва ёзув қуроллари) билан ҳам таъминлаган⁵.

XVII асрда яшаб, ижод қилган машхур шоир Турди ўз замонасанинг беклари ва уларнинг фаолиятига баҳо берар экан, халққа жабру жафо етказишлари, ҳатто етимлар ҳаққини ейишдан номус қилмасликлари, бу борада “бўрилар улардан инсофли” эканлигига ургу беради. Яъни:

Беклар ўлди, ҳаромзодалари ноинсофи,
Бемахосил, гала номард қалин наддофи,
Егани ҳаққи етим, мадрасалар авқофи,
Буларнинг олдида бордур бўрининг инсофи,
Бу аламдин кетайин бош олиб мулки Ироқ⁶.

¹ Ўша манба. 622-бет.

² Ўша манба. 785-бет.

³ Яссавий, Аҳмад. Ҳикматлар / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи И.Ҳақкулов. Тошкент: Ғўулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 41-бет.

⁴ Ўша манба. 45-бет.

⁵ Тўхтамуродов Э. Болалар ўйларида тарбияланувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтиёмий ва педагогик асослари: Пед.фанд.номз. ... дисс. Тошкент, 1995. 22-бет.

⁶ Узбек шеърияти антологияси. З-том. Тошкент: Ғўулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1961. 622-бет.

“Кўқон хони Худоёрхон етимларни бошини силаб, уларнинг тарбиясига алоҳида эътибор берган. Худоёрхон даврида етим-есирлар, отонасиз қолган болаларни саройга тўплаб, тарбиялаганлар. Баъзи ноҷор оиласалар ҳам болаларини хон тарбиясига топширганлар. Чунки саройда уларни ўқитишган, уст-бош билан таъминлаб, касб ўргатишган.

Болалар саройда, расмий идоралар, отхоналар, ошхона ва чойхоналар, капитархоналар, боғлар, ҳаммомларда хизмат қилиб, хон ва беклар ўюштирган овларда иштирок этганлар. Сагирларга яктак, лозим, чопонлар, бўз матодан тикилган тўйлар, этиклар, дўпилар сингари сарполар берилиган. Саройда хизмат қўлганларга эса атлас ва шоҳидан либос кийимлар инъом этилган. Хон тарбиясидан баҳраманд бўлган етим-есирлар уғайгач, энг ишончли кишилар қўйилиши керак бўлган лавозимларга тайинланганлар. Ҳужжатларга назар солсак, хазиначилар, қўриқчилар, кичик лашкарбошилар исмида “сагир” қўшимчаси учрайди”¹.

XX аср бошларида ёшлигидан бой хўжаликларга ёлланиб ишловчи қарол “хизматкор” деб юритилган. Одатда, бой хўжаликларга ёлланиб ишлайдиган қаролларнинг кўпчилигини етимлар, ота-онасининг васийлиги ёки ҳомийлиги (моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашлари)дан маҳрум бўлган болалар ишлар эдилар. Бундай ишларга етим болалар кўп ҳолларда муайян муддатларга ёлланар эдилар. Жумладан, чорвадор хўжаликлирида бир йил, деҳқончилик хўжаликларида эса 8-10 йил муддатга ёллансалар, ҳунармандаларга 5 йилдан 10 (ҳатто 15) йилгacha муддатга шогирд тушар эдилар. Агар етим пода боқса, унинг ҳақи 6-8 қўй, ёзлик ва қишлиқ кийим, кундалик овқат, деҳқончилик ишларида эса 4-5 ботмон фалла (ёки 120-150 танга пул)дан иборат бўлар эди.

Шартлашилган муддат тамом бўлгач, етим ҳақини олиб, кетиш ёки янги муддатга ёлланиш имкониятига эга бўларди. Чорванинг йўқолиши ёки ўлиши, шунингдек, табиий оғат натижасида етган зарарни тўлаш етим зиммасига юқлатиларди. Натижада етим кўп йиллаб ёки умрбод бой хизматида қолиб кетарди.

XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида собиқ Шўро давлатида етим ва қаровсиз қолган болалар тарбияланадиган маҳсус болалар уйлари, тарбияхона (интернат)лар ташкил этилди. Етимларга гамхўрлик жамият олида турган муҳим вазифалардан бири сифатида эътироф этилди.

1918 йилда ХКСнинг декрети билан етимхоналар асосида Болалар уйлари ташкил қилинган. Кейинроқ, Ўзбекистон Шўро Республикасида бойлардан мусодара қилинган катта бино ва боф-рөгларнинг кўпчилиги болалар уйлари ихтиёрига берилиди. Ташкил қилинган Болалар уйлари

¹ Мирзо, Баҳром. Қўқон салтанати. Тошкент: Шарқ машҳали, 1992. 24-25-бетлар.

ота-онасиз ёки қаровсиз қолган болалар учун давлат томонидан очилган тарбия муассасаси бўлиб, улар асосан, икки хил эди:

- 1) мактабгача тарбия ёшидаги (3-7 ёшли) болалар уйлари;
- 2) мактаб ёшидаги (7-18 ёшли) болалар уйлари.

“1917 йиғли Октябрь инқилоби натижасида большевикларниң янги ҳокимияти томонидан хайрия фаолиятига чек қўйилган ва унинг моддий (шахсий мулк) ва маънавий (дин) манбалари йўқ қилинган. Ижтимоий муносабатларни ечишни эса давлат ўз зиммасига олган.

Бу вақтда барча жойларда, жумладан, Ўзбекистонда ижтимоий тарбия бўлимлари тузила бошлади. Вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси бўйича муассасалар ташкил этилди. XX асрнинг 20-йилларида мактабга моддий ёрдам берувчи “Комсад” (“Ёрдам қўмитаси”) номли ташкилот фаолият юритган. Шунингдек, кам таъминланган оиласларни моддий таъминловчи “Камбагаллик фондлари” (жамгармалари – Ў.А.) ҳам мавжуд бўлган. Бу фонdlар камбагал оиласларни энг кам миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаганлар¹.

В.Ф.Лубенцов томонидан бошқариладиган Карл Либхкнет номидаги меҳнат мактабининг тузилиши республика ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Мактабнинг фаолияти ижтимоий педагогик тамойилларга асосланар эди. Ушбу таълим муассасаси Тошкент шаҳри яқинидаги 600 та етим болалар тарбия топган илк мактаблардан эди. Туркистон АСР ҳукумати 1918 йилда мактабга Никольское қишлоғи яқинидаги янги бинони беради. 1919-1920 йиллар қиши жуда оғир келди. Болалар иситимларни хоналарда яшашар, на чироқ, на керосин бор эди. Қийинчилкларга қарамай, мактаб педагогик жамоаси ижод билан машгул бўлишини давом эттиради. Мактаб байрамларида ёш иқтидорли болалар турли томошаларда иштирок этишарди. Ўқувчилар аксарият вақтларини тоза ҳавода, спорт билан шуғуланиш ёки турли расмлар чизиш билан ўтказишарди. Ўқувчиларнинг ўзига хос ҳусусиятларини инобатга олиб, мактаб педагоглари таълим-тарбияни қаттиққўллик ва кучли интизом тамойиллари асосида олиб бора эдилар. Мактабнинг ўқув ва меҳнат фаолияти ёрқин ижтимоий йўналишга эга бўлган. Масалан, “Ниҳол” тўгараги энг камбагал аҳолига 6000 дона ниҳол ҳадя этди, 30 та дехқонга қишлоқ ҳўжалиги кўргазмасида иштирок этишга кўмаклашди.

“Тозалик” тўгараги қишлоқдаги овқатланиш, сувдан фойдаланиш, майший ва санитар-гигиеник шароитларни назорат қиласади. Ўқитувчиларнинг ўзлари турли фанлардан ўқув қўлланмалари тузар эдилар. Жисмоний меҳнат ўқув ва синфдан ташқари машгулотлар билан ўрин

¹ Этамбердиева Н. Ижтимоий педагогика. 23-бет.

алмаштириб ўтказиларди. Баҳор, ёз ва кузда машғулотлар дала ва боғларда ташкил этиларди. Улар буғдой, пахта, шоли, жұхори, сабзавотлар етиштириш билан бирга ипакчилик, асаларичилик билан ҳам шуғуланишарди. Бундай машғулотлар ўқувчиларда агротехник ва зоотехник құнікмалар шаклланишига олиб келган.

Болалар мустақиллiği ва масъулиятини ривожлантиришнинг яна бир методи – бу ўз-ўзини бошқариш тизими бұлып, у жамоада муомала қилиш құнікмалари шаклланишига құмак берган¹.

Мактаб жамоаси барча моддий қийинчиликларни бартараф этган ва 1921 йилда бу муассаса тажриба мактабига айлантирилган. Қисқа вакт мобайнида иқтидорли ва қизиқувчан педагоглар жамоасининг ташаббуси билан ушбу мактабга ўқитувчи кадрлар малакасини ошириш билан шуғулланувчи, шаҳар ва қишлоқ мактаблари учун методик құлланмалар, дастурлар чиқарувчи республика илмий-методик маркази мақоми берилған².

Мактаб жамоаси илк марта “Қишлоқ ўқитувчининг кутубхонасы” номли методик дарсلىклар яраттган. Шунингдек, 1925 йилда В.Лубенцовнинг “Бошланғич мактабда дарс бериш методлари” (ўзбек тилида) номли китоби, 1928 йилда В.Ф.Лубенцов ва Н.П.Архангельский таҳрири остида “Билим” номли ўзбек мактаблари бошланғич синф ўқувчилари учун илк хрестоматия чоп этилган. Бу мактаб тажрибаси нидоятда қизиқарлы бұлып, баъзи жиҳатларини замонавий ижтимоий вазиятда құллаш мақсадида ўрганишни талаб қылади³.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар уйларида болалар боғчаси тартиби асосида иш күрилган. Мактаб ёшидаги болаларни ўз ичига олуви чиқарып, Болалар уйларида тарбияланувчиларнинг жамоат ишлаб чиқариш мәжнати мактабнинг ўқув ва тарбия мақсадларига бүйсундирілған. Юқори синфларда ўқыйдиган тарбияланувчилар ўқув-мәжнат устахоналары ёки ёрдамчи хұжаликларда ишлаб чиқариш тайёргарлігідан ўтишган. Мактабда олишган билимларини чуқураштириш ва кенгайтириш, болаларни жисмоний ва эстетик жиҳатдан камол топтириш учун Болалар уйларида түрли маданий, оммавий ишлар олиб борилған. Иккинчи жаҳон уруши йилларида мамлакат Куролли Кучлари жаңгчиларининг болалары учун махсус Болалар уйлари ташкил этилиб, Украина, Белоруссия, Болтиқбұйи республикалари, шунингдек, Москва ва Ленинград (хозирғи Санкт-Петербург) каби шаҳарлардан көлтирилған минг-минглаб болалар

¹ Ўша манба. 24-бет.

² Ўша манба. 27-бет.

³ Этамбердиева Н. Ижтимоий педагогика. 24-25-бетлар.

тарбияланган. Иккинчи жағон ууруши йилларида Ўзбекистон Шұро Республикасындағы Болалар үйларининг сони 40 та бұлыб, уларда 7166 нафар бола тарбияланган.

Уруш йилларида үзбек халқи томонидан турли миллат ва элаттарға мансуб бұлған болаларға нисбатан инсонпарварлық, дұстлик ва меҳрибонлик күрсатылдикі, оқыбатда ота-онасидан вактінча ёки бутундай ажralған минглаб болалар Ўзбекистонда бошпанда топдилар.

Архив құжжатларини ұрганиш натижаларининг күрсатишича, 1942 йил 2 январда Тошкентде бұлғып үтганды Хотин-қызылар фоалларының қатнашчилари томонидан мурожаат қабул қилинган. Үнда “Ўзбекистонга келған болаларнинг бирортаси ҳам бошпанасиз ва оналик меҳру муҳаббатидан маҳрум бұлғып қолмаслиги керак”, деган даъват баён қилинған еди.

Мазкур мурожаат эълон қилинғандан кейин бир неча күн ичида 643 оила, 69 та жамоа томонидан эвакуация қилинған юзлаб үғил-қызылар үз тарбиясига олиндилар. Шу йилнинг сентябрь ойигача 1015 нафар бола оиласалар томонидан тарбиялаш учун олинди, 303 нафари эса фарзандликка қабул қилинди. Шундай оиласардан бири тошкентлик темирчи Шораҳмат ота ва Баҳринисо ая Маҳкамовларнинг оиласи еди. Бу оила турли миллатта мансуб 11 нафар болани фарзандликка олиб вояга етказди.

1942 йил 14 январда ЎзКП(б)нинг Наманган вилояти ташкилоти бүроси ва ЎзССР Олий Советининг Наманган вилояти комитети “эвакуация қилинған болалар ва етим болаларни жойлаштириш ҳамда тарбиялаш тұғрисида” Қарор қабул қылди.

Шу йилларда республикада 214 та Болалар үйлари бұлғып, үнда 20 минг нафар бола тарбияланар еди. Шунга асосан, Наманган вилояти 1942 йил январь ойида Гова қышлогига жойлаштирилган “Комсомолец” болалар уйида – 145 нафар, “Дедушка Ильич” болалар уйида – 82 нафар, Наманган шаҳридаги “Тұлқин” жамоа хұжалигыда жойлашған 16-болалар уйида – 102 нафар, “Ленин үйі”. жамоа хұжалигы болалар уйида – 270 нафар, Поп тумани марказида жойлашған “Воровский” номлы болалар уйида – 117 нафар, Янгиқұрғон туманинде “Красная Украина” болалар уйида – 176 нафар, Шаханд қышлоқ кенгаши худудида жойлашған “Донбасс-3” мектеб-болалар уйида – 69 нафар, Наманган шаҳридаги күзи ожиз болалар уйида – 125 нафар, жами 1252 нафар бола тарбияланди. Улар билан шуғуланувчи назоратчилар гурухлары шаҳар ва туманларда ҳам ташкил этилди.

Шу тариқа, Ўзбекистонга Иккинчи жағон ууруши йилларида турли миллат вакиллар бұлған 200 минг нафар бола эвакуация қилинди. Уларни

боқиши, тарбиялаш ва соглиқларини муҳофаза қилиш бўйича ташаббуслар билан чиқилди.

Мазкур йилларда Фарғона вилоятида ҳам ўнга яқин болалар уйлари очилди (ҳозирги кунда вилоятда – Фарғона, Марғилон ва Қўқон шаҳарларида учта болалар уйлари мавжуд). Андижон вилоятида 1933 йилгача б та болалар уйи, 2 та ногиронлар уйи (Пахтаобод ва Марҳамат туманларида) мавжуд эди.

1943 йилда Наманган вилоятида 20 дан ортиқ болалар уйлари фаолият юритаётган бўлиб, уларда 2257 нафар бола тарбияланарди. Уйчи ва Янгиқўргон туманлари ва Наманган шаҳрида учта болалар уйлари ташкил этилди (ҳозирда вилоятда битта Мехрибонлик уйи фаолият кўрсатмоқда).

1941-1945 йиллардаги уруш оқибатида юзага келган ижтимоий муносабатлар болаларнинг аҳволини оғирлаштириди. Давлат ва жамоатчилик нинг урушнинг “бегуноҳ” курбонлари – болаларга муносабати ўзгарди. Давлат бу муаммоларни кўчириб келтирилган болалар учун мактаб-интернатлар яратиш ва болалар уйлари сонини кўпайтириш орқали ҳал қилишга ҳаракат қилди. Бу ҳаракат, айниқса, ҳарбий ҳаракатлар кечайдан “ўчоқ”лардан кўплаб болалар муассасалари кўчириб келтирилган Ўзбекистонда яқъол намоён бўлди¹.

Кўчириб келтирилган болалар ва катталарни жойлаштириш ва қабул қилиш республика ҳаётининг уруш йилларидағи асосий фаолиятига айланди. 1941 йилда Тошкентда Зуев ва Пастки Қrim болалар уйларининг тарбияланувчилари жойлаштирилди. Поп туманидаги энг яхши мактаб “Болалар уйи”га айлантирилди. Бироқ, керакли жиҳозлар – кроват, кўргап-тўшак, ёстиқ, кийим-кечак йўқ эди. Буларнинг барчасини маҳаллий аҳоли олиб келиб берди. Щунингдек, Тошкентдаги 1, 2, 3, 15, 18-сонли болалар уйлари, 14 ва 5-сонли мактаб-болалар уйлари, белоруссия болалар уйи, Гўдаклар уйи ҳам фаолият юритарди.

Архивларда Тошкентдаги Гўдаклар уйининг 1941-1942 йиллардаги қайднома китоблари сақланиб қолган. Унда кенгаш номига тушган “болаликка олиш” ҳақидаги аризалар учрайди. Гўдаклар уйида бундай аризалар 1941 йил январь-сентябрь ойларида 11 та, ноябрь ойида 32 та, декабрь ойида 79 та, 1942 йилнинг январь ойида эса 86 тага етган. Ўша йилларда Тошкент шаҳрида вояга етмаганларни қабул қилиш ва уларни болалар уйига жойлаштириш маркази ташкил қилинган эди².

1942 йилда бундай марказлар Тошкент, Фарғона, Урганч, Наманган,

¹ Эгамбердиева Н. Ижтимоий педагогика. 25-бет.

² Уша асар. 25-26-бетлар.

Андижон, Тўрткўл шаҳарларида ҳам тузилди. Тошкент вилоятининг Калинин туманидаги 2-сонли болалар уйи Одесса ва Луганск шаҳрининг иккита болалар уйи тарбияланувчиларини қабул қилди. Москва, Одесса ва Воронеждан кўчириб келтирилган 4 та ҳарбий-мусиқа мактаби ҳам болалар уйларига жойлаштирилган эди. 1942 йил Янгийўл туманида янги болалар уйи ташкил қилинди. Шунингдек, Риштон, Вобкент, Қарши туманларида ҳам болалар уйлари фаолият юритарди.

Ўзбекистонга, жумладан, Самарқандга Европа давлатларидан 21-сонли Польша болалар уйи ва испан ёшлари кўчириб келтирилди.

“Фронт кундалиги” асари муаллифи, машҳур румин публицисти ва ёзувчиси Харламб Зинке ҳам уруш йилларида Ўзбекистонга 18 ёшида эвакуация қилинган эди. У Самарқандда колхозчи Абдурасул Жўраев оиласида яшаган¹.

1944 йил ноябрь ойидан Тошкентда кўчириш маркази фаолият юритган ва унда болалар уйи раҳбарларининг энг яхшилари навбатчилик қилишган. Болаларни кўчириш жараёни ҳам хавфсиз эмас эди, чунки болалар ҳафталаб йўлда бўлишар, улар орасида дизентерия ва тери касалликлари кенг тарқалар эди. Шунинг учун болалар икки ҳафта мобайнида врачлар назорати остида бўлишар ва фақат шундан кейингина турли болалар уйларига жўнатилар эдилар. Бу йилларда кўчириб келтирилган болаларни тарбияга олиш кенг тарқалди. Масалан, биринчилардан бўлиб ленинградлик қизалоқ – Файна Усмон Юсупов ва унинг хотини Юля Степаненко томонидан тарбияга олинган.

Тошкентдаги 110-сонли мактабга кўчириб келтирилган тўрт нафар болани қабул қилиб, уларга алоҳида хона ажратиши. Эвакуация қилинган болаларни ўқитиш бўйича ҳам чоралар кўрила бошлаган.

Уруш йилларида болалар уйлари тармоғи ва улардаги тарбияланувчилар сони муттасил ошиб борган. 1945 йил охирига келиб республикада 267 та болалар уйи мавжуд бўлиб, уларда 30792 нафар бола тарбияланган².

Иккинчи жаҳон урушидан кейин “Болалар уйлари”да шартшароитларни яхшилаш, таълим-тарбия сифатини оширишга эътибор берилди. Мавжуд болалар уйларида тарбияланадиган, уруш йилларида Ўзбекистонга эвакуация қилинган болаларнинг аксарияти ота-оналари томонидан ўз юртларига олиб кетилди. Уларнинг айримлари эса Ўзбекистонда қолиб кетди.

Мустақиллик йилларида етим ва ота-оналар қаровисиз болаларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг муҳим

¹ Ўша манба. 26-27-бетлар.

² Ўша жойда.

ва асосий йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Ижтимоий-сиёсий мустақиллик қўлга киритилган илк йиллар (1993)да Ўзбекистон Республикаси томонидан “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция ратификация қилинди. Ратификациялаш (лотинча (“ratus” – ҳал қилинган, тасдиқланган, “fasio” – қилмоқ, бажармоқ) халқаро шартнома ёки конвенциянинг давлат олий ҳокимияти органи томонидан тасдиқланиши (айни мамлакатларда қонуний кучга киритилиши)дир¹.

Шунингдек, “ётим ва ота-оналар қаровисиз қолган болалар масаласи Ўзбекистон Республикаси ҳукумати – Олий Мажлис ийғилишларида муентазам равишда ўрганиб келинмоқда. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг ташаббуси билан “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Етим болалар ва ота-оналар қаровисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида”ги Қонунларнинг лойиҳалари тайёрланди ва Республика Олий Мажлиси томонидан қабул қилинди. Айни вақтда Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг тўлақонли шахс сифатида вояга етишлари, шунингдек, ақлий, жисмоний ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан камол топишларини таъминлашга қаратилган ижтимоий фаолият юқорида кўрсатилган Қонунлар талаблари асосида тартибга солиб келинмоқда.

Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Республика Йчки ишлар Академияси ҳамда бошқа олий таълим муассасалари ҳузурларида ташкил этилган юридик клиникалар ота-оналар қаровисиз қолган болаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, жамиятда ўз ўринларини топа олишлари учун салбий ижтимоий таъсирлардан муҳофазалашга ёрдам кўрсатмоқда”².

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан кейин Мехрибонлик уйлари фаолиятини йўлга қўйишида давлат ғамхўрлиги билан бир қаторда жамият эътибори ҳам кучайди. Айни вақтда мазкур муассасаларда тарбияланётган ёшларни ижтимоий ҳаётга муваффақиятли тайёрлашда жамоат ташкилотлари ҳамда ижтимоий субъектларнинг ҳам фаоллиги ошди. Бу фаоллик кўплаб оиласалар томонидан Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари орасидан фарзандликка олиш истагининг билдирилаётганинига ҳам кўринади. Кўйида ана шундай саҳоватли оиласалар

¹ Ўзбек тилининг изоҳи лугати. 5 жилди. Н – Тартибли / А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. 356-бет.

² Вторые периодические доклады государств-участников, подлежащие представлению в 2001 году, Узбекистан, CRC/C/104/Add.6, 30 августа 2005 http://www1.umn.edu/humanrts/russian/crc/Report_uzbekistan2005.htm1.

ва уларнинг соҳиб (соҳиба)ларининг олижаноб ҳаракатлари тұгрисида сүз юритилади.

1992 йилда Наманган шаҳрида истиқомат құлувчи Зокир ака Иноятовлар оиласы “Соғлом авлод үтүн” ҳалқаро жамғармасининг вилюят бұлыми ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг ёрдами билан Мехрибонлик үйларида тарбияланыткан 5 нафар тарбияланувчиди үз қарамагларига олишди.

Косонсойлайк Раъно опа Маҳмудова эса фарзанд күрмаганлығы сабабли турмуш ўргоги билан ажрашишта мажбур бұлған ва 1985 йилда “Болалар уйи”дан бир нафар тарбияланувчини фарзандлықка олган эдилар. Мустақиллік йилларида ҳам опа ушбу хайрлар ишларини давом эттирилдилар. Айни вақтда Мехрибонлик үйининг етти нафар тарбияланувчиси (беш нафар үғил ва иккى нафар қызы) Р.Маҳмудова бошчилигіда ягона оила бұлғынды өткізу үшін күнде опанинг барча фарзандлари оиласы, фарзандлары бұлғынды.

Наманган шаҳридаги “Зарафшон” маҳалласыда яшовчи Маҳкам ака Баҳромовнинг оиласы эса маҳалла фүқаролар йигинининг күмегі билан Мехрибонлик үйларида тарбияланыткан олти нафар тарбияланувчиди фарзандлықка олиб, уларнинг комил инсон бұлғынды өткізу үшін ғамхұрлық қылмақда.

Вилюятда бу каби саҳоватли оиласының күпілаб учратылған мүмкін. Ноғарин тумани “Норин” жамоа хұжалигыда яшовчи Сотқинжон Алибоева, Ейбұлла Темиров, Рустамжон Жабборовларнинг оиласы ҳам улар жумласидандыр.

Фарғона водийсі (Фарғона, Андижон ва Наманган вилюятлари) да мавжуд бұлған Мехрибонлик үйларида тарбияланыткан тарбияланувчиларнинг бу масканга келиб қолыш сабаблары үрганилиб, уларни қуидаги чараларға ажратылған мүмкінліктерге ишонч қосыл қылынды:

- 1) ота-онасининг никоқдан ажралишлары туфайли;
- 2) отасининг вафоти туфайли;
- 3) онасининг вафоти туфайли;
- 4) ота-онасининг ота-оналиқ хұкуқидан маҳрум этилаганлығы сабабли;
- 5) ота-онасининг жазони үтап мұассасаларыда эканлығы сабабли;
- 6) ота-онаси фарзандидан воз кечгандығы сабабли;
- 7) оиласының моддий етишмөвчилик сабабли;
- 8) ота-онасининг имконияты чекланғанлығы (ногиронлигі) сабабли.

Қуидаги жадвалда эса Фарғона, Андижон ва Наманган вилюятларыда фоалият күрсатылған Мехрибонлик үйлари тарбияланувчиларининг юқорида күрсатылған гурұхларға мансублары сон күрсаткичлары асосыда ифодаланған (кейинги саҳифага қаранг).

Ўзбек халқи асрлар давомида түрли сабабларга кўра ота-онасидан ажralган болаларга инсонпарварлик муносабатида бўлиб келган. Бу инсонпарварлик атрофдагилар, шу жумладан, маҳалладагиларнинг ота-онаси болаларни ўз қарамогига олганликларида, уларга меҳр-муҳаббат ва раҳм-шағқат кўрсатишларида яққол ифодаланади. Тадқиқотни олиб бориши даврида аҳолининг турли қатламлари орасида сұхбатлар жараёнида ўзбек халқининг бу фазиати респондентлар томонидан алоҳида эътироф этилди. Қуйида ана шундай сұхбатлардан айримларини мисол сифатида келтирилади.

Сұхбат жараёнида андижонлик Эътибор Исмоилова шундай ҳикоя қиласи: “Биз укам билан ҳовлида ёлгиз қолганимиз. Отам Истроил Исмоилов фуқаролик уруши йилларида вафот этган. Онам Кўпайсин Истроилова очликдан вафот этган. Мен бир ёшимда, укам Иброҳим эса уч ёшда етим қолдик. Маҳалла оқсоқоли бизни етаклаб, элликбошига олиб борди. Элликбоши укамни етимлар ҳужрасига топшириди, мени ёлгиз турадиган Қизлархон аммага берди. Ҳужрага борганимизда ўзимизга ўхшаган катта-кичик турли болаларни кўрдик. Укам Иброҳим ҳужрада қолиб, саводини чиқарди ва ўша ерда ишлаб юрди. Унинг яшаш жойи шу ҳужра бўлиб қолди. Кейинчалик билсан, шу ҳужра етим болалар тарбияланадиган ва саводини чиқарадиган жой экан” (сұхбат 2000 йилнинг май ойида ўтказилган).

Андижон вилояти Избоскан туманида истиқомат қиluвчи Тошхон момо Сиддиқова билан сұхбат чоғида маълум бўлдики, момо ота-онасини эслай олмайди. Уни аммаси Роҳат буви вояга етказган бўлса, икки укаси эса етимхона ҳужрасида тарбияланаб, савод чиқаришган.

Мазкур туманинг Тўртқўл қишлоғида истиқомат қиluвчи Жуманазар aka Тўланов ҳам оиласда олтига фарзанд бўлганликлари, ота-оналари вафот этганларида маҳалла аҳли, қариндош-уруглар, кўни-кўшнилар яқиндан ёрдам берганларини, улар кўмагида оила қуриб, тўртта ука ҳамда бир синглиснинг ҳаётда ўз ўрниларини топиб олишларига ёрдам кўрсатганликларини айтиб ўтдилар.

Наманган вилояти Норин туманидаги “Норин” жамоа ҳўжалигида истиқомат қилишган Жўра ота ва Бувиниса момолар фарзанд кўришмаган. Бирок, ажralиш йўлини танлашмай, аксинча, ота-онасидан жудо бўлган болаларни ўз тарбияларига олишни маъқул кўришиб, икки ўғил ва бир қизни фарзандликка олишган. Асраб олган фарзандларнинг комил инсон бўлиб вояга етишлари учун ғамхўрик қилишган. Отанинг ҳар икки ўғли – Эргаш aka ва Каримбой акалар вояга етганларидан сўнг олий маълумотли бўлишиб, нуфузли ташкилотларда фаолият юритишган.

Кейинчалик эса ўзлари фаолият юритган ташкилотларда катта жамоага раҳбарлик қилишган.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги Мехрибонлик уйларининг фаолиятларини йўлга қўйишда бир қатор давлат, нодавлат ҳамда нотижорат ташкилотларининг алоҳида ўрни мавжуд (6-расм).



6-расм. Мехрибонлик уйларининг фаолиятларини юритшига кўмаклашаётган давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари.

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан "Sen yolg'iz emassan" ("Ты не одинок") рукни остида туркум кўрсатув ва эшилтиришлар тайёрланмоқда. Уларда, асосан, болаларга уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисидаги маълумотлар бериб борилади. Шунингдек, етим ва ота-оналар қаровисиз қолган болалар ва уларнинг тақдирига кенг жамоатчилик эътиборини тортиш мақсадида маҳсус видео лавҳалар намойиш этилмоқда¹.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда жуда қадимдан етим ва ижтимоий етимларга атрофдагилар томонидан муруват кўрсатиш, уларнинг ҳолидан ҳабар олиш, ҳатто фарзандликка қабул қилиш анъанаси шаклланган. Дастлаб бу каби ҳаракатлар қариндош-уруглар, кўни-кўшилар, оиланинг

¹ Вторые периодические доклады государств-участников, подлежащие представлению в 2001 году, Узбекистан, CRC/C/104/Add.6, 30 августа 2005. http://www1.umn.edu/humanrts/russian/crc/Rreport_uzbekistan2005.html.

яқинлари томонидан амалга оширилган. Асрлар давомида масжидлар томонидан ҳам ижтимоий етимларга муруват кўрсатиб келинганд. Кейинчалик етимлар ва ижтимоий етимлар давлат муҳофазасига олина бошлади. XX асрнинг дастлабки йиларида, аниқроги, 1918 йилда Ўзбекистон шароитида дастлабки “Етимхоналар” – “Болалар уйлари” ташкил этилди. Ўтган вақт мобайнида “Болалар уйлари” фаолиятини такомиллаштириш, тарбияланувчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлида ижобий ишлар олиб борилди. Бироқ, шунга қарамай, тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда юқори самарадорлик таъминланмади. Бугунги кунда мустақили Ўзбекистон Республикасида Мехрибонлик уйлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлаш йўлида кенг қўламли амалий ҳаракатлар йўлга қўйилмоқда. Мазкур ҳаракатларни йўлга қўйишда ва уларнинг самарадорлигини таъминлашда, шубҳасиз, хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш фойдадан ҳоли эмас.

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш борасидаги хорижий тажрибалар моҳияти

Ҳар қандай жамият, ҳар қандай мамлакатда тарихий тараққиётнинг турли босқичларда у ёки бу сабаб ва шароитларга кўра ота-оналар қаровисиз қолган болалар мавжуд бўлиб келган. Шунга кўра, етимлик ижтимоий-тарихий ҳодиса саналади. Етим болалар учун мўлжалланган муассасаларнинг ривожланиш тарихини ўрганиш ҳар қандай мамлакатда рўй берадиган иқтисодий қийинчиликлар аҳоли турмуш даражасининг пасайиши ҳамда етимлар, қаровсиз ва жиноятта мойил болалар сонининг кўпайишига сабаб бўлишини кўриш мумкин. Айни вақтда Россияда етим, қаровсиз болалар муаммоси ижтимоий-иқтисодий тантликнинг инъикоси сифатида долзарблек касб этмоқда.

“Ўрта асрлар Европасида черков ижтимоий субъектларни ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи маскан ҳисобланган. Аҳоли черковларга фақат руҳий ёрдам олиш учунгина эмас, балки тиббий ва моддий қўмак сўраб мурожаат қилишган. Антик даврлардан бўён Европада ибодатхоналарга иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечираётган, тиббий ёрдам кўрсатилишига муҳтоҷ кишилар қўмак сўраб мурожаат қилишган. Шунингдек, ота-онасиз қолган гўдаклар ва болалар ҳам ибодатхоналарнинг эшиклари олдига қўйиб кетилган.

Кейинчалик ҳам болалар уйлари руҳонийлар томонидан бошқарилган. Парижда 1640 йил руҳоний Ванценто Деполен томонидан асос

солинган тарбия уйлари жуда машхур бўлган. Тарбия уйи қирол Людовик XIV томонидан молиялаштирилган Мехрибонлик билан шугулланувчи орденлар – хайрия йўлида қилган ишлари орқали кейинчалик машхур бўлиб кетган иирик черков ташкилотлари тузила бошлаган”¹.

Россия тарихида 988 йида феодал давлат ташкил топди. Худди шу вақтдан бошлаб, “етим” болаларга давлат томонидан ғамхўрлик қилишга оид қарорлар қабул қилинди. Мазкур қарорлар асосида шу кунга қадар ота-она қаровисиз қолган болаларни тарбиялаш ишлари олиб борилемоқда. Манбаларда кўрсатилишича, “ноқонуний туғилган ёки турли сабабларга кўра воз кечилган гўдаклар” учун биринчи тарбия уйи 1706 йилда Новгородда, монастр қошида очилган. Кейинчалик бу каби тарбия уйлари бошқа Провослав монастрлари ва черковлари қошида ташкил этила бошлади. Ушбу тарбия уйларининг фаолият юритиши “олижаноб шахсларнинг ҳимматлари” ҳисобига таъминланарди.

1715 йилда Пётр I нинг фармонига кўра 10 га яқин тарбия уйлари (“етимларни овқатлантириш жойлари”) очилди. Пётр I вафотидан кейин эса улар ёпилиди.

Екатрина II даврида тарбия уйлари қайтадан ташкил этилди. Қуролича ҳомийлигида маълум муддатгача болаларни турли қуифатлардан асрайдиган, сўнгра уларни “энг ахлоқли оиласлар”га тарқатадиган “тарбия уйлари” ва “етимхоналар” фаолият кўрсатди.

1763 йилнинг 1 сентябрида “Москва тарбия уйини ташкил этиш тўғрисида”ги Манифест эълон қилинди. Қиролича Елизавета II Москва-да бўлган вақтларида тарбия уйларида бўлар ва уларга иирик миқдордаги хайрияларни тақдим этарди. Тарбия уйларига хайрия қилувчилар орасида таниқли давлат арбоблари ва Православ черковининг ходимлари ҳам бўларди.

Тарбия уйларининг болалари сони йилдан-йилга ортиб борган бўлса, улардаги мавжуд шароит ёмонлашди. Зерикарли ҳолатнинг мавжудлиги, озиқ-овқатнинг етишмаслиги, болаларга ғамхўрлик ҳамда тиббий ёрдам кўрсатилмаслиги фавқулотда тарбияланувчилар ўлимининг кўпайишига олиб келди.

“Манбаларга кўра, ота-онасиз қолган болалар учун илк тарбия уйлари Кесария шаҳрида епископ Василий Кесарийнинг ташаббуси билан пайдо бўлган. 787 йилда бундай муассаса Миландаги соборда ҳам пайдо бўлган. Узоқ вақт у Европада ягона ташкилот бўлиб қолаверган ва фақат XIV асрга келиб тарбия уйлари сони ўттизтагача кўпайган. Қизиги шундаки, бу уйларда фақатгина болаларга ғамхўрлик қилмасдан, профилак-

¹ Этамбердиева Н. Ижтимоий педагогика. 10-бет.

тика ишлари ҳам олиб борилган: оналарга ёрдам берилган, болаларни бошқа оиласы тарбиясига бериштеги, уларнинг тарбиясини назорат қилишган¹.

Келтирилган фикрдан англанидек, ибодатхоналарнинг ижтимоий тарбия жараёнида иштироклари кенг кўламли бўлган. Таъбир жоиз бўлса, уларнинг бу борадаги фаолиятларини қуидаги йўналишларга ажратиш мумкин:

- 1) болаларни тарбиялашда оналарга гоявий-методик ёрдам кўрсатиш;
- 2) ота-онасиз қолган ёки уларнинг моддий ва руҳий кўмакларидан маҳрум бўлган болаларнинг ўзга оиласы томонидан фарзандликка қабул қилинишларини таъминлаш;
- 3) ўзга оиласы томонидан фарзандликка олинган болаларнинг тарбияси доимий равишда назорат қилиб бориш (демак, уларнинг камол топишлари, маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлишлари, меҳнат кўнникмаларини ўзлаштиришлари, мустакил шахс сифатида шаклланишлари юзасидан мониторинг олиб бориш);
- 4) кўча болалари, жиноят қилишга мойил қаровсиз болалар уларга диний гоялар тўғрисидаги билимларни бериш асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан қайта тарбиялаш;
- 5) бемор ва ногирон болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни парваришилаш;
- 6) ночор оиласы, оч ва муҳтож болаларни озиқ-овқат ва кийим-кечаклар билан таъминлаш².

Бир қатор мамлакатларда XVII аср охири – XVIII асрнинг бошларида, асосан, черковлар қошида ота-онасиз қолган ёки қаровсиз болаларни қабул қиувчи, уларни вақтинчалик бўлса-да, озиқ-овқат, кийим-бош ва туаржой билан таъминлаш ишлари йўлга қўйила бошлади. Кейинчалик хайрия ташкилотлари бундай вазифаларни ўз зиммаларига олишган. Айни вақтда ҳам ота-онасиз қолган ёки улар билан алоқани йўқотган болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида хайрия ташкилот (жамият, уюшма)лари томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай ташкилотлардан бири Буюк Британияда фаолият юритувчи “Болаларни қутқариш” ташкилоти бўлиб, мазкур ташкилот ота-онасиз қолган ёки улар билан алоқани йўқотган болаларни таълим муассасаларига жалб этиш, уларга таълим бериш вазифаларинигина қилиб қолмай, шу билан бирга уларнинг руҳиятини ўрганиш асосида ижтимоий ҳаётга тайёрлаш масалаларини ҳам тадқиқ қилиб келмоқда.

¹ Ўша асар. 10-бет.

² Уша жойда.

XIX асрнинг биринчи ярмида ота-оналар қаровсиз қолган болаларга кўмаклашишга ҳаратилган ҳаракат давлат томонидан қўллаб-қувватланди ва сиёсатнинг муҳим таркибий қисмига айланди. Бироқ, шу билан бирга давлат ҳар қандай хайрия фаолиятини маълум даражада чеклашга ҳам интилди. Қиролича Мария даврида тарбия уйлари, болаларни қабул қилиш жойлари ва бошқаларни ташкил қилиш ҳаракати янги мақом – қиролича девонхонасиининг IV бўлими статусини олди. 1802 йилда Қироллик инсонпарвар жамияти ташкил этилиб, бу жамият аҳолининг кам таъминланган болаларига ёрдам кўрсатиш ишларини олиб борди. 1829 йилда Ички ишлар вазирилиги томонидан “Қашшоқлар тўғрисида”ги Низом лойиҳаси қабул қилинди. Мазкур лойиҳага кўра губерния васийлик Кўмиталари ташкил қилинди ва улар томонидан 8 ёшгача бўлган ўғил болалар ва 14 ёшгача бўлган қизларни оиласлар ҳамда тарбия уйларига тарқатиш йўлга қўйилди.

Болалар уйларини ташкил этишда В.Ф.Одоевский катта роль ўйнади. У 1830 йилда болалар уйларини ташкил этиш мақсадида кенг кўламли тарғибот ишларини олиб борди. 1937 йилда “Болалар уйларининг бош васий Кўмитаси”ни бошқарди ва “Болалар уйлари тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқди. Б.Ф.Одоевскийнинг сўзларига кўра, болалар уйлари “фақатгина туаржой бўлиб қолмасдан, тарбияланувчиларнинг тарбияси учун жавобгар” муассаса бўлиб қолиши лозим эди. Бироқ, архив материалиларининг гувоҳлик беришича, болалар уйларида аҳвол ниҳоятда ёмон бўлиб қолаверди. Масалан, бир йилда болалар уйларига 80-90 бола қабул қилинса, худди шунча тарбияланувчилар вафот этардилар. Болалар уйлари фаолиятида кўзга ташланадиган бу каби камчиликлар улар фаолиятининг тўхтатилишига олиб келди.

Олиб борилган тадқиқотларда кўрсатилишича, айрим ҳалқлар тарихида XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар ота-оналар қаровисиз, етим қолган болалар тарбияланувчи маҳсус муассасалар мавжуд бўлмаган. Мисол учун, Чувашия аҳолисида ота-онасиз қолган болаларни ўзга бир оила томонидан боқиб олиниши анъана бўлиб келган. Бунинг бир неча сабаблари бўлган. Жумладан:

1) Чувашия ҳалқи ўртасида болалар ўлими юқори бўлганлиги боис оиласларда фарзанд туғилиши Яратганинг инъоми сифатида қабул қилинган;

2) иқтисодий (қўшимча ишчи кучи ва ерга ишлов берувчи шахсга эга бўлиш) ва маданий-диний (авлодлар ўртасидаги ўзаро алоқани таъминлаш, Яратганинг боласиз оиласларга кўрсатган марҳамати) омилларга кўра ота-онасиз болалар ўзгалар томонидан фарзандликка олингандлар;

3) Чувашия халқы асрлар давомида қуийдаги гояга қатъий амал қилиб келган: боланинг тарбияси учун энг қулай мұхит – бу оила мұхити ҳисобланади; шахс факат оила мұхитидегина ахлоқий, жисмоний, меңнат ва ҳиссий сифатларни үзлаштириши мүмкін.

Россияда капитал ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши оқибатида аёлларнинг ёлланма меңнатта жалб этилиши, иш шароитларининг ёмоналиги, уй-жой етишмөвчилеги, ахоли үртасида, айниқса, ёз мавсумида турли юқумли касалликларнинг кенг тарқалиши ва үз ватида тиббий ёрдам күрсатиласмыслиги етим болалар сонининг ортишига сабаб бўлди. Бу эса, үз навбатида давлат томонидан ота-онасиз ва қаровсиз болаларни аниқлаш, улар учун тарбия уйларини ташкил этиш чора-тадбирларининг ишлаб чиқилишини тақозо этди.

Чувашияда янги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар бошқа кудудларга нисбатан секин ривожланди. Бу ерда ишлаб чиқариш муносабатлари аграр хусусиятга эга бўлганлиги сабабли, ҳосилдорлик бўлмаган йилларда ахоли үртасида оммавий қашшоқлик юзага кеди. Натижада болалар ҳаёти ва соғалиги ҳам ёмоналашди. Давлат ва жамият болалар ҳаётини яхшилаш, улар үртасида турли касаллик ва ўлим ҳодисаларининг юз беришига қарши курашиб йўлида амалий чораларни белгилашга мажбур бўлди. Россияда бу даврда болаларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш билан шугууланувчи муассасаларни ташкил этиш йўллари изланди ва болалар интернатлари, уйлари, маҳсус яслилар ва болалар боғчалари ташкил қилинди.

Ядринский, Чебоксарский ва Цивильский уездларининг бошлиқдари томонидан берилган маълумотларга қараганда, 1889 йилда қишлоқлардан болалар уйларига ота-онасиз қаровсиз болаларни юбориш ҳодисаси кузатилмаган.

XIX аср үрталарида Қозон диний Консисторияси томонидан тарқатилган буйруққа кўра, “янги монастрлар қошида хайрия ёки тарбия муассасалари”ни ташкил этиш айтилган эди. Ушбу асрнинг иккинчи ярмида уларнинг фаолиятини, асосан, хайрия ишлари ташкил этди.

Россияда 1891 йилдан тарбияланувчиларга диний тарбия бериш билан бирга, уларни сабзавотчилик, боғдорчилик, ҳунармандлик ва бошқа турдаги фаолиятларни олиб боришига ўргатувчи болалар уйлари ташкил этилди.

1898 йилда эса қиролича Мария Федоровнанинг кўрсатмасига биноан чекка қишлоқларда тарбия уйларини ташкил этишини таъқидаш тўғрисидаги 1828 йилда қабул қилинган Қонун бекор қилинди. Бу эса Россиянинг чекка ўлкаларидан, қишлоқлардан қаровсиз болаларнинг пойтахтта “оқиб келишлари”нинг олдини олиб, турли шаҳар ва

қишлоқларда хайрия жамиятлари ташкил этилишини таъминлади. XIX асрнинг сўнгги ўн йилларидан Россиянинг чекка вилоят ва ўлкаларида, жумладан, Чувашияда болалар уйлари очиади. Дастребки болалар уйларининг фаолияти 1884 йилда Алатирда, 1891 йилда Ядринда, 1896 йилда Шихазана Цивилский уездидан, 1900 йилда эса Цивильск ва Чебаксари шаҳарларида йўлга қўйилиб, уларда тарбияланувчиларда меҳнат қилиш, қишлоқ хўжалигини юритиш кўникумлари шакллантирилди. Бу каби мусассасаларда б ёшга тўлган ва ундан катта ёшли болаларгина ота-оналар, турии тоифадаги шахслар, хайрия ва қишлоқ жамоаларининг сўровларига мувофиқ қабул қилинардилар.

Тарбияланувчилар болалар уйларида қатъий кун тартибиага амал қиласардилар. Эрталабки йўқловдан кейин, албатта, ибодат қилинарди. Катта ёшли тарбияланувчилар машғулотлар билан шугулланишиётган ёки устахоналарда ишлаётган вақтда кичик ёшли тарбияланувчилар турли ўйинлар ўйнардилар. Уларга ёшларига мувофиқ турли воқеалар ҳикоя қилиб берилар, атроф-муҳиттга оид энг оддий тушунчалар бериб бориларди. Суҳбатларнинг асосий мавзулари ҳайвонлар ва қушлар ҳаёти, қишлоқ хўжалик ўсимликлари, манзарали гуллар ва уларнинг табиатдаги ўрни ҳақида бўларди. Тарбияланувчилар, шунингдек, диний ва ахлоқий қўшиқларни ижро этишини ўрганардилар.

Болалар уйларида меҳнат тарбиясини ташкил этишда тарбияланувчиларнинг ёши инобатга олинмас эди. Улар турли ҳунармандчилик, қўл меҳнати ва маиший-хўжалик ишлари: тикиш, тўқиши, супуриш, дазмолаш, ошхонада навбатчилик қилиш, хоналарни тозалаш, овқат тайёрлаш ва бошқаларни бажарардилар. Ёзда эса мева ва полиз экинларини парваришилардилар, ер майдонларига ишлов берардилар¹.

XIX асрнинг охирларига келиб, тарбия уйлари фаолиятида “устоз-шоғирд” анъанаси шаклланади. Айрим тарбия уйларининг қошида мактаблар очиади ва тарбияланувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида уларга ҳунармандчилик сирлари ўргатила бошлади. Бироқ, барча тарбия уйлари ҳам ота-она қаровисиз қолган болаларнинг ҳаммасини қабул қилиш имкониятига эга эмас эди.

Биринчи жаҳон ҳамда Фуқаролик урушлари ота-онасиз болалар сонининг ортишига сабаб бўлди. 1921 йилда уларнинг сони 4,5 миллионга етди. Оммавий болалар қаровсизларини бартараф этиш учун таҳминан 15 йил талаб этилди. Болалар қаровсизлариги муаммосини ҳал қилиш учун давлат ва жамият томонидан катта куч талаб қилинди.

¹ Парфенова О. История развития социального признания детей-сирот в России XVIII – начала XX века на примере Чувашии. <http://www.rl-online.ru/articles/1-04/413.html>.

1919 йилда “Болаларни ҳимоя қилиш Кенгашини түзиш түгрисида” ги декрет ээлон қилинди. Мазкур кенгашга А.В.Луначарский раис этиб тайинланди. Кенгаш болаларни “овқатлантириш мүмкін бұлған ҳудудлар” га эвакуация қилиш, умумий овқатланишни ташкилластириш, озик-овқат ва моддий жиһатдан таъминлаш каби ишларни амалға оширади. Жойларда Кенгаш фаолияти Бутуниттифоқ Фавқулотда ҳолатлар Комиссияси (Всесоюзная черезвычайная комиссия – ВЧК) томонидан назорат қилиб борилди.

1920 йилда ҳудудлар бұйича Халқ Комиссарияттарының таълим түгрисидеги қарори тарқатылды. Үнда маҳсус болалар милициясыни түзиш, ота-оналар қаровисиз қолған болаларнинг текин овқатланишларини ташкилластириш, уларни даволаш, маҳсус бұлымда қаровсиз болаларнинг қабул қилинишини йұлға қўйиш зарурлиги күрсатылған эди. 1921 йилда эса БМИК (ВЦИК) қошида болалар ҳаётини яхшилашга масъул Комиссия ташкил қилиниб, мазкур комиссияга С.Дзержинский раис этиб тайинланди. Комиссия таркибига таълим, соглашын сақлаш ва ишлаб чиқариш Халқ Комиссариятлари, ишчи-дәржөн инспекцияси ҳамда Фавқулотда ҳолатлар Комиссиясина түзілді.

Комиссия ахолига мурожаат қилиб, қаровсиз болаларға ёрдам күрсатышга чақырди. Болалар қаровсизлігінің барқам беріш йүйіндегі фаолият давлат ва маҳаллій органлар, шунингдек, жамоат ҳамда хайрия ташкилоттарынан маблаглары ҳисобига ташкил этилди.

Асосий иш шакы интернат типидеги муассасаларға жағынан қаровсиз бола ва үспириналарни аниқлаш бұлған мазкур комиссия қошида қабул қилиш-тарқатып бұлымлари ташкил қилинди. Бу каби бұлымларда қаровсиз болаларнинг түрт ой мұддатда педагоглар ва врачлар күзатуви остида бұлишлари таъминланды. Күрсатылған мұддат ичида қаровсиз болаларнинг маҳсус муассасаларға доимий яшаш учун юбориши, иш билан таъминланишларини ташкил этиш ҳамда ота-оналар ёки қариндошларига юбориши масалаларидан бири ҳал қилинарди. “Педагогик энциклопедия”да күрсатылышты, тарбия уйларыда 1917 йилда 30 минг, 1919 йилда 125 минг, 1921-1922 йилларда эса 540 минг болалар тарбияландылар.

1921 йилда із берган құргоқчылық ва бунинг оқибатида келиб чиққан оммавий очарчилик туфайли таълим бұйича Халқ Комиссарияти қошида Болалар Фавқулодда Комиссияси (БФК – ДЧК) ташкил этилди. Комиссия болалар үргасыда очарчиликка қарши курашы. Шу йилларда “Болаларнинг дүстлары” жамияти түзілді. Жамият болалар учун оромгоҳлар тұнаш учун ётоқхона ҳамда ишлап учун устахоналар ташкил қылды. Жамият үз клублари, ошхоналари ва қабулхоналарига ега эди.

1925 йилда сибік Иттифоқ Халқ Комиссарияти ва БКП МК томонидан “Болалар қаровсизлігінің жиноятынан бартараф этиш тұғрисида” ги Қарор қабул қылғанды. Мазкур қарор талабларини бажа-риш ҳамда тарбия үйлерида қаровсиз болалар сони күпайишининг ол-дини олиш мақсадыда оиласынан уларнинг фарзандлыкка олиш ҳаракати көнг оммалашды.

Болалар қаровсизлігінинг “янги тұлқини” Иккінчи жағон уруши йилларида юзага келди. 1950 йилда сибік Иттифоқ бүйічі 636 мінг тарбияланувчини үз ичига олган 6543 та болалар үйлари фаолият күрсатды. Орадан саккыз йил үтгач, болалар үйларининг сони 4034 мінггача, тарбияланувчылар сони эса 375 мінг нафаргача камайды.

Бугунғи кунда Россиянинг үзидегінде 1,5-2,5 миллион болалар таълим муассасаларынан жағынан 636 мінг болалар үйларидан қаровсиз болаларни қабул қылыш, реабилитация марказлары, қабул қылыш-тарқатыш бўлимлари орқали ҳисобга олинган болалар билан кўшиб ҳисобланганда 3000000 тарбияланувчи мавжуд. Бир миллионга яқин қочоқ болалар эса таълим олиш имкониятiga эга эмас¹.

Бугунғи кунда Россия Федератив Республикасида ота-она қаровисиз қолган (“етим”) болалар муаммоси энг катта ижтимоий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Айни вақтда бу мамлакатда “етимлик” нинг учинчи тұлқини юзага келган. Бу борада биринчи тұлқин Биринчи жағон ҳамда фуқаролар уруши, иккінчи тұлқин – Иккінчи жағон уруши, учинчи тұлқин эса тузумлар үзгариши – “үтиш даври” да юзага келди.

1945 йилнинг май ойида Россиянда 678 мінг етим болалар бўлган бўлиб, уларнинг аксарияти ота-онасиз эдиар. Бугунғи кунда эса расман қайд этилган 700 мінгдан ортиқ етим болалардан кўпчилигининг ота-оналари ҳаёт².

Зырянск (Россия Федератив Республикаси) болалар уйида патронат тарбиясининг ривожланиш тарихи 2002 йилдан бошланган. Жағон ва, ҳатто, Россия тажрибасыдан фарқли равища патронат оиласынан ота-онасиз, етим болалар фақат мактабгача тарбия ва мактаб ёшидан эмас, асосан, 14-16 ёшдан берилади. 2002 йилнинг октябрь ойида Томск вилояти маъмуриятты умумий таълим департаменти негизида патронат тарбиясини ташкил этиш юзасыдан тажриба-синов майдонлари танланды. Грант (лойиҳа) маблаглари ҳисобига етим-болаларни оиласынан жойлаштириш ҳаракати йўлга қўйилди. Ўтган йиллар мобайнида болалар үйлари тар-

¹ Сиротство в истории России. <http://eparhia.onego.ru/sirota.htm>.

² Государственные дети – как научить их отвечать за свою судьбу? <http://edunews.eurekanet.ru/vesti/info/954.html>

бияланувчиларини ижтимоийлаштириш борасыда амалга оширилаётган мазкур ҳаракат үзининг ижобий натижаларини берди.

Буюк Британияяд 2007 йилда хайрия ҳаракатлари амалга оширила бошлаганлигининг 410 йиллиги нишонланди. Ушбу мамлакатда хайрия фаолияти суд тизими ҳамда қонунчилик лойиҳалари асосида мунтазам равища амалга оширилиб келинмоқда.

Тюдорлар оиласи қишлоқ ҳұжалиги инқирози ҳамда шаҳар аҳолиси сонининг кескин ошиши билан боглиқ равища келиб чиқиши эҳтимоли бұлған ижтимоий құзғолоннинг олдини олиш учун 1597 йилда “Хайрия маблағларидан фойдаланиш тұғрисида” ги акт ишлаб чиқдилар. 1601 йилда мазкур ҳужжат қайта күриб чиқылди. Ҳуди шу даврда хайрия маблағларини ҳақиқатда қашшоқлықда күн кечираётган шахсларни аниқдаш, шунингдек, ишлаш лаёқатига эга бұлған ҳолда меңнат қылмайдиган кимсалар тұғрисидаги маълумотларни тұплаш мақсадида “Қашшоқлық тұғрисида” ги Қонун ҳам тайёрланди. Ушбу қонун ҳужжати 1948 йилға қадар расмий қонунар тұпладыса сақданиб келинди.

1601 йилда қайта күриб чиқылған “Хайрия маблағларидан фойдаланиш тұғрисида” ги Қонунда бугунғи күнде ҳам аҳамиятини йүқтотмаган вазифалар белгилаб берилғанлигини күриш мүмкін. Үнга күра, хайрия маблағлари қүйидагиларга сарфланған: кексалар, ёрдамға мұхтож ва қашшоқ кишиларға, касал ва күмакқа мұхтож аскар ҳамда денгизчиларни құллаб-құвватлашға, таълим олишлари учун ұқычилар, университетларнинг олимларига, құприклар, портлар, тұғонлар, дengiz бүйларида жойлашған черковлар ва йұлларнинг таъмирланишига, етимларға таълим беріш ва уларни құллаб-құвватлашға, хайрия ёрдамларини құрсатишаға ёки уларни күчайтишига, ҳұкумат үйлари ҳолатини сақдаш ва тартибға солишига, қашшоқ аёлларнинг турмушға чиқишиларига, ёш савдогарлар ҳамда ҳунармандлар, шунингдек, иши юришмаёттан ёшларға, асирға түшгандар ёки маҳбусларни күтқарыб олишга, қашшоқ аҳоли турмуш тарзини яхшилашға, аскарларни қисмларға жұннатишига ва бошқа солиқларға.

Тюдорлар даврида ҳам хайрия маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш, уларни ұзлаштириш ҳолатлари күзға ташланған. 1601 йилда қайта күриб чиқылған Қонунга мувофиқ хайрия маблагларини зарур мақсадға йұналтирилишини назорат қылувчи комиссарлар таркиби тайинланған. Бирок, мазкур орган раҳбарларининг доимий алмашишлари туғайлы XVII аср охирига келиб, орган фаолияти тутатылған.

1736 йилда “Мортмейн Қонуни” (“mortmeyn” – сұзма-сұз таржима қилинганда “ұлғың құл” маъносини англатади) қабул қилиниб, үнга асо-сан меросхұларнинг манбаатлари ҳимоя қилинди. Агарда мерос мерос

қолдирувчи ҳәётининг сүнгги йилларида қолдирилмаган бўлса, мерос қилиб қолдирилган ер ва бошқа маблағлар қонуний эмас деб топиди¹.

Германия давлати бошқа мамлакатлар билан қиёслаганда энг намунали ижтимоий таъминот тизимиға эга ҳисобланади. Мазкур тизимнинг асоси Фон Бисмарк даврида кўйилган эди. Унга кўра баҳтсиз ҳодисалар, турли касалликлар ҳамда кексайгандага меҳнатга лаёқатсизлик учун кафолатли тўловлар амалга оширилган. 1919 йилдан бошлаб эса ишсизлик учун ҳам давлат томонидан тўловлар амалга ошириб келинмоқда. Замонавий ижтимоий ёрдам тизимининг шакланишида Эльберфельд тизимининг тамойиллари муҳим аҳамият касб этади. Мазкур тизим номи ижтимоий ёрдам амалга оширилган шаҳар номидан келиб чиққан бўлиб, XIX аср ўрталарида бутун мамлакатта ёйилган. Тизимнинг асосий тамойиллари қўйидағилардан иборатdir:

- ижтимоий ёрдамнинг марказлаштирилиши ҳамда ҳар бир худуднинг индивидуал масалаларни кўриб чиқишдаги мустақиллиги;
- ёрдамга муҳтож ҳар бир кишига ижтимоий ёрдамнинг индивидуал амалга оширилиши;
- қашшоқликни тан олиш ишида жамият ҳар бир қатламишининг бирдек фаол жалб этилиши.

Вақт ўтиши билан ижтимоий ёрдам кўрсатишининг усуллари ва шакллари ўзгарган бўлса-да, бироқ асосий тамойиллар моҳияти ўзгаришсиз сақлаб қолинган.

“Ижтимоий жамият” тушунчаси илк марта Германия Федератив Республикасининг 1949 йил 23 майда қабул қилинган Конституциясида илк бор қўлланилган. Айни вақтда ижтимоий ёрдам Германияда ижтимоий муносабатларни ташкил этишда кўрсатиладиган ижтимоий кафолатларнинг муҳим қисми ҳисобланади. Ушбу давлатда бюджет маблағлари ҳисобига ижтимоий ёрдам оладиган ташкилотлар орқасида етим ва ижтимоий етим болалар тарбияланадиган мактаблар, интернатлар ҳамда мусассасалар ҳам ўрин олган².

АҚШ ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, шу жумладан, етим ва ижтимоий етимларни давлат қарамогига олиш, уларга таълим ҳамда тарбия бериш борасидағи ижтимоий ҳимоянинг Миллий тизими доирасида амалга оширилади. Мазкур тизимга ўтган асрнинг 30-йилларида, яъни 1935 йилда Франклун Рузвелтнинг Президентлиги вақтида асос солинган. Тизим негизида америкаликларни мувваффақиятларга ундовчи, ўз оиласарининг фаровонлиги учун ҳар бир фуқаронинг шахсий масъулиятини оширишга

¹ www.pnonline.org.

² Социальная работа / Под общей ред. В.И.Курбатова. Ростов на-Дону: Феникс, 2003. С. 39-41.

қаратилган ғоялар ўрин олган. Ижтимоий ҳимоянинг америкача тизими икки аниқ йўналишга асосланади: 1) ижтимоий кафолатли тўловлар тизими; 2) ижтимоий ёрдам тизими.

АҚШда жуда кўплаб ижтимоий ёрдам дастурлари ишлаб чиқилган ва уларнинг ғоялари амалиётга оғишмай татбиқ этиб келинмоқда. Ана шунадай дастурлардан бири – бу етим ва ижтимоий етимларнинг давлат муҳофазасига олинганилиги, уларнинг таълими ва тарбиясини ташкил этишига нисбатан жамият эътиборининг қаратилганилигини ифодаловчи “Хедстарт” дастури саналади¹.

Украина Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2008 йилнинг 9 априлида “Украина Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 августдаги 823-сонли Қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ти Қарор қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ етим болалар ҳамда ота-она қаровидан маҳрум бўлган болалар учун ҳукумат томонидан доимий бериладиган нафақа миқдори оширилиб, 1590 гривенга етказилди. 2007 йилда бу тоифа болалар учун бериладиган нафақа миқдори 795 гривенни ташкил этар эди².

Шундай қилиб, аксарият ривожланган мамлакатлар, жумладан, Россия, Германия, АҚШ ҳамда Украина Республикаси мисолида аҳоли, шу жумладан, ота-она қаровисиз қолган ва “ижтимоий етим” мақомига эга шахсларга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамнинг мукаммал тизими ишлаб чиқилганилигини кўриш мумкин. Тизим доирасида замонавий шароитда ижтимоий етимларни моддий, маънавий ва рухий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг янги шакллари таркиб топаётганлиги давлат ва жамиятнинг улар тақдирига бефарқ эмаслигини кўрсатувчи ёрқин далиллар. Мазкур мамлакатларнинг амалиётида қўлланилаётган ижтимоий тез ёрдам марказларининг Ўзбекистон шароитида ташкил этилиши ҳам етимлар ва ижтимоий етимлар сонининг сезиларли равищда камайишига ёрдам беригина қолмай, шу билан бирга уларни ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлаш учун зарур шарт-шароитни яратади.

¹ Ўша манба. 44-46-бетлар.

² Государственная помощь детям-сиротам. http://www.deti.zp.ua/show_article.php?aid.

МЕХРИБОНЛИК УЙЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИЛЛАРИ

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг янги анъаналари ва самарали омиллари

Глобаллашув шароитида ёшларни ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлаш, тенг ҳуқуқли, эркин фуқаро сифатида камолга етказиш мұхим ижтимоий талаб ва эқтиёжга айланди. Айниқса, ота-оналар қаровисиз, меҳри-муҳаббатисиз вояга етаётган ёшларни интеллектуал, руҳий ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашда самарали омиллардан унумли фойдаланиш нафақат таълим муассасаларининг, балки давлат, жамият ҳамда ижтимоий ташкилотлар олдида турған мұхим вазиға саналади. Энг аввало, объектив ёки субъектив сабабларга күра ота-оналар қаровисиз қолған ижтимоий етимларни ҳар қандай күренишдаги дискриминациядан ҳимоя қилиш, давлат ва жамият мұхофазасига олиш долзарб аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси томонидан олиб борилаётган давлат сиёсатига күра Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари “Бола ҳуқуқлари тұғрисида”¹ ги Конвенциянинг 1-моддасыда қайд этилганидек, “болалар дискриминацияниян барча шакларидан ҳимояланған бұлишлари шарт”¹ лиги тамойилига оғишмай амал қилиб келинмоқда. Дискриминация (лотинча “discriminatio” – ажратыш, фарқлаш) халқаро ва миллий муносабатларда бирор давлатнинг, юридик ва жисмоний шахснинг ҳуқуқ ва имтиёзларини бошқаларга нисбатан чеклаш, камситиш демекдир². Шунингдек, мазкур ҳужжатнинг 20-моддасыда алоқида эътироф этилганидек, “ўзларига тааллуқди бұлған маданиятга мувофиқ маҳсус муассасалар қаровига, мұқобил ойлаларга ва маҳсус

¹ Фаунтин С. Ноеб ҳуқуқлар / “Болалар ҳуқуқлари ҳақидағи Конвенция”ни үрганиш бүйічә амалий күләннама. Тошкент: Ўзбекистон Болалар жамғармаси, 1996. 20-бет.

² Ўзбек тишининг изоҳи лугати. 5 жиади. Биринчи жиад. А – Д / А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 626-бет.

ҳимоя қилинишга муҳтож”¹ ижтимоий етимларни давлат қарамоғига олишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида болалар, шу жумладан, етим ва ижтимоий етимлар манфаатларининг ҳимоялананаётганлиги, маҳсус мусассасалар ёки ўзга оиласарга жалб қилинаётганларида уларга жамиятнинг тӯлақонли аъзоси ҳамда фуқаро сифатида муносабатда бўйинаётганлиги ҳам 1959 йилда Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан қабул қилинган “Бола ҳукуқлари тўғрисида”ги Конвенция талабларига мос келади. Мазкур ҳужжатнинг барча тамоийлари Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаганларнинг манфаатларини муҳофаза қилишига оид қонунчилик ҳужжатларида тўла инобатга олинган.

“Етим ва қаровсиз болаларни давлат муҳофазасига олиш, уларни ҳар томонлама камол топишлари учун зарур шароитларни яратиш, бу йўлда республика таълим мусассасаларининг халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликларини йўлга кўшиш, соҳада мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этишнинг энг самарали йўлларини топиш долзарб ижтимоий-педагогик муаммолардан бири саналади. Ушбу муаммони ижобий ҳал этиш йўллари орасида илмий анжуманларни ташкил этиш муҳим аҳамиятга касб этади. Шу боис, мустақиллик йилларида мазкур муаммога бағишланган халқаро ҳамда республика илмий анжуманларини ўtkазишига алоҳида эътибор қаратилди.

ЮНИСЕФнинг 2003 йилги ижтимоий тадқиқотлари натижаларидан маълум бўлишича, Ўзбекистон Республикасида жойлашган Мехрибонлик уйларида тарбиялананаётган болаларнинг сони ҳар 100 минг аҳолига 34,8 нафар бола тўғри келади. Бу кўрсаткич Россия, Украина ҳамда Қозогистонда ўн марта кўпдир”².

Ҳар қандай мамлакатда юзага келадиган иқтисодий муаммолар жиддий ижтимоий муаммолар, шу жумладан, “етим” ва қаровсиз болалар сонининг ошишига сабаб бўлади. XX асрнинг 90-йилларида юз берган ижтимоий ўзгаришлар ва бунинг натижасида келиб чиқсан иқтисодий танглиқ қаровсиз болалар сонининг кўпайишига ҳамда улар ўргасида жиноятчиликнинг ўсишига олиб келди. Бу даврда кимдир “оёққа тура олди”, ўзгаришларга мослашиш учун ўзида куч топади ва бу ҳам мустаҳкам турибди. Бироқ, кўпчилик оиласар ҳали-ҳануз янги ижтимоий ва иқтисодий шароитларга мослаша олмаяпти. Бундай

¹ Фаунтин С. Ноёб ҳукуқлар / “Болалар ҳукуқлари ҳақидаги Конвенция”ни ўрганиш бўйича амалий кўлланма. Тошкент: Ўзбекистон Болалар жамгармаси, 1996. 24-бет.

² Вторые периодические доклады государств-участников, подлежащие представлению в 2001 году, Узбекистан, CRC/C/104/Add.6, 30 августа 2005. http://www1.umn.edu/humanrts/russian/crc/Report_uzbekistan2005.html.

оилаларда ўсаётган болалар шундай руҳий ҳолатларни бошларидан ўтказмоқдаларки, бу ҳолатни уруш даҳшатлари билан тенглаштириш мумкин. Урушда нафрат душманга қарши қаратиласди. Аммо нотинч оилаларда болаларни қўллаб-қувватлаши лозим бўлган энг яқин кишилар уларни калтаклашади, ҳақоратлашади, устиларидан кулишади. Жуда “марҳамат қўрсатишса”, шунчаки ёрдам ва қўллаб-қувватлашдан маҳрум қилишади.

Болалар қаровсизлиги ва жиноятчилигини бартараф этиш учун давлат катта куч сарфламоқда. Болалар уйлари қаровсиз қолган болаларни аниқлаб, уларни очлик ва жиноятдан қутқариб қолишининг энг самарали воситаси бўлиб қолмоқда. Шу сабабли қаровсиз болалар аниқланиб, болалар уйлари ва интернатларга жойлаштирилмоқдалар.

Болалар уйларининг мураккаб шароитда ҳам фаолият қўрсатишлари таъминланди. Бироқ, уларнинг деярли барчасида етим болаларга нисбатан худди олтмиш йил аввал Иккинчи жаҳон уруши йилларида қўрсатилганидек муносабат билдирилмоқда. Аммо бугунги қаровсиз, етим болалар уруш йилларининг болаларидан кескин фарқ қиласидар. Дастреб ўз оилаларида руҳий зарба олган бу болалар, кейинчалик кўчада тасаввурга сифмайдиган шафқатсизликларга дуч келадилар. Аксарият болалар уйлари эса улар олган руҳий зарбаларни бартараф этилишини таъминловчи дастурларга эга эмаслар. Бугунги куннинг қаровсиз ва етим болалари соғлом оила нима эканлигини билмайдилар.

Тўғри, давлат томонидан болалар қаровсизлиги ва жиноятчилигининг оддини олишга қаратилган ижтимоий ҳаракатнинг биринчи босқичи ҳал этилди, улар болалар уйларига жойлаштирилдилар. Улар озиқ-овқат, кийим-кечак, гигиеник шароит ва таълим олиш имкониятига эга бўлдилар. Аммо, бу ҳаракатнинг самарали якунланиши учун яна бир қанча вазифалар ҳал этилиши лозим.

Оиласиз, соглом оила намунасисиз ҳар қандай бола мўътадил ривожлана олмайди. Болалар уйларида реабилитация ишлари олиб борилмас экан, ижобий натижага қўлга киритилмайди, аксинча, мудҳиш оқибатлар келиб чиқиши мумкин. Болалар уйларининг тарбияланувчилари “муасаса деворларидан ташқаридағи ҳаётга руҳий жиҳатдан тайёр бўлмаган ҳолда” мустакил ҳаётга қадам қўймоқдалар. Статистика маълумотларига қараганда мустакил ҳаётга қадам қўйгандан сўнг ўн йил ўтиб, собик “Болалар уйлари”нинг бирорта тарбияланувчисини ижтимоий фаол, ҳаётда ўз ўрнини топиб олган кишилар орасидан топиш қийин. Улардан баъзилари ўз жонларига қасд қилишади, айримлари жиноят содир этишади ва

жинои жавобгарликка тортилади, яна баъзилари эса шафқатсиз жиноятчиликнинг курбони сифатида ҳалок бўладилар.

Наҳотки, қаровсиз болаларни мўғтадил ва соғлом ижтимоий муносабатларга тайёрлашнинг иложи бўлмаса? Бунинг иложи бор, фақат етим ва қаровсиз болаларга нисбатан жамият томонидан билдирилаётган муносабатни ўзгартириш ва бошланган хайрли ишни охирига етказиш лозим.

Етимлик бутун инсоният тарихи давомида ижтимоий ҳодиса сифатида давом этиб келмоқда. Ота-оналарнинг васийлигидан, гамхўрлигидан маҳрум болалар масаласи бугун улкан муаммолардан бирига айланган. Ҳатто, энг шафқатсиз даврларда ҳам етим болалар тақдирни замондошларини бефарқ қолдирмаган. Ҳамма замонларда уларнинг оғир қисматига багишланган асарлар (Ғафур Гуломнинг “Шум бола”, В.Гюгонинг “Хўрланганлар”, Г.Белий ва А.Пантеевнинг “ШКИД Республикаси”, А.Короленконинг “Ертўла болалари”, Ж.Гринвуднинг “Кичик жулдиравоқи” ва бошқалар) яратиди, фильmlар (Ш.Аббосовнинг “Сен етим эмассан”, Е.Креловнинг “Дон Кихот болалари”, А.Барановнинг “Громовлар”, А.Атанесяннинг “Абллаҳ” ва ҳоказолар) суратга олинди¹.

Дунёда мавжуд динларнинг барчаси, жумладан, ислом дини етимларга гамхўрлик, шафқатли бўлишига чақиради. “Куръони каримда шундай битилган: “Ва Аллоҳга ибодат қилинглар, унга ҳеч нарсадан ширк келтирманглар. Ота-оналарга, қариндошларга, етимларга, мискинларга, яқин қўшниларга, ён қўшниларга, ёнбошдаги соҳибларга, кўчада қолганларга ва қўлингизда мулк бўлганларга яхшилик қилинглар. Албатта, Аллоҳ ўзидан юқори тутивчи одамлар устидан фахр қилувчиларни хуш кўрмас” (Нисо сураси, 36-оят)².

“Европа ва Марказий Осиёдаги бир миллионга яқин етим бола ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлганликлари учун ташкил этилган институцион муассасаларда яшайди. МДҲдаги бир ярим миллионга яқин ота-онасиз бола ўз гамхўрликларини топган. Африка, Осиё, Лотин Америкаси ва Кариб дengизи худудининг 93 та давлатида 2003 йил охирига келиб етим болалар сони 143 миллионга етди. Уларнинг 15 миллиони ОИТС туфайли ота-онасидан жудо бўлган болалардир.

Афсуски, ота-онасиз қолган болалар муаммоси республикамизни ҳам четлаб ўтмаган. Бугунги кунда Ўзбекистонда 20.812 нафар бола институцион муассасаларда тарбияланмоқда. З ёшгача бўлган 752 нафар бола эса 13 та чақалоқлар уйига жойлаширилган, З ёшдан 16 ёшгача бўлган 2881

¹ Хошимов З., Мўминова М. Бола бўлса бешик топилар // Жаннатмакон, 2008. 3-сон. 130-бет.

² Куръони карим / Ўзбекчадан изоҳи таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. Тошкент: Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998.

нафар бола 28 та Мөхрибонлик уйида тарбияланади. Тошкент шаҳар Мөхрибонлик уйларида тарбиялананаётган болалардан 27 фоизининг ҳеч кими йўқ, 25 фоизининг ё отаси, ё онаси бор, 32 фоизининг эса ота-оналари ота-оналий ҳуқуқидан маҳрум этилган.

Ота-оналар васийлигисиз қолган болалар институцион муассасаларда ёши ҳамда саломатлигига қараб қўйидагича жойлаштирилади:

- 1) 3 ёшгача бўлган гўдаклар – чақалоқлар уйлари;
- 2) 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар – Мөхрибонлик уйлари;
- 3) 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган ногирон болалар – “Мурувват” уйлари.

Бугун республикада: 13 та чақалоқлар уйи, 28 та Мөхрибонлик уйи, 13 та “Мурувват” уйи, тарбияси қийин болалар учун 2 та ёпиқ мактаб-интернат, сукъ касаллиги ва ўнка сили билан касалланган болалар учун санатория типидаги 23 та мактаб-интернат, кам таъминланган оиласлар фарзандлари учун 18 та маҳсус мактаб-интернат фаолият кўрсатмоқда.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра Ўзбекистонда ота-оналар васийлигидан маҳрум 20.812 нафар боладан 16.875 нафари ногиронлиги боис, “Мурувват” уйлари ва маҳсус интернатларда яшайди. Уларниң “Мурувват” уйларига келиб қолиш сабаблари турлича:

- а) ота-онасининг ногирон фарзанд тарбиялашни истамаслиги (ҳали-ҳануз давом этиб келаётган яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ носоғлом фарзандларнинг туғилишига сабаб бўлмоқда);
- б) боланинг касал онадан ёки балоғатга етмаган ёхуд оналий ҳуқуқидан маҳрум этилган аёлдан туғилаётганлиги;
- в) оиласдаги моддий қийинчиликлар;
- г) касал фарзандларни парваришилаш учун керакли шарт-шароитга эга бўлмаган кўплаб ота-оналар ногиронлар уйларида болаларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан яшай олиши учун яхши шароит мавжуд, деган янглиш тасаввурга эгаликлари¹.

Республика бўйича фақаттина 2003 йилнинг ўзидағина фуқаролик судлари томонидан ота-оналий ҳуқуқидан маҳрум этишга оид 493 ҳолат кўриб чиқилиб, носоғлом турмуш кечираётган, фарзандларнинг ҳаёти, келгуси тақдиди, таълим олишлари ва жамиятда ўз ўрниларини топиш борасида ғамхўрлик қилмаётган ота-оналар бу ҳуқуқдан маҳрум этилганлар. Ота-оналий ҳуқуқларидан маҳрум этилган шахслар спиртли ичимликлар ёки наркотик моддаларни сурункали истеъмол қилувчилар, ахлоқсиз турмуш тарзини ўзларига одат қилиб олган кимсалардан иборатdir.

¹ Ҳошимов З., Мўминова М. Бола бўлса бешик топилар // Жаннатмакон. 2008. З-сон. 130-134-бетлар.

2005 йилда ўтказилган ижтимоий тадқиқотларга кўра, Тошкент шаҳри бўйича маҳсус мусасасаларга жойлаштирилган ногирон болалардан 65,4 фоизининг ота-оналари бор¹.

Замонавий шароитда етим ва ижтимоий етим болаларни ҳар томонла-ма тарбиялаш, уларда ижтимоий ҳаётга мослашувчаник қўнікмаларини шакллантириш, шунингдек, мустақил ҳаётда республиканинг барча фуқаролари каби жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаол иштирок этиши малакаларига эга бўлишлари йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли амалий ҳаракатлар негизида янгича анъаналари қарор топган-лиги кўзга ташланади. Бу анъаналар ижтимоий етимларнинг шахси, тоифаси, ижтимоий қўмакка муҳтоҷлик даражаси, ёши ҳамда сонини аниқдаш билан бирга мазкур ижтимоий-педагогик ҳодисани келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганиш, бу жарабёнга таъсир этаётган салбий иж-тимоий омилларни белгилаш ҳамда бартараф қилиш йўлларини излашга йўналтирилган фаолият негизида акс этади. Бевосита Мехрибонлик уй-ларига жалб қилинган тарбияланувчиларни ижтимоийлаштиришда сама-рали натижаларни кафолатладиган қўйидаги анъаналарни санаб ўтиш мумкин:

1. Халқаро ҳамда республика миёсида етимлик ва ижтимоий етимлик муаммосини тадқиқ этишга доир илмий анжуманларнинг уюштирилиши ва ўтказилиши.

2. Ота-оналар қаровисиз қолган ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болалар ва ўсмирларни ижтимоий ҳаётга самарали мослашишларини таъмин-лашга қўмаклашувчи жамгарма (шу жумладан, жамоатчилик жамгарма) ларининг ташкил топиши.

3. Фаолияти доирасида Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ҳам ижтимоий ҳаёт ва муносабатларга мослаштиришга йўналтирилган ҳаракатлар тизими ҳамда механизмларининг ишлаб чиқилишига ҳам раҳбарлик қиласиган марказлар фаолиятини йўлга қўйилиши.

4. Тарбияланувчиларга тўлақонли ижтимоий, иқтисодий ва маънавий-рухий ёрдам кўрсатилишини йўлга қўйиш мақсадида ижтимоий тез ёрдам уйларининг ташкил этилиши.

5. Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга мослаштириш тизими ва механизmlари моҳиятини ёритадиган дастурларнинг тайёрланиши ва амалиётга татбиқ этилиши.

6. Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тай-ёрлашда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг қарор топтирилиши.

¹ Ўша манба. 134-бет.

7. Тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга самарали тайёrlашнинг са-
марали шакли сифатида “SOS – Ўзбекистон болалар шаҳарча (қишлоқ)
лари” лойиҳасининг амалга оширилиши.

Қуйида эътироф этиб ўтилган анъаналар асосида амалга оширилаёт-
ган ижтимоий-педагогик фаолият мөҳияти ва аҳамияти тўғрисида сўз
юритилади.

**I. Халқаро ҳамда республика миқёсида етимлик ва ижтимоий
етимлик муаммосини тадқиқ этишга доир илмий анжуманларнинг
уюштирилиши ва ўтказилиши.** 2004 йилнинг июнь ойида Тошкент
шаҳрида “Етим болаларнинг ижтимоий муҳофазаси” мавзусида Халқаро
конференция ташкил этилди. Мазкур анжуманда фаолиятининг асосий
йўналиши вояга етмаган болалар манфаатларини ҳимоялаш саналади-
ган давлат, нодавлат ва ижтимоий ташкилотларнинг имкониятларидан
қуидаги вазифаларни ижобий ҳал қилиш йўлида фойдаланиш мақсадга
мувофиқ эканлиги алоҳида қайд этилди:

- етим ҳамда ота-оналар қаровисиз қолган болаларни ижтимоий ва
хуқуқий ҳимоя қилиш, қўллаб-куватлашнинг муқобил шаклларини из-
лашнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқиш;
- етим ҳамда ота-оналар қаровисиз қолган болаларни ҳимоя қилиш ва
ижтимоий қўллаб-куватлашнинг меъёрий-хуқуқий асосларини такомил-
лаштириш;
- етим ҳамда ота-оналар қаровисиз қолган болаларни тарбиялаш, ри-
вожлантириш ва ўқитиш учун зарур шарт-шароитларни яратувчи таъ-
лим, реабилитация мұассасалари тармоқларини кенгайтириш;
- етим ҳамда ота-оналар қаровисиз қолган болаларни ҳимоя қилиш
юзасидан доимий мониторинг ўтказиш¹.

Конференцияда Меморандум қабул қилинди. Меморандумга
мувофиқ Республика Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва бо-
лаликни ижтимоий ҳимоялаш Мажмуаси (Комплекси) хузурида етим
болалар ва ота-оналар қаровисиз болаларни муҳофaza қилиш бўйича
Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди.

**II. Ота-оналар қаровисиз қолган ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ
болалар ва ўсмиirlарни ижтимоий ҳаётга самарали мослашиларини
таъминлашга кўмаклашувчи жамгарма (шу жумладан, жамоатчилик
жамгарма) ларининг ташкил топиши.** “Sen yolg’iz emassan” Республи-
ка ижтимоий болалар жамгармаси 2002 йилнинг 22 ноябринда Тошкент

¹ Вторые периодические доклады государств-участников, подлежащие представлению в 2001 году, Узбекистан, CRC/C/104/Add.6, 30 августа 2005. http://www1.umn.edu/humanrts/russian/crc/Report_uzbekistan2005.htm1.

шахрида ташкил этилган бўлиб, жамгарма томонидан 3193 нафар тарбијаланувчи тарбияланётган Мехрибонлик уйларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Жамоатчилик жамгармаси Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг маҳсус мальумотга эга бўлишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва келгусида иш билан таъминлашга қаратилган фаолиятни олиб боради¹.

III. Фаолияти доирасида Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ҳам ижтимоий ҳаёт ва муносабатларга мослаштиришига йўналтирилган ҳаракатлар тизими ҳамда механизмларининг ишлаб чиқилишига ҳам раҳбарлик қиласидаги марказлар фаолиятининг йўлга қўйилиши. Бунинг энг мақбул йўли – “Болалар уйлари” тарбияланувчиларини имкон қадар оиласиз оиласиз улар тўлақонли шахс сифатида шаклдана олмайдилар.

2004 йилнинг 7 сентябрида эса ўсиб келётган авлодни маънавий ривожлантириш ва жисмоний согломлаштиришига қаратилган ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Республика Вазирлар Маҳкамасининг маҳсус Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида Республика болаларни ижтимоий мослаштириш маркази ташкил этилди².

Нодавлат хайрия ташкилоти бўлган “Катта ўзгаришлар” таълим марказида болалар уйларининг битирувчилари таълим оладилар. Уларнинг кўпчилиги мустақил ҳаётга қадам қўйганларидан кейин таълим олиш қанчалик муҳим эканлигини англайдилар. Асосий муаммо шундаки, болалар уйларининг тарбияланувчилари нафақат ўз вақтида билим олмайдилар, энг муҳими, мустақил фикрлаш ва ҳаракат қилиш кўникмаларига ҳам эга эмаслар.

“Катта ўзгаришлар” таълим маркази ҳар бир ўқувининг камроқ билимларни ўзлаштирувчи истеъмолчи, кўпроқ таълим олиш жараёнининг фаол иштирокчиси ва ташкилотчиси бўлишларига эътибор қаратади. Бу ерда ягона шиорга амал қилинади: таълим олишга ва ўз ҳаётида катта ўзгаришлар содир этиш истагига эга бўлиш.

Марказ уч йил аввал ташкил этилган бўлиб, унда 42 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Ушбу марказ директори Ирина Рязанованинг айтишига қараганда, ҳар йили Москва шаҳрининг ўзидағина болалар уйларининг 500 га яқин тарбияланувчиси мустақил ҳаётга қадам қўядилар.

Бугунги кунда АҚШда “Roof”, Россияда эса “Большой перемены” (“Катта ўзгаришлар”), “Соучастие в судьбе” (“Тақдирни бирга яра-

¹ Уша жойда.

² Уша жойда.

тиш”), “Женщины и детям прежде всего” (“Энг аввало, аёллар ва болалар учун) каби хайрия таълим марказлари фаолият олиб бормоқда. Уларнинг фаолияти асосан хайрия маблағлари, турли жамғармалар томонидан кўрсатилувчи ёрдамлар ва лойиҳа (грант)лар ҳисобига йўлга қўйилган. Қайд этилган ташкилотларнинг асосий мақсадлари – болалар уйлари тарбияланувчиларининг етарли даражада ўрта маълумотга эга бўлишлари ва мустақил ҳаётга руҳий ва ижтимоий жиҳатдан тайёрлаш саналади.

IV. Тарбияланувчиларга тўлақонли ижтимоий, иқтисодий ва маънавий-руҳий ёрдам кўрсатилишини йўлга қўйиш мақсадида ижтимоий ёрдам уйларининг ташкил этилиши. Россияда 5-18 ёшли болаларга қийин ҳаётий вазиятлар (шавфатсиз муносабатлар, қаровсизлик, ҳомийликсиз, турли қўринишдаги – жисмоний, руҳий ва сексуал зўравонлик содир этилган ҳолатлар)да ёрдам кўрсатиш мақсадида 1993 йилда “Бола хавф остида” ижтимоий тез ёрдам уйи ташкил этилган. Мазкур уйда 16 нафар боланинг қисқа муддатда яшаши учун шароит яратилган бўлиб, улар муниципал округларнинг васийлик ва ҳомийлик ташкилотлари, ички ишлар органлари, таълим қўмитаси, психологик хизмат ва шаҳар Танглиқ хизмати марказлари, вояга етмаганлар билан ишлаш Комиссиялари ҳамда “Дунё врачлари” ташкилоти томонидан юбориладилар, шунингдек, қийин ҳаётий вазиятларга тушиб қолган шахс (ўсмир)ларнинг сўровларига кўра қабул қилинадилар.

Ижтимоий тез ёрдам уйининг фаолияти икки йўналишда, яъни, 1) стационар (болаларнинг белгиланган муддатда ижтимоий тез ёрдам уйида бўлишлари); 2) носоглом ижтимоий мухитда яшаётган вояга етмаганларни назорат остига олиш тарзида амалга оширилади. Бу ерда вояга етмаганларга тиббий, психологик, ижтимоий-педагогик, ижтимоий-хукукий ёрдам кўрсатилади. **Тузатиш-реабилитация** ишлари психолог, психиатр, педиатр, гинеколог, малакали тиббиёт ҳамширлари, ва ижтимоий педагоглар томонидан якка тартибда ёки гурӯҳ шаклида кўрсатилади.

Кўп ҳолатларда ижтимоий тез ёрдам уйига болалар доимий очлиқдан толиқкан ёки сурункали касалликлар билан келадилар. Бундай болалар учун маҳсус кун тартиби ва назорат жорий қилинади ёки даволаниш учун санаторияларга юбориладилар. Болалар озиқ-овқат, кийим-бош ва пойабзаллар билан таъминланадилар. Асосий эътибор уларнинг таълим олишларига қаратилади. Одатда, мазкур уйга тушган болаларнинг Москва шаҳридаги 371-сонли мактабда вақтингчалик таълим олишлари йўлга қўйилган.

“Бола хавф остида” ижтимоий тез ёрдам уйининг ходимлари оиласларда уларнинг аъзолари ўртасида юзага келган зиддиятларнинг олдини олиш,

носогаом психологияк мұхитни ўзгартыриш, болаларни ўз ойлаларига қайтариш ҳамда ота-оналар қаровисиз қолған болаларни аниқдаш каби масалаларнинг ижобий ечим топиши йўлида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Улар, шунингдек, бу ерга келган болалар ва ўсмиirlарнинг ота-онала-ри ёки қариндош-уругларига қўйидаги йўналишларда зарур ёрдамни кўрсатадилар:

психологик мұхитни үзгартыриш;

ота-оналарнинг болалар ва ўсмиirlарга нисбатан қўядиган талаблари ва уларнинг имкониятларини ўзаро мувофиқлаштириш;

- ота-оналар ўртасида фарзанд тарбияси бүйича юзага келадиган ке-
лишмовчилекларнинг оддини олиш¹.

V. Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга мослаштириш тизими ва механизмлари моҳиятини ёритадиган дастурларнинг тайёрланиши ва амалиётга татбиқ этилиши. “Катта ўзгаришлар” хайрия таълим маркази (Россия) да бир неча йилдан бўён “Мустақил ўқиш” (“Самоучка”) дастури қўлланилиб келинмоқда. Дастурга кўра ўқувчиларнинг ўқишга, билим олишга нисбатан мустақил интилишлари қўллаб-кувватланади, мустақил шахс бўлиб вояга етишлари учун педагогик ва психолого-педагогик ёрдам кўрсатилади. Ўқувчиларнинг энциклопедия, маълумотнома ҳамда лугатлар билан ишлашлари учун шароит яратилиб, қўйилган муаммони ечиш йўлида мустақил изланишлари учун педагогик раҳбарлик амалга оширилади. Дастур ўқувчиларда савол бериш, берилган саволга мустақил жавоб топиш, фикрлаш, адабиётлар билан ишлаш ва ўқитувчи ёки тенгдошлари билан мулоқотга киришиш қўнималарининг шакланишини таъминлайди. Дастлаб бу борада ҳеч қандай ижобий натижа қўлга киритилмади. Изланишлар олиб борилди ва “Энг яхши савол” танлови ташкил этилди. Ўқувчилар томонидан берилган саволларнинг аксарияти хотирани мустаҳкамлаш, тафаккурни ўстиришга оид бўлди. Берилган саволларга ўзлари жавоб топишлари лозимлиги уларни ҳайратлантириди².

“Россияда етим болаларга ёрдам күрсатиш” дастури муаллифлари томонидан “Болалар уйларида патронат тарбиясини ривожлантириш” лойихаси құллаб-кувватланды.

VI. Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашда давлат ва жамоат ташкилотлари ўргасида ўзаро ҳамкорликнинг қарор топтирилиши. Мехрибонлик уйлари тарбия-

¹ Социальный приют для детей. <http://kid-in-danger.narod.ru/>.

² Государственные дети – как научить их отвечать за свою судьбу? <http://edunews.eurekanet.ru/vesti/info/954.html>

ланувчиларининг ҳар томонлама камол топишлари, ижтимоий ҳаётга самарали мослашишларида Республика Халқ таълими вазирлигининг Соғиқни сақлаш, Олий ва ўрта маҳсус таълим, Ички ишлар, Меҳнат ва ижтимоий таъминот, шунингдек, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Давлат спорт Кўмитаси ҳамда ҳудудий (вилоят, туман, шаҳар) ташкилотлар, ижтимоий муассасалар билан ҳамкорликда ташкил этилаётган ҳамкорлиги ўзининг ижобий натижасини бермоқда¹.

2001 йилнинг март ойида “Соглом авлод учун”, Республика уй-жой қурилиш банки ва Халқ таълими вазирлиги ўртасида Меҳрибонлик уйлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда тарбияланувчиларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш дастурини амалга оширишга оид шартнома имзоланди. 2003 йилнинг нояброда эса Меҳрибонлик уйларида фаолият юритувчи психолог ва педагоглардан иборат Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди. Меҳрибонлик уйларини модернизациялаш ва улар фаолиятини такомиллаштириш концепцияси ишлаб чиқилди. Республика Халқ таълими вазирлиги ва “Sen yolg‘iz emassan” республика жамоатчилик жамгармаларининг ҳамкорликдаги фаолиятининг истиқболли йўналишларини белгиловчи режа, шунингдек, Ўзбекистон давлат акциядорлик уй-жой жамгарма банкининг “Болажон” жамгармаси орқали Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида ҳомийлик, ижтимоий ёрдам ва пул маблагларини тақсимлаш тартиби ишлаб чиқилди².

VII. Тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлашнинг самарали шакли сифатида “SOS – Ўзбекистон болалар шаҳарча (қишлоқ) лари” лойиҳасининг амалга оширилиши. Оила жамиятнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, улар ўзларида муайян жамиятта хос хусусиятларни ифода этади. Ота-оналар, фарзандлар ҳамда катта ёшли аъзолар (масалан, буви, бува, тога, хола, амма, амакилар) дан иборат оиласда шахслараро муносабатлар мазмунни, йўналишлари ҳал қиувчи аҳамият ҳамда катта тарбиявий таъсирга эга. Зоро, оиласда қарор топган шахслараро муносабатлар вояга етмаганлар (болалар, ўсмиirlар, ўспириналр)нинг келажакда ким бўлиб этишишларини белгилаб беради. Шуни афсус билан қайд этиш лозимки, Меҳрибонлик уйларининг аксарият тарбияланувчилари оила муҳитида яшаш ва камол топиш имкониятидан маҳрумдирлар. Сўнгги йилларда ана шу имкониятсизликни бартараф этиш йўлида тарбияланувчиларни оилаславий

¹ Вторые периодические доклады государств-участников, подлежащие представлению в 2001 году, Узбекистан, CRC/C/104/Add.6, 30 августа 2005. http://www1.umn.edu/humanrts/russian/crc/Report_uzbekistan2005.html.

² Ўша манба.

муҳитда тарбиялаш имкониятини яратувчи “SOS шаҳарча (қишлоқ) лари”ни ташкил этиш анъанаси қарор топиб, Ўзбекистон шароитида ҳам мазкур анъананинг йил сайин тобора кўпроқ географик ҳудудни қамраб олинишига эътибор қаратилмоқда.

Кўпгина мамлакатларда ота-онасидан айрилган болаларнинг кўпчилиги “Болалар уйлари”да эмас, балки маҳсус ташкил этилган оиласидарда тарбияланадилар. Россияда ота-оналар қаровисиз қолган ҳамда ижтимоий етим болаларни бундай тарбиялаш шакли “патронат тарбия” деб юритилади. “Патронат” тушунчаси лотин тилидаги “патронаж” (“patronus” – “ҳомийлик”) атамаси¹дан келиб чиқсан бўлиб, ўзбекчага таржима қилинганда “ҳомийлик” маъносини англатади.

Патронат тарбияси эса – бу давлат муҳофазасига муҳтож етим болаларни уларнинг қонуний ҳуқуқ ва қизиқишиларини ҳимоя қилишда жавобгарлигини муайян даражада чегараланган ҳомий тарбиячи оиласига жойлаштириш шакли. Бундай тарбияга кўра етим болаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари васийлик органлари, болалар уйлари ва патронат тарбиячи билан биргаликда ҳал қилинади.

Айни вақтда Ўзбекистонда Мехрибонлик уйларида тарбияланувчилар учун қулай яшаш, овқатланиш ва таълим олиш шароитларини яратиш йўлида самарали ишлар олиб борилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири тарбияланувчиларни оила мұхитини ўзида мужасссам этувчи оналарга бериш лойиҳаси амалга оширилди. “Софлом авлод учун” халқаро нодавлат ташкилот, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимияти ташаббуси билан 2000 йилда Австрияning 132 мамлакатда фаолият олиб бораётган “SOS – Kinderdorf International” лойиҳаси бўйича “SOS – болалар шаҳарчалари”ни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лойиҳага кўра Мехрибонлик уйларининг айрим тарбияланувчилар она, хола, aka-ука ҳамда опа-сингилларга эга оилаларга фарзандликка бериладилар. Тошкент шаҳрида барпо этилган “SOS – болалар шаҳарчаси”да 14 та оиласи Мехрибонлик уйларининг собиқ тарбияланувчилари вояга етишмоқда.

“SOS – Ўзбекистон болалар шаҳарча (қишлоқ) лари” ассоциацияси директорининг ўринбосари К.Жўраевнинг маълум қилишича, бугунги кунда бундай болалар шаҳарча (қишлоқ) ларига 90 дан ортиқ болалар жалб этилганлар. Шаҳарча (қишлоқ) ларга асосан ота-онаси вафот этганидан сўнг уларни фарзандликка олиш имкониятига эга қариндошлари бўлмаган тарбияланувчилар “Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссия-

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жиҳдли. Учинчи жиҳд, Н – Тартибли / А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент: “Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси.” Давлат илмий нашриёти, 2007. 239-бет.

лари" ва шаҳар ва вилоят ҳокимларни қошида фаолият юритувчи вайсийлик органларининг қарорига кўра юбориладилар.

Бугунги кунда Бухоро ва Навоий вилоятларида оила тибидағи тўртта Мехрибонлик уйлари мавжуд бўлиб, уларда 80 нафар тарбияланувчи тарбияланмоқда. Келгусида бу турдаги Мехрибонлик уйларининг сонини кўпайтириш йўлида амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда¹.

Болалар шаҳарча (қишлоқ) ларига "оналик" учун маҳсус тайёргарликдан ўтган, олий маълумотли аёллар танланадилар. "Она"лар, асосан, педагогик, психологик ва тиббий билимларни ўзлаштирган бўлишлари зарур. Уларнинг биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш лаёқатлалиги эга бўлишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. "Оналар"нинг вазифалари болалар билан дарсларни бирга тайёрлаш, уй ишларини олиб бориш, хўжаликни юритишдангина иборат бўлмай, улар ижтимоий педагогик ва психологик вазифаларини ҳам бажарадилар. Болалар шаҳарча (қишлоқ)лари учун "оналик" ва "холалик" ка ходимларни ишга қабул қилишда яна бир муҳим шарт инобатга олинади. Таалаборлар ишга жойлашиш вақтида ўз оиласи, болалари ва турмуш ўртогига эга бўлмасликлари керак. Бундан кўзланган мақсад уларнинг ўз ва боқиб олинган болаларига нисбатан фарқли муносабатда бўлишларининг олдини олишдир².

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашда объектив ва субъектив омилларнинг аҳамиятини ҳам ўрганиш, таъсирини баҳолашга ҳам эътибор қаратиш зарур. Манбаларни таҳдил қилиш, Мехрибонлик уйлари фаолиятини ўрганиш ва тарбияланувчилар фаолиятини кузатиш уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг объектив ва субъектив омиллари сифатида қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш имконини берди:

I. Объектив (ташқи) омиллар:

- таълим муассасаси эга бўлган ўқув-моддий таъминот;
- ижтимоий ҳаётга тайёрланишининг муҳим йўналишлари тўғрисида маълумотлар берувчи зарур ўқув адабиётлари ва манбалар;
- оммавий ахборот воситалари томонидан берилаётган маълумотлар, буклетлар, Интернет материаллари;
- миллий маънавий-ахлоқий қадриялар, маънавий-ахлоқий сифатлар, жамоа ҳамда жамоада фаолият кўрсатиш, шахс билан табиат (моддий борлиқ) ҳамда жамият ўртасидаги муносабат, руҳан тетиклик, иродавийлик, ижтимоий фаоллик, соғлом турмуш тарзи, меҳнат ва касбий фаоли-

¹Вторые периодические доклады государств-участников, подлежащие представлению в 2001 году, Узбекистан, CRC/C/104/Add.6, 30 августа 2005. http://www1.unmn.edu/humanrts/russian/crc/Rreport_uzbekistan2005.htm1.

²Грязнова О. И дом, и мама, и семья. <http://www.centrasia.ru/newsA.php4?st=1069621500>.

яятни ташкил этиш, оилавий ҳәёт, уни самарали йўлга қўйишига оид плакатлар, слайдлар, призентациялар, дастурлар, лойиҳалар, иш режалари;

- ўқув-лаборатория жиҳозлари, техник воситалар.

П. Субъектив (ички) омиллар:

- Мехрибонлик уйларида тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш йўлида амалга оширилаётган ҳаракатлар тизими;

- муассасада фаолият юритаётган педагог-ходимларнинг билим ва ҳаётий тажрибалари, касбий маҳоратлари;

- тарбияланувчиларнинг ижтимоий ҳаётга тайёрланишига нисбатан ёндашувлари, билим даражаси, қизиқиши, эҳтиёж, шунингдек, ўз-ўзини тайёрлаш малакасига эгаликлари;

- Мехрибонлик уйларининг тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги;

- таълим муассасасида тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга самарали, муваффақиятли тайёрлашда хорижий мамлакатлар ва республикада қўлга киритилган илфор тажрибаларнинг ўрганилишига эътибор қаратилганлиги;

- таълим муассасаси раҳбарияти, фан ўқитувчилари, ходимлар, ҳомий ташкилотларнинг вакиллари ва тарбияланувчиларнинг ташаббуслари;

- муайян вақт оралиқларида тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашга қаратилган педагогик фаолият самарадорлигини таҳдил қилиб борилиши.

Тадқиқотни олиб бориши даврида Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашга йўналтирилган фаолияти жараёнида юқорида қайд этилган обьектив ҳамда субъектив омилларнинг қай даражада аҳамиятли, қадриятли эканлиги ўрганиди. Даствабки (асословчи) тажриба даврида келтирилган обьектив ва субъектив омилларнинг айримлари (жумладан, таълим муассасаси эга бўлган ўқув-моддий таъминот; ўқув-лаборатория жиҳозлари, техник воситалар; тарбияланувчиларнинг ижтимоий ҳаётга тайёрланишига нисбатан ёндашувлари, билим даражаси, қизиқиши, эҳтиёж, шунингдек, ўз-ўзини тайёрлаш малакасига эгаликлари; таълим муассасасида тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга самарали, муваффақиятли тайёрлашда хорижий мамлакатлар ва республикада қўлга киритилган илфор тажрибаларнинг ўрганилишига эътибор қаратилганлиги; таълим муассасаси раҳбарияти, фан ўқитувчилари, ходимлар, ҳомий ташкилотларнинг вакиллари ва тарбияланувчиларнинг ташаббуслари; шунингдек, муайян вақт оралиқларида тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашга қаратилган педагогик фаолият самарадорлигини таҳдил қилиб борилиши кабилар) га жиҳдий эътибор берилмаган-

лиги маълум бўлди. Бироқ, шакллантирувчи тажриба босқичида уларни инобатга олиш муҳим аҳамият касб этиши юзасидан синов ишларида иштирок этаётган амалиётчи-ўқитувчилар, тарбиячилар ҳамда тарбияланувчиларга маълумотлар берилди. Шундан сўнг мазкур омиллар синов ишларига жалб этилган барча субъектларнинг эътиборларини бирдек ўзига тортди.

Шундай қилиб, тадқиқот даврида Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлашда бу борадаги янги анъаналарнинг мазмунни ўрганиди ҳамда мазкур жараёнга таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланди. Зоро, улар тажриба-синов ишларини илмий-педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этишга ёрдам бериш билан бирга Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш йўналишларини аниқ белгилаб олиш имкониятини яратди. Тадқиқот ишининг навбатдаги бўлимида бевосита Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш йўналишлари ҳақида сўз юритилади.

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг асосий йўналишлари

Тадқиқот ишининг ўзига хослиги Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашдек яхлит, бир бутун тизимнинг алоҳида қисмларини ажратиб олишдан иборат бўлди. Бу ҳаракат тадқиқот иши моҳиятини тўла англаш, аниқ мақсад йўлида муаммонинг ечимини топишга ёрдам беради.

Мавзуга оид манబаларни назарий ўрганиш, Мехрибонлик уйлари фаолияти мазмунини таҳдил қилиш, шунингдек, амалиётни бевосита кузатиш натижасида тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш қўйидағи йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозимлиги маълум бўлди:

1. Тарбияланувчиларни миллый маънавий-ахлоқий қадриялар руҳида тарбиялаш.
2. Тарбияланувчиларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш.
3. Тарбияланувчиларни жамоанинг тўлақонли аъзоси сифатида тарбиялаш.
4. Тарбияланувчиларда табиат (моддий борлиққа) га эҳтиёткорона муносабатни шакллантириш.
5. Тарбияланувчиларни ижтимоий муносабатни ташкил этишга тайёрлаш.

6. Тарбияланувчиларни руҳий барқарорликка эришишларини таъминлаш.
7. Тарбияланувчиларда соғлом турмуш тарзи кўнікмаларини шаклантириш.
8. Тарбияланувчиларни меҳнат ва касбий фаолиятни ташкил этишига тайёрлаш.

9. Тарбияланувчиларни оиласвий ҳаётга тайёрлаш.

Мазкур йўналишларнинг ҳар бири Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлашда бекёс аҳамият касб этади. Кўйида ҳар бир йўналишнинг моҳияти ҳамда тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашдаги ўрни хусусида сўз юритилади.

I. Тарбияланувчиларни миллый маънавий-ахлоқий қадрияятлар руҳида тарбиялаш. Миллый маънавий-ахлоқий қадрияятларнинг моҳиятини англаш учун дастлаб “миллый қадрияятлар” тушунчаси билан танишиш мақсадга мувофиқдир. “Миллый қадрияятлар – миллат учун муҳим ва жиiddий аҳамиятга эга жиҳатлар, хусусиятлар, моддий ва маънавий бойлиқдир”¹. Дарҳақиқат, миллый қадрияятлар у ёки бу миллатнинг ўтмиши, бугуни, эртаси, ижтимоий тараққиёти, миллатга мансуб кишиларнинг турмуш тарзи, улар ўртасида ташкил этилаётган ўзаро муносабатлар учун даҳлдор бўлган, қадр-қимматга эга, қадрли моддий ва маънавий омиллар саналади. Миллат айнан ўзига хос бўлган миллый қадрияятлар туфайлигина ўзга миллат ва элатлардан фарқланади. Миллый қадрияятларнинг таназзули – миллатнинг миллат сифатида йўқолиб боришини, мавжуд бўлмаслигини таъминлайди. Миллый тарих, турмуш тарзи, ижтимоий муносабатлар, қатламлар, миллый онг, миллый тил, миллый валюта, миллый ҳудуд яхлитлигини ифодаловчи давлат рамзлари, миллат вакиллари, миллатнинг равнақи, эртанги куни миллый қадрияятлар асосини ташкил қиласди. Шундан келиб чиқсан ҳолда “миллый маънавий-ахлоқий қадрияятлар” тушунчасини изоҳдаш мумкин. **Миллый маънавий-ахлоқий қадрияятлар** миллый турмуш тарзи ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган, унинг эртанги истиқболини таъминлашга хизмат қиласдиган маънавий-ахлоқий гоялар, қарашлар, муносабатлар ва ёндашувлар тизимиdir.

“Қадрият” жуда кенг тушунча бўлиб, унда миллатнинг ўзига хос томонлари, феъл-автори, донишмандлиги, миллый ғурури ўз аксини топади. Бошқача қилиб айтганда, миллатнинг маданияти, имони, миллый урфодати, меҳру оқибатию турмуш тарзи, қўшиқ ва рақслари, миллый либоси,

¹ Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабон аугат //Муаллифлар: М.Абдуллаев ва бошқ. А.Жалолов ва Х.Хоназаров умум.таҳ. остида. Тошкент: Шарқ нашириёт-матбаа концерни, 2000. 235-бет.

миллий тарбиянинг барча қирралари халқнинг ўзига хос қадриятларида намоён бўлади.

Қадриятлар ўз моҳиятига ва амал қилиш доирасига қараб бир неча гурухга бўлинади:

1) табиат билан боғлиқ қадриятлар, яъни инсониятнинг яшаши учун зарур бўлган табиий бойликлар, ўсимликлар, ҳайвонот оламини асраш, кўпайтириш, тежамли фойдаланишини тарғиб этувчи ғоялар, қарашлар;

2) иқтисодиёт соҳасидаги меҳнат ва меҳнат қуроллари малакаси билан боғлиқ қадриятлар, шунингдек, шарқона муносабатлар;

3) ижтимоий-сиёсий қадриятларга давлат тузилмаси, унинг ҳукуқий асослари – адолат, тенглик, тинчлик, ҳақиқат сингари омиллар, давлат рамзларига бўлган ҳурмат;

4) маънавий қадриятлар – миллатимиз томонидан яратилган ва бизгача келган илмий-фалсафий, ахлоқий қарашлар, диний, тарихий, бадиий, санъат билан боғлиқ ёдгорликлар киради.

Демак, миллий қадрият муайян миллатнинг авлоддан-авлодга ўтиб, узоқ вақт сақданиб келган ахлоқий нормалари, гоя ва диний эътиқоди, урф-одат ва маросимларини ўз ичига олади¹.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш жараёнида уларни миллий маънавий-ахлоқий қадриятлар билан таништириб бориш мухим аҳамиятга эга. Тарбияланувчилар ижтимоий ҳаётда эркин, мӯътадил кун кечиришлари учун ўз фаолиятларини миллий маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида ташкил этишлари лозим. Миллий маънавий-ахлоқий қадриятаар гарчи, ёзма манбаларда ифодаланмаган бўлса-да, жамият томонидан тан олинниб, оғзаки шакда маънавий-ахлоқий муносабатларни тартибга соладиган меъёrlарни ифодалайди.

Тадқиқот даврида тарбияланувчиларнинг келгуси ҳаётлари кўнгилдагицек кечишини таъминлаш, уларнинг маънавий, руҳий ва жисмоний баркамол шахс сифатида тарбиялашда устувор аҳамиятга эга, қадрияти хулқ-атвор қоидалари, талабларининг аниқланишига эътибор қаратилди. Бизнинг назаримизда, бу жараёнда қўйидағилар ўзига хос ўрин тутади:

1. Атрофдагилар билан ўзаро мулоқот ва олди-берди муносабатлари ни ташкил этиш шартларидан хабардор бўлиш.

2. Жамоа жойлари ҳамда таълим муассасаларида умумий ахлоқ меъёrlарига риоя қилиш.

¹Хайдаров А. Инсон камолоти ва миллий-маънавий қадриятлар. Тошкент: Муҳаррир, 2008. 42-43-бетлар.

3. Жамият (давлат) да амал қилинадиган, ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий-ахлоқий талабларга оғишмай амал қилиш.

4. Табиатга (моддий борлиққа) оқилюна муносабатда бұлиш.

Бу үринде дастлаб тарбияланувчилар кишиларнинг ұзаро саломлашилари, унинг ижтимоий мөхияти тұғрисидаги маълумотлардан хабар-дор бұлдылар.

Хадисларда “Салом” Аллоҳнинг исмларидан бири эканлиги, шу боис, мұмиллар бир-бирларини күрганларида бу сүзни айтишлари улар үртасидеги оқибатни мустаҳкамлаши алохидә қайд қилинади. Яъни “Салом” – Аллоҳнинг ердаги исмларидан биридір. Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар. Зоро, мұмин киши одамлар олдидан ұтиб бора-ётіб уларға салом берса, улар ҳам алик олишса, уларға саломни эслатгани учун бир даража күп савобға еришади. Мабодо, алик олишмаса, унга барибір, улардан яхшироқ ва афзалроқ зотдир, яъни фаришталар алик олишади¹.

Тажриба-синов ишларини олиб бориши чогида тарбияланувчилар қайси шароит ва вазиятларда салом қай тарзда бериліши тұғрисидеги маълумотлар билан ҳам таништириб үтилділар. Бу үринде Мұхаммад Содик Қошғарийнинг “Одоб ас-солиҳин” асарида көлтирилген қуйидеги маълумотлардан фойдаланилди: “улуг кичикка, отлиқ пиёдага, юрувчи үтирувчига, оз күпгә салом бергай”².

II. Тарбияланувчиларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш. Мехрибонлик үйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётта тайёрлашда уларнинг маънавий-ахлоқий хислатларга эга бўлишларига алохидә эътибор қаратиш мақсадда мувофиқдир. Зоро, тарбияланувчилар ҳам тенг ҳуқуқдан айзо сифатида жамият томонидан тан олингган ахлоқ мезонларига риоя этишлари лозим. Ҳўш, ахлоқ мезонлари үзи нима? Бугунги күн талабидан келиб чиққан ҳолда Мехрибонлик үйларининг тарбияларида қандай маънавий-ахлоқий хислатларни шакллантириш тақозо этилади? Ана шу мақсадни амалга оширишга йұналтирилган педагогик фаолият мөхиятида нималар акс этиши керак? Қуйида шу каби саволлар юзасидан сұз юритилади.

Инсонияттнинг фиқрлай бошлиши, яхши-ёмонни ажратса олиши мұайян жамиятда киши муносабатларини тартибга соладиган ахлоқ мезонлари, қоидаларнинг ишлаб чиқылишига замин яратди. “Ахлоқ (лотин. “moralis” – қоидага, хұлқ-атворға, урғ-одатта тааллұқлы, ахлоқды)

¹ Hadislar – bolalarga / G’oya muallifi O.Sharafiddinov. Toshkent: Alolat, 2004. 63 bet.

² Қошғарий, Мұхаммад Содик. Одоб ас-солиҳин / Нашрға тайёрловчилар М.Ҳасанов, Ұ.Содиқов // Шарқ қоюзу. 1990. 5-сон, 6-15-бетлар.

кишилар орасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос усули, у ёки бу жамиятда қабул қилинган ва риоя қилиниши лозим бўлган тартиб, одоб, ўзаро муносабат ҳамда мулоқотнинг қонун-қоидалари, мезонлар¹; “ижтимоий онг шакларидан бири бўлиб, муайян жамиятда яшовчи кишилар амал қилиши зарур бўлган маълум хатти-ҳаракат қоидалари йигиндисидир”². Манбаларда, шунингдек, ахлоқ йигиндиси ҳар бир инсон тан оладиган этик қадрият; инсон мавжудлигининг ўз-ӯзини тарбиялаш, тартибга солиш ва бошқаришнинг ўзига хос усули³ сифатида ҳам таърифланади.

“Ахлоқ кишилар хулқ-авторлари, мулоқотлари, муносабатларининг ёзилмаган, лекин жамият томонидан қабул қилинган ҳамда қўллаб-қувватланадиган “олтин қоидалар”⁴ни ифодалаб, одамларнинг бир-биралига, жамиятга, давлатга, ҳалқ мулкига, оиласа, ишлаб чиқариш воситаларига, меҳнат маҳсулотлари ва шу кабиларга муносабатни муайян тартибга соладиган хатти-ҳаракат қоидалари тизимида намоён бўлади”⁵.

Шахсларро муносабатларда ахлоқ хусусиятлари қай тарзда ва қандай шаклларда намоён бўлади? Мазкур масала юзасидан маълумот берувчи манбаларда билдирилган фикрларни қўйидаги тарзда умумлаштириш мумкин:

- 1) ахлоқ ижтимоий шахсларро муносабатларни тартибга солади;
- 2) шахсларро муносабатлар мазмунини белгилашга хизмат қилади;
- 3) маънавий-ахлоқий меъёр (мезон)лар худди қонун, ҳуқуқий меъёрлар каби ёзма равишда тартибга солинмайди;
- 4) ахлоқ жамоатчилик фикри билан бошқарилади;
- 5) шахснинг маънавий-ахлоқий мезонларга риоя қилиши унинг миллий-маънавий қадриятларга муносабатини, жамиятдаги ўрни ва ролини, шунингдек, дунёқарашини белгилайди;
- 6) ахлоқ шахсга хос хислатларнинг муҳим томонини ифодалайди;
- 7) шахснинг умумжамият томонидан тан олинган қадриятларини, яъни бошқалар субъектларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тан олиш, улар билан келишиш, жамоада ўзини тута билиш кабиларни ўзида акс эттиради.

Жамиятда ҳар бир шахснинг ахлоққа бўлган муносабати уларнинг ахлоқий онгга эгаликлари билан белгиланади. Ахлоқий онг, ўз навбати-

¹ Фалсафа. Қисқача изоҳи лугат // Масъул мұхәрир А. Жалолов. Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа компанияси Баш таҳририяти, 2004. 49-бет.

² Мавлонова Р., Тўраева О., Ҳолиқбердиев К. Педагогика. Тошкент: Ўқитувчи, 2001. 398-бет.

³ Фалсафа. Қисқача изоҳи лугат. 49-бет.

⁴ Ўша манба. 49-бет.

⁵ Мавлонова Р., Тўраева О., Ҳолиқбердиев К. Педагогика. 398-бет.

да, ахлоқий хатти-ҳаракатлар ва муносабатларнинг ифодаси ҳисобланади. Ахлоқий ҳис-туйгу, ироди, ақд-заковат, интуиция, хаёл ва хотира кабилар ахлоқий оңг таркибини ташкил қиласди.

Тарихий ва назарий таҳлил инсоният томонидан асрлар давомида шахслараро муносабатларда уларнинг муваффақиятини таъминлашга хизмат қилувчи маънавий-ахлоқий хислатларни белгилаб олишга нисбатан жиҳдий ёндашилган. Ўзбек халқининг тарихий тараққиёти жараёнида ҳам бу йўлдаги амалий ҳаракатлар ташкил этилган ҳамда назарий гоялар шакллантирилган.

Кишилик тараққиётининг турли даврларида ахлоқий мезонларнинг белгиланиши турлича кечган. Гарчи, турли ижтимоий тузумлар даврида ахлоқий мезонларнинг белгиланишига нисбатан ёндашувларда қисман ўзига хослик мавжуд бўлган бўлса-да, бироқ ахлоқий хатти-ҳаракатларнинг инъикоси сифатида айрим мезонлар барча даврлар учун бирдек аҳамият касб этган. Жумладан, табиий борлиққа нисбатан оқилона ёндашиш, табиатни асраб-авайлаш, кишиларга яхшилик қилиш, уларга ёмонлик қилишдан сақданиш, зиммадаги бурч ва мажбуриятни сидқидилдан адо этиш, масъулиятни ҳис қилиш, шахсий манфаатларни умумжамоа манфаатларидан устун қўйиш, Ватанини ҳимоя қилиш, ўзига мансуб қабила, миллат ёки элатнинг баҳт-саодати учун курашиш кабилар шулар жумласидандир.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да шахсга хос барча ахлоқий хислатлар негизини эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал ташкил қиласди. Ислом дини гояларига кўра эса ҳалоллик, савоб, иймон, нафсга берилмаслик, ростгўйлик ва билиммаслик барча ахлоқий хислатларнинг асоси сифатида эътироф этилган. Аксинча, ҳаром, гуноҳ, иймонсизлик, ҳавоий нафсга берилиш, ёлғончилик ва билимсизлик барча ёвузликларни келтириб чиқарувчи омил дея баҳоланганди. Ислом динининг муқаддас китоби “Қуръони карим” ҳамда пайгамбар Мұхаммад а.с.в.нинг суннатлари бўлган ҳадисларда ахлоқийликнинг муҳим белгилари сифатида ифодаланган хислатлар ижтимоий тараққиётнинг кейинги босқичларида ҳам изчил ўрганилган.

Ахлоқ мезонини ўрганиш, унинг таркибий тузилмасини таҳлил этиш масаласи Фарбда бўлгани каби Шарқда ҳам мутафаккирларнинг эътиборини ўзига тортиб келган. Жумладан, Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Унсурул-Моалий Кайковус, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий, Жалолиддин Девоний, Ҳусайн Воиз Кошифий, Мұхаммад Содиқ Қошгари ҳамда Абдулла Авлонийларнинг асарларида ҳам шахс қиёфасида акс этувчи ахлоқий хислатлар тартибланганди. Жумла-

дан, Шарқ мутафаккирлари Абу Райхон Беруний¹, Абу Али ибн Сино², Алишер Навоий³, Абдулла Авлоний⁴ асарларида маънавий-ахлоқий хислатлар сифатида кўйидагилар келтирилади (1-жадвал).

1-жадвал

Шарқ мутафаккирларининг асарларида келтирилган ижобий маънавий-ахлоқий сифатлар

Абу Райхон Беруний	Абу Али ибн Сино	Алишер Навоий	Абдулла Авлоний
Ахлоқийлик	Билималик Ақаллилк	Ақаллилк	Ақаллилк
Тұғриллік	Донолик	Фаросаталилк	Диёнаталилк
Одиллік	Ахлоқдалилк	Ахлоқий поклак	Саришталик
Узини вазмин тутиш	Жасурлак	Сабрлилк	Файратлилк
Инсоф	Мардлак	Қаноаталилк	Иймоналилк
Камтарлак	Адолатпарварлак	Сахийлк	Шижаоталилк
Лутф	Қаноаталилк	Химматалилк	Қаноаталилк
Собитқадамлилк	Чидамалилк	Мурувваталилк	Билималилк
Эңтиёткорлак	Эңтиёткорлак	Тұғрилк	Сабрлилк
Сахийлак	Зийраклак	Ростгүйлак	Юмпөқдик
Саховаталилк	Сахийлк	Тавозеъллак	Интизомалилк
Мурувваталилк	Садоқаталилк	Одоблилк	Виждоналилк
Ҳалоллак	Үятчанлак	Мехнатеварлак	Ватанпарварлак
Ҳақрұйлак	Софдиллак	Виждоналилк	Ҳақрұйлак
Мехнатсеварлак	Рахм-шағқаталилк	Инсофилилк	Оқиалилк
Озодалилк	Босицлак	Саховаталилк	Иффаталилк
Тартыблалилк	Дұстлак	Камтарлак	Ҳәлелилк
Ҳаёли бұлиш	Ҳамкорлак	Ҳаёлилк	Зүкколик
Дидли бұлиш	Хушхудаулилк	Мурувваталилк	Тежамкорлак
Латофаталилк	Билималилк	Күнғаи очиқдик	Гурурлилк
Ширинсұханалилк	Мехрибонлак	Вафодорлак	Оқибаталилк
Адолаталилк	Оиласпарварлак	Хиамлилк (юмшоқлилк)	Итоаттүйлак
Тадбиркорлак	Мехнатсеварлак	Инсонийлк	Хайрихоҳдик
Олижанобалилк	Баркамоллак	Нағста берилмаслак	Мунислик
Билималилк	Зүкколик	Адолатпарварлак	Садоқаталилк
Дұстлак	Қобилиятылилк	Ижодкорлак	Адолатпарварлак
Ҳамкорлак			Мұхаббаталилк
			Олижанобалилк
			Кечиримлилк

1 Абу Райхон Беруний. Ўтмиш халқардан қолган ёдгорлайлар // Танланган асарлар. 1-том. Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1968.

2 Педагогика тарихи // Үкүв қўйламма. К.Ҳошимов, М.Иномова, С.Нишонова, Р.Ҳасанов. Тошкент: Ўқитувчи, 1996.

3 Алишер Навоий. Маҳбуб ул-кулуб // Асарлар. 15 томлак. 13-том. Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1966.

4 Абдулла Авлоний. Адабиёт ёхуд миллй шеърлар // Танланган асарлар. 2 томлак. 2-том. Тошкент: Маънавият, 2006; Мактаб гулестони // Танланган асарлар. 2 томлак. 2-том. Тошкент: Маънавият, 2006.

Қадимги ёзма манбалар ва мутафаккирларнинг ахлоқий қарашларига таянган ҳолда маънавий-ахлоқий сифатлар ва уларга зид бўлган иллатларнинг тартибини шакллантириш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Шарқ мутафаккирларининг асарларида көлтирилган ижобий ва салбий маънавий-ахлоқий сифатларнинг ўзаро қиёсланиши

Маънавий-ахлоқий хислатлар	Ахлоқизликтин ифодаловчи иллатлар
Ахлоқалик	Катталарни ҳурмат қилиш
Ҳалоллик	Кичикларни иззат қилиш
Эътиқодалик	Зукколик
Меъда тўқлиги	Ҳаё
Росттўйлик	Андиша
Билимлилик	Ғурур
Мехнатсеварлик	Ахлоқий поклик
Хушумомалалик	Интизомалик
Сабр-қаноатлилик	Тартибилийлик
Вафдорлик	Садоқатлийлик
Садоқатлийлик	Тартибилийлик
Олижонобалик	Масъуллийтилийлик
Муруватлийлик	Интилиувчаник
Камтарлийлик	Қатъиятилийлик
Адолатпарварлик	Иродали бўлиш
Инсонпарварлик	Кўнгилчаник
Мехрибоналик	Журъатлийлик
Бурчга содиқлик	Мардлик
Ватанпарварлик	Ботирилик
Ваъдага вафо қилиш	Кенг феъвалик
Багрикентлийлик	Босиқлик
Раҳм-шағфатлийлик	Ҳиссияттга берилмаслийлик
Меҳмондўстлик	Узини тутиш
Болажонлик	Узини баҳолаш
Етим (бева)ларга ғамхўрлик	Узини таҳлил қилиши
Оилапарварлик	Узини назорат қилиши
Жамоавийлик	Узини бошқариш
	Узини тарбиялаш
	Катталарга хурматсизлик

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларида маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга қаратилган педагогик фаолиятни ташкил этишдан аввал улар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш талаб этилади.

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларида маънавий-ахлоқий хислатларни шакллантиришда юқоридаги жадвалда келтирилган ижобий хислатларни тарбиялаш, аксинча, салбий иллатларга эга бўлишларининг оддини олиш мұхим аҳамиятга эга.

III. Тарбияланувчиларни жамоанинг тұлақондан азоси сифати да тарбиялаш. Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларида таълим муассасаси ҳәёти (фаолияти) ни йўлга қўйишида фаол иштирок этиш кўникмава малакаларини тарбиялаш мұхим аҳамиятга эга. Ҳар қандай шахсда ўзи яшаб турган, истиқомат қиласиган мұхитга нисбатан табиий интилиш мавжуд бўлади. Зоро, ана шу маскан шахс ҳәётининг асосий, дастлабки босқичида кечадиган мұхит саналади. Бу масканда шахснинг қандай шаклланиши у учун келгуси ҳәёт йўлининг йўналишини белгилаб беради. Шу боис, Мехрибонлик уйи тарбияланувчиларида ўзлари яшаётган мұхитта нисбатан илик, меҳрли муносабатни шакллантириш мазкур мұассасада фаолият олиб бораётган педагог-ходимлар олдида турган мұхим вазифалардан бириди.

Айни ўринда тарбияланувчиларда таълим муассасасига нисбатан ижобий-рухий муносабатни шакллантиришга йўналирилган амалий педагогик фаолиятнинг назарий мөҳияти тўғрисида тўхталиб ўтилади.

Тарбияланувчиларда таълим муассасасига нисбатан ижобий-рухий муносабатни шакллантирища қўйидалар асосий йўналишлар сифати да белгиланди:

- 1) Мехрибонлик уйларининг тарбияланувчилар томонидан “уз оиласи”дек қабул қилинишига эришиш;
- 2) тарбияланувчиларда муассаса жамоасига нисбатан меҳрли муносабатни шакллантириш;
- 3) муассаса тарбияланувчиларини ушбу мұхитда ўзларини эркин, құлай ҳис қилишларига эришиш;
- 4) тарбияланувчиларнинг бу масканга нисбатан интолерант муносабатда бўлишларига йўл қўймаслик.

IV. Тарбияланувчиларда табиат (моддий борлиққа)га эҳтиёткорона муносабатни шакллантириш. “Ижтимоий мавжудот бўлган шахснинг шаклланишида атроф-мұхит, шу жумладан, табиат мұхим ўрин тутади. Инсон ва атроф-мұхит (табиат) ўртасидаги муносабат, унинг мазмунни асосида ижтимоий қараашлар юзага келади, ахлоқий-эстетик сифатлар борасидаги тушунчалар қарор топади. Шу боис, экологик таълим ва тарбияни шахсни шакллантиришга йўналирилган фаолият жаракеидан ажратилган ҳолда ташкил этиш мумкин эмас. Ижтимоий-ахлоқий тарбия мазмунига экологик ғояларни сингдириб юбориш,

маънавий-ахлоқий, меҳнат, ақлий, жисмоний, ҳуқуқий, иқтисодий ва эстетик таълим-тарбияни ўзаро мустаҳкам алоқадорлик ва бирлик тамомилии асосида ташкил этиш-ижтимоий зарурият ҳамда давр талаби бўлиб қолмоқда”¹.

Айни вақтда табиатни муҳофаза қилиш, нафақат инсоният, балки Ер юзида мавжуд бўлган барча тирик мавжудотнинг ҳётига хавф соладиган экологик муаммоларни бартараф этиш умуминсоният олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур масалага Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қўйидағича ўз фикрларини қайд этиб ўтиш ўринли: “Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачон миллӣ ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсидағи кескин ижтимоий муаммоларидан бириди. Уни ҳал этиш барча ҳалқларнинг манбаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир”².

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит экологик ҳолатини яхшилаш, табиат ҳамда экологик муҳитни асраб қолиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу йўлда амалий ҳаракатларнинг ташкил этилишига жиҳдий эътибор қаратилди. Ана шу эътиборнинг яққол мисоли сифатида “Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Миллӣ ҳаракат режаси” ишлаб чиқилганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Мазкур ҳужжатда кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикаси Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Миллӣ ҳаракат режаси (АММКМХР) нинг асосий мақсади – мамлакат барқарор ривожланишининг бошлангич босқичига ўтишида устувор экологик муаммоларни олдиндан белгилаб берувчи умумий стратегияни шакллантириш, ӯларнинг ечимини топиш воситаларини аниқлаш ва тегишли равишда ташкилий ҳамда ихтинослаштирилган ўзгаришлар қилишдан иборат бўлиб, ушбу мақсадда қўйидаги йўналишларда муайян тадбирлар амалга оширилади:

1. Мамлакатда яшаётган аҳолига соглом муҳит яратиш.
2. Табиатдан фойдаланиш самараదорлигини ошириш ва табиий ресурсларнинг озайиши натижасида етказиладиган иқтисодий зарарни камайтириш.

¹ Берданова П.У. Қорақалпоқ оиласарида болаларнинг экологик маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари (ўсмирлар мисолида): Пед.фен.номз. ... дисс. Тошкент, 2005. 15-бет.

² Ислом Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент: Ўзбекистон, 1998.

3. Ўзбекистон табиатининг энг нозик ва қимматбаҳо унсурлари, айниқса, унинг флора ва фаунасини муҳофаза қилиш¹.

Педагог Ф.Берданова томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишида оила мисолида экологик маданиятга эга шахс ўзида қўйидаги билим, кўнікма ва малакаларни акс эттира олиши лозим деб ҳисоблайди:

1. Экологик билимлардан хабардорлик.

2. Табиат ва атроф-муҳит ўзгаришлари, унинг сабаб ҳамда оқибатлари борасидаги тасаввурга эга бўлиш.

3. Инсон фаолияти туфайли табиат ва атроф-муҳиттага етказилаётган зарарни англаш ва уларга қарши курашиш ҳиссига эга бўлиш.

4. Экологик фаолиятни йўлга қўйиш борасидаги кўнікма ва малакаларни ўзлаштириш.

5. Табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашга қаратилган ижтимоий-амалий фаолият жараёнида фаол иштирок этиш².

V. Тарбияланувчиларни ижтимоий муносабатни ташкил этишига тайёрлаш. Тарбияланувчиларнинг таълим муассасаси ҳаётни (фаолияти) ни йўлга қўйишда иштирок этишларига эришиш йўлида амалга оширилган бу каби ҳаракатлар ўзининг ижобий натижасини беради.

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашда уларнинг майший ҳаётни йўлга қўйиш кўнікма ва малакаларига эга бўлишлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бинобарин, майший турмуш шахс ҳаётининг асосий қисми бўлиб, тирикликнинг негизи саналади. Тадқиқотни олиб боришида Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг майший турмушни оқилона йўлга қўйиш борасидаги билим, кўнікма ва малакаларга эга бўлишларига эътибор қаратилди.

Маълумки, Мехрибонлик уйларининг тарбияланувчилари шароит тақозосига кўра оиласарда вояга етаётган тенгдошларидан фарқли равишда майший турмушни ташкил қилиш жараёнида иштирок этмайдilar. Бирор, ҳар бир шахснинг ижтимоий жиҳатдан турмушга тайёр бўлиши унда майший ҳаёт билан боғлиқ билим, кўнікма ва малакаларни шакллантиришга ҳам боғлиқ. Тарбияланувчиларда уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш жараёнида муайян йўналишлар бўйича билим, кўнікма ва малакаларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Уларнинг жинси ҳамда ёшларини иnobatга олган ҳолда тадқиқот даврида қўйидаги йўналишлар бўйича билим, кўнікма ва малакаларга эга бўлишлари диққат-эътиборда бўлди:

¹ Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Миллий ҳаракат режаси. Тошкент: Адолат, 1998. 13-бет.

² Берданова П.У. Қорақалпоқ оиласаридан болаларнинг экологик маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари (ўсмирлар мисолида). Пед фен.номз. ... дисс. Тошкент: 2005. 29-30-бетлар.

1. Уй-жой қуриш ва уларни таъмирлаш.
2. Рўзгор учун зарур, муҳим буюмларни харид қилиш.
3. Уй жиҳозлари, жумладан, электр асбоб-ускуналардан фойдаланиш ҳамда уларга нисбатан техник қаровни йўлга қўйиш.
4. Маший хизматларга бўлган эҳтиёжларни қондириш.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида муассасага ва унинг жамоасига нисбатан ижобий муносабатни қарор топтириш қай дараҷада муҳим бўлса, уларда келгусида қўни-қўшнилар, танишлар, ҳатто, бегона саналувчи маҳалладошлар билан илиқ, самимий муносабатда бўлишга ўргатиб бориш фойдалан ҳоли эмас. Шу сабабли тажрибасинов ишлари даврида тарбияланувчилар бу борадаги маълумотлардан ҳам хабардор қилиб борилдилар. Жумладан, тарбияланувчилар қўни-қўшнилар билан аҳил, иноқ ва ҳамжиҳат бўлиб яшашнинг ағзалликларини ёритувчи маълумотларга эга бўлдилар. Бу ўринда миляй мероснинг бебаҳо дурданалари – Куръони карим ва Ҳадиси шариф, шунингдек, Шарқ мутафаккирларининг асарларида келтирилган гоялардан фойдаланиш тарбияланувчиларда қўни-қўшнилар билан ўзаро аҳиллик, тотувлик ва ҳамжиҳатликка эришишга оид билимларини янада бойитади.

Меҳрибонлик уйларининг талабларида қўни-қўшнилар билан самимий муносабатда бўлиш, ўзаро тинчлик-тотувлик, ҳамжиҳатликка эриш борасидаги қўникма ва малакаларни шакллантиришда дастлаб “қўшни”, “қўни-қўшни” ҳамда “қўни-қўшничилик” тушунчаларининг моҳияти очиб берилди. “Ўзбек тилининг изоҳи лугати”да мазкур тушунчалар қуидаги мазмунларни ифода этиши айтилади: “қўни-қўшни”, “қўшни” – бир-бирига нисбатан яқин атрофда яшовчи кишилар, қўшнилар¹; бир-бирига нисбатан уйлари, ҳовли-жойлари ёнма-ён ёки яқин бўлган кишилар, оиласлар, хонадонлар²; “қўни-қўшничилик”, “қўшничилик” – қўни-қўшниларнинг ўзаро борди-кељди муносабатлари, қўшничилик³, қўни-қўшнилар ўртасидаги борди-кељди муносабатлари⁴.

Педагог-олимлар О.Сафаров ҳамда М.Маҳмудовларнинг эътироф этишларича, “қўшничилик” бир жойда муқим қўним топган қўшнилар орасидаги маънавий-ахлоқий негизда содир бўлувчи ўзаро борди-кељдилар, ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир. Бундай муносабатлар асрлар давомида чуқуралашиб борган ва қўшниларнинг ўзаро ҳамкорликларига,

¹ Ўзбек тилининг изоҳи лугати. 5 жиљдид. Бешинчи жиљд. Шукрон – Ҳ / А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент: Ўзбекистон миляй энциклопедияси” Давлат илмий наприёти, 2008. 409-бет.

² Ўша манба. 421-бет.

³ Ўша манба. 409-бет.

⁴ Ўша манба. 421-бет.

ўзаро мададкорликлариға масъуллик түйгүларини шакллантирган ҳамда кучайтирган”¹.

Ҳадиси шарифда қўшнининг мақоми янада аникроқ белгиланган. Унда келтирилишича, ҳовалининг олд томонидан қирқ ҳовли, орқа томонидан қирқ, ўнг томонидан қирқ ва чап томонидан қирқ ҳовлилар ҳаммаси қўшни ҳисобланади”².

Қўшни ҳаққи – қўшнининг қўшниси олдидағи масъулияти ва бурчлари йигиңдиси бўлиб, фақат эзгуликка қаратилган ҳатти-ҳаракатларидан иборат³.

Ҳар бир шахс оилавий ҳаётининг тинч кечишига унинг қўни-қўшнини билан муносабати, олди-бердиси, мулоқоти, ўзаро ҳамдардлиги ёки келиша олмаслиги сабаб бўлади. Шу сабабли Мехрибонлик уйи тарбияланувчиларини қўни-қўшнилар билан тўғри муюмала, муносабат қилишга ўргатиб бориш таълим муассасасида ташкил этиладиган маънавий-маърифий ишларнинг ўзига хос йўналиши сифатида намоён бўлиши лозим.

Тажриба-синов ишларини олиб боришида тарбияланувчиларда қўни-қўшнига нисбатан ижобий муносабатга бўлиш қўнікмаларини шакллантиришда миллий маънавий қадриятлар ва уларда илгари сурилган ғоялардан кенг фойдаланилди. Тарбияланувчилар Ҳадиси шарифда келтирилган ўйтлар билан таништириб борилдилар. Жумладан, “Ойша р.а. қўйидагича ривоят қиласидар: Ҳазрати Жаброил қўшни ҳақига риоя қилиш тўғрисида менга шу қадар кўп васият (топшириқ) қиласидарки, мен уни ҳатто, молимга ҳам меросхўр қилиб қўйсалар керак деб ўйладим”⁴

“Саҳобалардан Абу Ҳурайранинг: “Ё Расулуллоҳ, қўшнининг қўшнига қандай ҳақлари бор” деган саволига жавоб бера туриб, пайғамбаримиз Мұхаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам булар тубандаги ўн ҳақдан иборатлигини бирма-бир санаб ўтганлар: “Биринчи ҳақ – агар қўшни қарз сўраса беришлик. Чунки қўшнинг энг яқин киши сиз бўласиз. Иккинчи ҳақ – қўшни агар бирор тўйми, йигинми, маъраками ўтказса, чақирганда бошқа ишларни ташлаб унингни чиқасиз. Учинчи ҳақ – қўшнингиз бетоб бўлиб қолса, ҳолидан хабар оласиз. Бирор дори-дармон зарурати бўлса, уни топиб, ёрдам берасиз. Тўртинчи ҳақ – қўшни уйида бирор ҳашарми ё бошқа юмуш бўлса, ёрдам сўраганида қўмаклашасиз. Бешинчи ҳақ – қўшнингиз бошига мусибат тушганда ташвишига ше-

¹ Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. Тошкент: Маънавият, 2009. 228-229-бетлар.

² Ал-Бухорий, Имом Исмоил. Ал-адаб ал-муфрәд (Адаб дурдоналари). Тошкент: Ўзбекистон, 1990. 48-бет.

³ Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. Тошкент: Маънавият, 2009. 246 бет.

⁴ Ал-Бухорий, Имом Исмоил. Ал-адаб ал-муфрәд (Адаб дурдоналари). Тошкент: Ўзбекистон, 1990. 48-бет.

рик бұласиз. Олтинчи ҳақ – яхшиликка эришганида уни құтлайсиз, дуо қиласиз, хурсандчилігі шерик бұласиз. Еттинчи ҳақ – құшнингиз оламдан үтса, жанозасида иштирок этишингиз шарт. Саккизинчи ҳақ – құшни йүқлигіда уйига қараб турасиз. Агар құшнининг бошлиғи бұлмаса, унинг бола-чақасидан хабардор бұлғып турасиз. Түккізинчи ҳақ – құшни дилига озор беріштден тийилиш. Үнинчи ҳақ – құшнининг розилигини олиб, қарши бұлмаса, иморатни баланд қилип қурастыс”¹.

Ўзбек халқи ҳам асрлар давомида атрофдагилар билан құни-құшничилік муносабатларини үрнатышга интилиб келган. Мазкур интилиш натижасида бугунғи күнде ҳам амал қилип келинаётган бир қанча анъанаалар шаклланған. Мисол учун, эрта баҳорда құни-құшнилар үзаро йигилишиб, Наврұз ҳамда ҳайит байрамларини нишонлашған. Үргада масаллиқтар тұпланиб, сумалак, ҳалым ва паловлар тайёрланған. Агарда құшниларни бирортаси нон ёпса, тансиқроқ таом тайёрласа, томорқа ва боғларда мевали даражталар илк бор мева қылса, полизда янги нав маҳсулотлар нишона берса ҳамда ҳосил йигим-терим даври яқунланса “құшни ҳаққы” сифатида улардан атрофдаги құшниларға насиба улашилған.

VI. Тарбияланувчиларнинг рұхий барқарорлықка эришиләре-ни таъминлаш. Шахснинг рұхий барқарорлығы уни ижтимоий ҳаётта са-маралы тайёрлашнинг мұхым омилларидан биридей. Рұхий барқарорлық негизида үз-үзига ишонч, құтариңғы кайфият, үзини үзи тута олиш, үз-үзини назорат ва таҳлил қилиш, үзини үзи бошқариш, рүй берадиган ҳар бир қолатни (хатто, бирөвнинг танқидини, күтилмаганда ким томондан-дир танқид әшитишни, фаолиятда муваффакиятсизликка дуч келишни, гоҳо омадаға әришиш, гоҳо омадсизликнинг содир бўлиши, қувончу шод-ликлар үрнини гам-алам, баъзан кулфат егаллаши ва ҳоказоларнинг бар-часини ҳаётнинг доимий қонуниятларни сифатида) табиий қабула қилиш, зиммадаги бурч ва мажбуриятыларни адо этишга ижодий ёндашиши, ҳаётни севищ, атрофдагиларга меҳр қўйиши, инсон сифатида үз-үзини англаш, ким учундир керакли, азиз эканлигини ҳис этиб яшаш каби қолатлар на-моён бўлади.

Рұхий барқарорлық шахсни инқирозга етакладиган узлуксиз равиши-да ёмон кайфиятта эга бўлиш, тушкунликка тушиш, үз-үзига ҳамда әр-танги кунга ишончсизлик, ҳаётдан нолиш, атрофдагиларни ёқтирмаслик, уларга нафрат билан қарашиб, барча вазиятларда фақат үзини, үз манфаа-

¹ Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. Тошкент: Маънавият, 2009. 246 бет; Болалар-ни оиласа қабул қилиш ва унинг ижтимоийлашувини амалга ошириш бўйича йўл-йўриқлар. Услубий қўлланма. Тошкент: Республика Болалар ижтимоий мосалалуви маркази, 2008. 113 бет.

тини ўйлаш, бирор кимсага далда берадиган сўзларни айтмаслик, ёрдамга муҳтожларга кўмаклашмаслик, ўзини камситилган кимса сифатида кўриш, омадсиз, баҳтсиз эканлигини тинмай тақрорлайвериш, худбинлиқ, манманлиқ, ўта даражада бегамлиқ, ҳаракатсизлик, ялқовлик, сусткашлик, майдакашлик ёки ҳар бир воқеа-ҳодиса ва нарсалардан ёмонлик ахтариш, гумонсираш, ваҳимага берилиш, доимий хавотирда яшаш каби ҳолатлардан халос бўлишни англатади. Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларнинг ана шу каби салбий ҳолатлардан муҳофаза қила олиш уларни ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлашга ёрдам беради.

VII. Тарбияланувчиларда соғлом турмуш тарзи кўнникмаларини шакллантириши. Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётта самарали тайёрлашда улар томонидан соғлом турмуш тарзи кўнникмаларининг эгаланишига эришиш мухим аҳамиятга эга. Хўш, “соғлом турмуш тарзи” тушунчасининг ўзи қандай маънони англатади?

Манбаларни ўрганиш натижасида гарчи, муаллифлар “соғлом турмуш тарзи” тушунчалини мазмунини шарҳлашга турлича ёндашган бўласаларда, бироқ ҳар бир индивидуал ёндашув умумий моҳиятни акс эттиришга хизмат қилганилиги маълум бўлди. Жумладан, соғлом турмуш тарзи Ф.Юлдашев¹ томонидан “жамиятдаги мавжуд ижтимоий-иктисодий тузум учун хос бўлган, организмнинг мослашиш қобилиятини мустаҳкамловчи, шахс томонидан ижтимоий вазифаларнинг тўлиқ бажарилиши, шунингдек, унинг узоқ фаол умр қўришига ёрдам берувчи ҳаётий фаолият усули ва турлари” негизида қарор топиши айтилса, А.Исимованинг фикрича, соғлом турмуш тарзи – бу “инсоннинг ҳаёти ва саломатлиги хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи кўнникмаларга эга бўлиш асосида ҳаёт тарзини йўлга қўйиш ҳамда саломатлигининг юқори даражада бўлишига эришишни таъминловчи турмуш тарзи шакли”² саналади. К.Аликулов “соғлом турмуш тарзи” тушунчалини ёритишда жамият ёки шахсга нисбатан ёндашув инобатга олиниши лозимлиги қайд этади. Муаллиф соғлом турмуш тарзи жамиятда устувор ўрин эгаллаган ҳамда илгор, тараққийпарвар ва бунёдкор гояларга асосланувчи ижтимоий муносабатлар ва фаолият мазмуни”; шахсга нисбатан: “шахс томонидан ўз саломатлигини муҳофазалаш, шунингдек, ижтимоий, маънавий-

¹ Юлдашев Ф.К. Совершенствование теоретических знаний старшеклассников в процессе преподавания физического воспитания на основе использования наследия Ибн Сино: Автореф. дис. .. канд. пед. наук. Ташкент, 1995. 23 с.

² Исимова А.Е. Дарсдан ташқари таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришининг педагогик асослари (V-IX синфлар мисолида).: Пед. фанл. номз. дисс. Тошкент: 2005. 176 бет.

ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан камолга етишиш йўлида амалга оширилаётган фаолият мазмунни” эканлигига ургу беради¹.

Экологик хавф тобора глобал характер касб этаётган, аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида гиёхвандлик моддаларини истеъмол қилиш, ОИТС қасаллиги географик ҳудуд нуқтаи назаридан Ер шарининг тобора кўпроқ қисмига қўшилаётган мавжуд шароитда жамиятда соглом турмуш тарзини қарор топтириш масаласи ҳар бир давлатнинг миллий сиёсати асосларидан бири бўлиши ижтимоий эҳтиёж ва заруриятга айланмоқда. Мазкур эҳтиёж Ўзбекистон Республикаси мустақилигининг илк йилларида ёқ мустақил давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири қилиб белгиланди. Бу йўлда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан, 1993 йили “Соғлом авлод учун” ордени таъсис этилди, Ўзбекистон Республикасининг “Соғлиқни сақлаш тўғрисида”ги ҳамда “Жисмоний маданият ва спорт тўғрисида”ги Қонунлари, Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Ўсиб келётган авлодни согломаштириш муаммоларини мажмуавий ҳал этиш тўғрисида”ги (1993 йил 3 декабр) Қарори, “Баркамол авлод йили” Давлат дастури қабул қилинди, “Соғлом авлод учун” халқаро нодавлат хайрия жамгармаси ташкил этилди, 2000 йил “Соғлом авлод йили”, 2001 йил “Оналар ва болалар йили”, 2004 йил “Мехр-мурувват йили”, 2005 йил “Саломатлик йили”, 2007 йил “Ижтимоий ҳимоя йили”, 2008 йил “Ёшлар йили”, 2010 йил “Баркамол авлод йили” деб номланди.

Шунингдек, “1999 йилдан бошлаб ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғиб қилиш, уларни оммавий равища жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, уларда жисмоний маданият ва шахсий саломатликни муҳофаза қилиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида уч босқичда “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” мусобақалари узлуксиз равища ўтказиб келинмоқда².

Соғлом турмуш тарзига эришиш шахс томонидан бу борада муайян кўникмалар ўзлаштирилишини тақозо этади. Соғлом турмуш тарзи кўникмалари “шахс томонидан ўзлаштирилган саломатликни сақлаш, шу-

¹ Аликулов К. Бўлажак ўқитувчиларни ўқувчиларда соглом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга тайёрлашнинг педагогик асослари (жисмоний маданият институтлари ва жисмоний тарбия факультетлари мисолида): Пед.фан.номз. ... дисс. Тошкент: 2007. 145 бет; Аксенова А.И. Социальная педагогика в специальном образовании. М.: Академия, 2001. 191 с.; Ал-Бухорий, Имом Исмоил. Ал-адаб ал-муфрәд (Адаб дурдоналари). Тошкент: Ўзбекистон, 1990. 47-бет.

² Ахматов М. Умумтазлим мактаблари ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларининг янги ташкилий асослари // Халқ таълими. Тошкент: 2004. 1-сон. 4-11-бетлар; Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисолий инкизоти, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 56 бет; Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (1997 йил 29 августда кабул қилинган / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 214 бет.

нингдек, ижтимоий, мънавий-аҳлоқан ва жисмонан камолга этишга оид назарий билимлар асосида амалга ошириувчи доимий, турғун ва мұхим хусусиятга эга бўлган онгли ҳаракатлар, одатлардир¹.

VIII. Тарбияланувчиларни меҳнат ва касбий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш. Мехрибонлик уйлари тарбиячиларини ижтимоий-лаштиришда уларга меҳнат ва касбий фаолиятни самарали ташкил этишга оид маълумотларни ҳам бериб бориш педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Ана шу мақсадга йўналтирилган педагогик фаолиятни ташкил этишда тарбияланувчиларга ўзбекона миллий қадриятларга кўра меҳнат фаолиятини ташкил этишда асрлар давомида жамоавийлик тамойилига таяниб иш кўриб келинганиги, мазкур тамойил асосида ташкил этилувчи меҳнат фаолиятининг асосий шакли ҳашар эканлигини англалиш ҳамда унга нисбатан ижобий муносабатни қарор топтириш лозим. Тажриба-синов ишлари даврида тарбияланувчиларни бу борадаги назарий билимлар билангина қуроллантириб қолмай, уларда жамоа, яъни ҳашар асосида меҳнат фаолиятини ташкил этиш кўникмаларини ҳам шакллантириш диққат марказида бўлишига эътибор қаратилди. Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари қўйидаги жараёнларда бевосита ҳашарларга жалб этилдилар:

- 1) муассаса ҳудудида кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этишда;
- 2) Мехрибонлик уйи биноларини жорий ва капитал таъмирлашда;
- 3) муассаса ҳудудида тозалаш ишларини олиб борища;
- 4) Мехрибонлик уйи ахборот-ресурс марказида яроқсиз ҳолга келган бадиий ва ўқув адабиётларини таъмирлашда;
- 5) умумхалқ ҳашари доирасида муассасада ободонлаштириш ишларини олиб борища;
- 6) Мехрибонлик уйи жойлашган маҳалла ҳудудларида оммавий меҳнат фаолиятини ўюштиришда;
- 7) муассаса тарбияланувчилари томонидан экологик ҳаракатни олиб борища.

IX. Тарбияланувчиларни оиласи ҳаётга тайёрлаш. Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоийлаштиришда уларнинг оиласи ҳаётга тайёрлаш мұхим аҳамиятга эга. Ота-онасиз, уларнинг меҳрисиз, шунингдек, оила мұхитдан четда вояга етган тарбияланувчиларининг аксарияти оиласи ҳаёт тўғрисидаги нотўғри тасаввурларнинг шаклланиши

¹ Аликулов К. Бўлажак ўқитувчиларни ўқувчидарда соглом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга тайёрашининг педагогик асослари (жисмоний маданият институтлари ва жисмоний тарбия факультетлари мисолида): Пед.фун.номз. ... дисс. Тошкент: 2007. 145 бет; Аксенова Л.И. Социальная педагогика в специальном образовании. М.: Академия, 2001. 191 с.; Аз-Бухорий, Имом Исмоил. Ал-адаб ал-муффад (Адаб дурдоналари). Тошкент: Ўзбекистон, 1990. 47-бет.

эҳтимоли юқори. Бу, ниҳоятда салбий ҳолат бўлиб, уни бартараф этиш, тарбияланувчиларда оила ва оиласий мұхит ҳақидағи ижобий тушунчалар, тасаввурларни ҳосил қилишга йұналтирилган педагогик фаолиятни ташкил этиш мақсадга мувофиқ саналади. Педагогик фаолият тизимли, изчил, узлуксиз ва аниқ мақсадга йұналтирилган ҳолда ташкил этилсагина күтилган натижани бериши мумкин. Шу боис, тадқиқотни олиб бориш жараёнида Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оиласий ҳаётга тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Куйида тадқиқот жараёнида Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оиласий ҳаётга тайёрлаш йўлида амалга оширилган амалий-педагогик фаолият тўғрисида батафсил сўз юритилади.

Амалий-педагогик фаолиятнинг муайян дастур асосида тизимли, изчил ташкил этилиши Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оиласий ҳаётга тайёрлашда юқори самарадорликка эришишни кафолатлаши назарда тутилди. Шу сабабли дастлаб дастур ишлаб чиқилди. Дастурда Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оиласий ҳаётга тайёрлашга қаратилган педагогик фаолиятнинг қуйидаги йұналишлар асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ деб топилди:

1. Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари онгида оила ва оиласий ҳаёт тўғрисидаги тушунча ҳамда тасаввурларни ҳосил қилиш.
2. Тарбияланувчиларда мұхаббатга нисбатан масъулиятли ёндашувни қарор топтириш.
3. Тарбияланувчиларнинг никоҳ ва никоҳга кириш шартлари билан танишириш.
4. Тарбияланувчиларда оила хўжалигини юритиш ва оиласий бюджетни шакллантира олиш кўникмаларини ҳосил қилиш.
5. Тарбияланувчиларда оиласида шахслараро муносабатларни тўғри ташкил этиш кўникмаларини шакллантириш.
6. Тарбияланувчиларни оиласий низоларнинг олдини олишга тайёрлаш.
7. Тарбияланувчи қизларда репродуктив саломатликни сақлаш кўникмаларини шакллантириш.

Шундай қилиб, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётта тайёрлашга қаратилган педагогик фаолият йұналишларини аниқ белгилаб олиш амалиёт учун тавсия этилаётган методика гояларининг аҳамиятли эканлигининг тажриба орқали асослаш имконини беради. Шакллантирувчи тажриба босқичида кўрсатилган йұналишлар бўйича амалий ишлар ташкил этилди.

МЕХРИБОНЛИК УЙЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИ

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашга тизимили-технологик ёндашув

Тадқиқотнинг муҳим босқичи – тажриба-синов ишларини ташкил этишда ишнинг аввалги бўлимларида қайд этиб ўтилган муайян йўналишлар бўйича Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг назарий ва амалий билимларга эга бўлишлари таъминланди.

Тажриба-синов ишлари даврида тарбияланувчиларга миллий маънавий-ахлоқий қадриятлар тўғрисидаги назарий маълумотлар берилб, улар асосида амалий кўнкима ва малакаларнинг шаклланиши муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Мехрибонлик уйларида ижтимоий тарбиянинг ташкил этишда юзага келадиган асосий муаммолардан бири – бу тарбияланувчиларнинг этник-миллий келиб чиқиши нуқтаи назаридан уларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш саналади. Республикада фаолият юритаётган деярли барча Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари тураги миллат ва элатларга мансубдирлар. Тарбияланувчиларнинг байнамилаллик руҳида тарбияланышлари, уларда толерантлик ҳиссенинг шаклланиши ижобий ҳолат, албатта. Бироқ, психологоқ нуқтаи назаридан шахс ўзида миллий руҳият, миллий менталитет хусусиятларини ифодалай олиши ҳам зарур. Шу сабабли мазкур таълим муассасаларида таълим ва маънавий-маърифий ишлар жараёнида мазкур масаланинг ижобий ечимини топиш чора-тадбирларини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Тажриба-синов ишлари олиб борилган Мехрибонлик уйларида маънавий-маърифий ишлар режасидан тарбияланувчилар ўртасида миллий қадриятлар ва улар моҳиятини тарғиб қилишга қаратилган тадбирларнинг ўрин олишига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадқиқот жараёнида тарбияланувчиларга шахслараро муносабат ва мулоқотни тўғри ташкил этишда саломлашиш қоидаларидан хабардор

бўлиш ва уларга қатъий амал қилиш мақсадга мувофиқлиги тушунтириб борилди. Тушунтиришлар орқали тарбияланувчиларнинг саломлашишга оид қоидалардан хабар бўлишларига эришилди:

1. Ислом дини гояларига кўра салом бериш суннат (қарз), унга жавоб қайтариш (алик олиш) фарз саналади.

2. Ҳадисларда таниш-нотаниш мусулмонларнинг бир-бирларига тез-тез салом бериб туришлари улар ўртасида оқибатни юзага келтирувчи, уни мустаҳкамловчи восита эканлиги айтилади.

3. Миллий тарбия хусусиятларига кўра салом беришда чеҳранинг очиқ бўлиши, саломнинг самимийлиги муҳим аҳамиятга эга.

4. Саломлашишда ўнг қўлни чап кўкракка қўйган ҳолда “Ассалому алайкум” дейиш энг гўзал дея баҳоланади.

5. Алик олганда ҳам жавобни тўла айтиш, яъни “Валайкум ассалом” дейиш мақсадга мувофиқдир.

Суҳбатлар жараёнида Мөхрибоналик уйларининг тарбияланувчилари қандай вазиятларда саломлашмаслик кераклигидан ҳам хабардор қилиб борилдилар. Булар қўйидаги вазиятлардир: ҳаммомда, ҳожатхонада ва қабристонда кишиларнинг бир-бирлари билан саломлашишлари ножоиздир. Шу ўринда ҳадислар, Шарқ мутафаккирларининг қарашлари ҳамда замонавий ёндашувларга таянган ҳолда бугунги кунда ёшлар ўртасида кенг урфга кирган ўпид саломлашиш хусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

Маълумки, гигиеник нуқтаи назардан ўпид кўришиш асло мумкин эмас. Ўпид кўришиш истисно тарзида қўйидаги ҳолатлардагина мумкинлиги тарбияланувчиларга тушунтирилди.:

1) яқин кишиларнинг узок сафардан қайтган қариндоши ёки биродади билан;

2) онанинг ўз фарзандлари билан.

Ушбу ҳолатларда ҳам яқин кишиларнинг ўз биродарларини кучоқлашиб кўришишлари гигиеник жиҳадан хавфсиз саналади.

Эркак ва аёлларнинг ўзаро саломлашишлари чогида ҳам муайян қоидаларга риоя қилиш яхши хулқа эгаликни ифодалайди. Жумладан, саломлашиш чогида аёл киши қўл узатсанга қўл бериб саломлашиш мумкин. Агарда бу жинс вакиллари буни хоҳашмаса, шунчаки самимийлик (имкон қадар табассум) билан оғзаки салом беришнинг ўзи кифоя. Қўл бериб саломлашишда ҳам: қўлни сикмаслик, силтамасликка, аксинча, самимий, илиқ саломлашишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ саналади.

Шахслараро муносабат ва мулоқотни тўғри ташкил этишда шахснинг ўзини тута олиши ҳам муҳимдир. Бунда қўйидаги қоидаларга риоя қилиш суҳбат ёки мулоқот жараёнининг самарали бўлишини таъминлайди:

- кийимини, ўзини тартибга келтириш, галстуғи ёки соч турмагини тұғрилаш (бундай хатты-харапатларни үйда, мәхмөнхонада ва маҳсус жойларда содир этиш мүмкін);
- соч тараш ва ҳурпайтириш;
- жимжилоқда тиіш тозалаш;
- бармоқ қирсыллатиш;
- кафтни бир-бирига ишқаш;
- кийимни тортқилаш;
- хиргойи қилиш;
- норозилигини құпоп, таҳқиromуз сұзлар билан билдириш;
- құлни чұнтакка солиб, орқага қилиб ёки күкрақда наполеончасига چалиштириб туриш; ўтириш;
- құл сиптаб гапириш;
- елка қисиши;
- инкор маъносида бош чайқаш;
- нутқни турлар имо-ишоралар билан бойитиши;
- бармоқ билан бирор нарсани чертиш, узук, маржон ёки сумка бөгичини ўйнаш, бармоққа соч толасини ўраш;
- сұхбатдошини туртиш, елка ё тиззасига құл құйиши, елкасига қоқиши, енгі ёки пиждагининг тұгмасини ушлаш;
- сұхбатдошта орқа үгериш;
- эснаш, тез-тез соатта қараш (бу сұхбатдош жонингизга текканини ва сұхбатни тезроқ тұгатмоқтың эканлигининг билдиради);
- гапни баланд қақчаға билан тұгатиши¹;
- сұхбатлашганда (айниңса жамоат жойларида) баланд овозда гапириш;
- ҳуда-бекідегі кулиш, оғизни очиб эснаш;
- йұталғанда бошни бир оз четта буриш, оғизни құл билан беркитиши, қаттық йұталғанда ёки аксирганда имкон бұлса оғиз-бурунни даструм бол билан ёпиш;
- ҳадеб бурун тортавериш ёки бурунни қаттық қоқиши мүмкін эмес;
- агарда ҳықычоқ тұтса, ошхона ёки ҳаммом (ванна)га бориб, уни тұхтатишига уриниш лозим (бунда құл билан бурунни беркитиб, нафас олмай сув ҳұплаш самаралы саналади);
- сұхбатлашиш чогида құлни пиджак, пальто ёки шимнинг чұнтагига солиши ман этилади, фақат зарурият түгілсегина бирор нарсани чұнтакдан олиш мүмкін).

¹ Этикет. Расмий муюмала маданияти. Яхши таассурот үйготиши үсуллари. Раҳбарлық санъати. Тошкент: Yangi asr avlodı, 2004. 63 бет; Абдураимов П. Миллий тарбия тамойиллари // Касб-хунар таълими. Тошкент, 2002. 4-сон. 16 бет.

Ички тартиб-қоидалар муассаса, ташкилот ёки уюшмалар фаолиятини ташкилий жиҳатдан тұғри, самарали ташкил этиш имконини беради. Шу сабабли ҳар бир муассаса, ташкилот ёки уюшмалар үзларининг фаолият йұналишлари асосида ички тартиб-қоидаларни ишлаб чиқадилар. Муассаса фаолияти йұналтирувчи асос бұлгани ҳолда ички тартиб қоидаларини ишлаб чиқиша асосий субъектлар, уларнинг ёш, психологик ва физиологик хусусиятлари, асосий ва хусусий мақсадлар, уларни амалга ошириш борасыдаги жамоа имконияти, барча учун бирдек ақамиятта эга бұла оладиган талаблар инобатта олинади.

Мехрибонлик уйларининг ички тартиб-қоидалари бевосита тарбияланувчилар учун ишлаб чиқылади ва уларни ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлашға хизмат қиласы. Муассаса ички тартиб қоидаларини ишлаб чиқиша қүйидагилар инобатта олинади:

- 1) тарбияланувчиларнинг муассаса ҳаётида фаол иштирок этишларини таъминлаш;
- 2) уларнинг кундалик режимге эга бўлишлари учун шароит яратиш;
- 3) тарбияланувчиларнинг кундалик режимга қатъий, оғишмай риоя этишга нисбатан масъулиятли ёндаша олишларини инобатта олиш;
- 4) ҳар бир тарбияланувчи томонидан муассаса жамоаси ва унинг аъзолари билан самимий, очиқкүнгиллик билан муносабатда бўлишини назорат қилиш.

Мавжуд манбалар билан танишиш, Мехрибонлик уйлари фаолиятини ўрганиш, тарбияланувчиларга хос бұлган умумий сифатларни таҳдил қилиш асосида муассаса ички тартиб-қоидалари сирасида қўйидагиларнинг ўрин олиши мақсадга мувофиқ деб топилди:

- муассасада ўрнатылган күн тартиби;
- ётоқхонада ўрнатылган тартиб-қоидалар;
- таълим олиш жараёнининг мұғтадил кечишини таъминловчи тартиб-қоидалар;
- тарбияланувчиларнинг юриш-турышлари, атрофдагилар билан мулоқотда бўлишларига қўйиладиган талаблар.

“Мехрибон уйлари”да тарбияланувчиларни ижтимоий-ахлоқий қоидалар билан танишириб бориш уларнинг ахлоқий жиҳатдан тұғри тарбияланишларига замин яратади. Зеро, тарбияланувчилар томонидан ижтимоий-ахлоқий қоидаларнинг етарли даражада англаниши уларга зид хатти-жаралатлар содир этилишининг олдини олади. Шу сабабли муассасада ташкил этиладиган таълим-тарбия жараённанда масаланинг мазкур жиҳатига жиіддій эътибор қаратилиши лозим. Тадқиқотни олиб бориш

чогида ана шу мақсадга йұналтирилған педагогик фаолиятта нималарни инобатта олиш зарурлығи үрганилди. Манбалар билан танишиш, шунингдегі, жамиятта қарор топған шахслараро ижтимоий муносабаттар мазмунини таҳдил қылыш ассоциация тарбияланувчиларнинг қуидаги йұналишлардан ижтимоий-аҳлоқијә қоидалардан хабардор бўлишлари келгусида уларнинг ҳар томонлама етук шахс бўлиб вояга етишларида муҳим эканлыги аниқланди:

1. Шахслараро муносабат ва мулоқотни тұғри ташкил этиш.
2. Меңнат ва касбий фаолиятни самарали ташкил этиш.
3. Таълим мұассасаси ҳәёті (фаолияти) ни йұлға қўйишда иштирок этиш.
4. Маиший түрмушни йўлға қўйиш.
5. Жамият ижтимоий ҳәётида фаол иштирок этиш.

Тажриба-синов ишаари даврида тарбияланувчилар учун күн тартиби-ни тузишда турли ёщдаги тарбияланувчиларнинг кундайлық фаолиятлари, уларнинг қизиқиши, хоҳиши-истаклари ҳам инобатта олинди. Шу билан бирга турли ёш даври ўқувчилари учун ишлаб чиқилган күн тартибида айрим талабларнинг бир хил бўлишига эътибор қаратилди. Жумладан:

- доимо бир вақтда уйқудан туриш;
- эрталабки чиниқиши ва сув муолажасини ўтказиш;
- кунига уч-тұрт (етти) маҳал белгиланған вақтда овқатланиш;
- бир кунда камида иккиси соат тоза ҳавода бўлиш;
- доимо бир вақтда дарс тайёрлаш;
- ҳар ҳафтада (камида иккиси марта) иккиси соатдан жисмоний машқлар ёки (кулай жисмоний юкланма) спорт билан шугулланиш;
- бир кунда камида саккиз соат ухлаш;
- ҳар куни бир вақтда уйқуга ётиш.

Мехрибонлик уйларининг ҳар бирида уларнинг бутун фаолияти давомида амалда бўлиб келәётган күн тартиблари мавжуд. Бироқ, тадқиқотни олиб бориши жараёнда Мехрибонлик уйлари учун қуидаги күн тартиби тавсия қилинди (3-жадвал):

3-жадвал

Мехрибонлик уйларининг тарбияланувчилари учун тавсия қилинган күн тартиби

№	Бажариладиган ишлар	Вақти
1.	Уйқудан уйғониш, эрталабки бадантарбия	7.00-7.30
2.	Нонушта	7.30-8.00
3.	Таълим олиш	8.00-14.00
4.	Тушлик	13.00-13.30

З-жадвал давоми

№	Бажариладиган ишлар	Вақти
5.	Дам олиш	14.00-16.00
6.	Құшимча машғулотлар	16.00-18.00
7.	Тұғарак машғулотлари	18.00-19.00
8.	Кечки овқатланиш	19.00-19.30
9.	Дам олиш	19.30-20.30
10.	Дарс тайёрлаш	20.30-21.30
11.	Кечки сайр	21.30-22.00
12.	Үйкуга ётиш	22.00

Мазкур күн тартибига риоя қилиш Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларниң интеллектуал, жисмоний ва рухий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишларини таъминлай олди.

Тадқиқот даврида тарбияланувчиларни ижтимоийлаштиришда уларнинг келгуси ҳаётлари учун алоҳида аҳамиятли бўлган уй-жой, уни яхши ҳолатда сақлашга оид билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш зарур деб топилди. Бу борада улар қўйидаги маълумотлардан хабардор қилиндишлар: уй-жой ёки уни қуриш учун ер сотиб олишда, энг аввало, қўшнилар кимлар эканлиги билан қизиқиши лозим. Зеро, бўлажак қўшнилар яхши, эзгу ниятли кишилар бўлсагина, тинч яшаш мумкин. Бу ўринда Унсурул Маолий Кайковус шунай дейди: “Агар уй сотиб олмоқчи бўлсанг, тўғри одамлар яшайдиргон кўчадин сотиб олғил, шаҳар атрофидин, девор тагидаги уйлардин сотиб олмагил. Арzon бўлур деб бузук уй сотиб олмагил. Уй олмоқчи бўлсанг, аввал қўшнини кўр, араблар “Аввал қўшни, кейин уй” деганлар.

Донишманд Абузуржмехр дейди: “Тўрт нарса оғир фалокатdir: биринчиси – ёмон қўшни; иккинчиси – катта оила, учинчиси – жizzаки хотин, тўртинчиси – муҳтожлик”.

Шундай бир кўчадан уй сотиб олгинки, қўшнинг инсоғли одам бўлсин”¹.

Амалий ҳаракатни олиб боришида тарбияланувчиларга ижтимоий муносабатни самарали ташкил этишга оид Мұхаммад Содиқ Қошгариининг “Одоб ас-солиҳин”² асарида келтирилган қўйидаги маълумотлар тақдим этилди:

¹ Кайковус. Қобуснома / Форсчадан Мұхаммад Ризо Оғагий таржимаси. Тошкент: “O'qituvchi” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. 205 бет; Қуронбаев К.К. Педагогические основы развития духовной и социальной активности студентов (на примере молодёжных организаций): Автореф.дисс. ... канд.пед.наук. Ташкент, 2000. 23 с.; Мавлонова Р., Тўраева О., Ҳолиқбердиев К. Педагогика. Тошкент: Ўқитувчи, 2001. 510 бет.

² Педагогика тарихи // Ўқув кўлланма. К.Хошимов, М.Иномова, С.Нишонова, Р.Ҳасанов. Тошкент: Ўқитувчи, 1996. 447 бет.

1. Кийиниши хусусида: киши имкон даражасида кийиниши лозим; либос кишининг ёшига, жинсига, фаслга мос бўлиши керак, шунингдек, кийим кишининг қаерга, қандай даврага бораётганлигига қараб ташланади; либосларни тоза сақдаш талаб этилади; яхши либосни кийганда манманлик қилиш одобдан санаамайди; ортиқча либосларни мұхтожларга инъом қилиш савоб саналади, шу билан бирга уларнинг исроф бўлмаслигини таъминлади.

2. Йўл юриш тўғрисида: йўл юрганда меъёрида қадам ташланади; атрофга алангланмайди; жамоат жойларида бошқаларга озор берилмайди; кексалардан кейин юриш, устозлар билан бирга кетаётганда уларнинг ҳурматларини сақдаш, ҳамроҳлар бўлса улар билан бирга кетиш, бирор киши учраб қолса саломлашиб, тез ўтиб кетиш, агар зарур бўлса четга чиқиб сұҳбатлашиб талаб қилинади; оғиз суви ёки бағрам ўнг томонга ёки олдинга эмас, чап томонга ёки орқага ташланади; йўлда учраган ёрдамга мұхтож кишиларга кўмаклашилади; йўловчиларга азият етказадиган нарсалар четта олиб ташланади.

3. Меҳмонга бориш ва меҳмон кутиш хусусида, меҳмондорчиликдаги мулоқот ҳақида: кишининг бойлиги, мавқеига қараб меҳмон чақирилмайди; оила аўзоларини ҳам ажратмаслик лозим; меҳмоннинг иззат-ҳурмати жойига қўйилади; лекин уч кундан сўнг ортиқча такаллувлар, дабдаба қилинмайди; меҳмон учун уй ортиқча безатилмайди, бироқ, озода, тоза дастурхон, сочиқ, кўрпа-тўшаклардан фойдаланилади; дастурхон тузашда исрофгарчиликка йўл қўйилмайди; таом қўйилганда меҳмон бошлиб, охирида таомдан қўл тортади; мезбон меҳмондан олдин қўл узатмаслиги керак; ортиқча такаллуф ҳам қилинмайди; меҳмон имко ни бўлса, лаззатли таомлар билан сийланади, кетишга рухсат сўралганда ҳурмат билан кузатиб қўйилади.

4. Меҳмондорчилик (зиёфат) даги мулоқот (муаллиф эса буни “сұҳбат” деб юритган) тўғрисида: меҳмондорчилик мулоқотини яхши ниятда олиб борилиши, бегараз бўлиши лозим; мулоқотдошлар бир-бирларига ҳурмат ва илтифот кўрсатишлари мақсадга мувофиқ; мулоқот жараёнида хонага бирор киши кирганда ёки чиққанда ўриндан турилади; ёши катталар юқорига ўтказилади; беадаб сўзлар, ёмон хатти-ҳаракатлар ҳамда ноўрин жимлиқдан сақданади; барчага яхши муюмалада бўлинниб, улар иззат қилинади; акса келса оғизни тўсиб, паст овозда акса урилади; меҳмонлардан бирига иш буюрилмайди; аксинча, имкон бўлса уларга беминнат хизмат кўрсатиш лозим; дўст ва нотанишлар билан бир хил очиқ чеҳра билан муюмалада ва шириңсўз бўлинади; меҳмонлардан бирининг ёмон қилиғи, қабиҳ феъли ҳақида гапирилмайди, имкони борича уни сұҳбатдан четлатиш мақсадга мувофиқдир; аҳли жамоанинг хотиржамли-

гини бузганларга уларнинг ҳаракатлари ножоизлигини имо-ишора билан тушунтириш керак; меҳмондорчиликда ухланмайди; ўзгалардан ўзни юқори тутилмайди; сұхбатдошнинг сұзи бўлинмайди; ҳамсуҳбат билан баҳлашилмайди; газаб келганда ўзни босиш ахлоқдилликнинг юксак на-мунаси саналади; ортиқча қизиқчилек, ҳазил-мутойиба, хушомадгўйлик қилинмайди, бунда меъёрга риоя қилинади, кишиларга лақаб қўйилмайди; сұхбатдошлар ўзаро бир-бирлари билан пинҳона, бошқалар тушунмайдиган тилда гаплашилмайди; агарда кимлардир пинҳона гаплашишаётган бўлишса, уларнинг гапларига қулоқ солинмайди.

Ўз навбатида, меҳмон ҳам айрим қоидалардан хабардор бўлиши мақсадга мувофиқдир. Улар қуйидагилардир: меҳмонга чакирилганда, у факирми, улуғ мартабалими, албатта, бориш лозим; золим, ахлоқсиз, иккиозламачи ва хурофотга берилган кимсаларни кига бормаслик айб саналмайди. Замонавий шароитда меҳмонга айтилган вақтда бориш, узоқ ўтириб, мезбонларнинг вақтини олмаслик одобнинг юксак намунаси саналади.

5. Беморнинг ҳолидан хабар олиш хусусида: дўстаар учун bemор ҳолини сўраш зарурдир; bemорнинг миллати, динидан қатъи назар унинг ёнига очиқ юз билан кирилади; кўнглини кўтарадиган сўзлар билан мурожаат қилинади; bemорнинг оддига башанг кийинган ёки кир либосда бориб бўлмайди; эшиқдан кулиб кириш, bemорнинг бош томонига ўтириш лозим; кўп сўзлашиб bemорни толиқтириб қўймасликка эътибор бериш керак; шунингдек, кунда келиб bemорни толиқтириб қўймаслик лозим; bemорнинг кўнгли тусаётган нарсаларни сўраб-суринтириши ва топиб келиши савоб саналади; шу билан бирга bemорнинг парваришида ҳаром нарсалардан сақданиш зарур; bemор олдида кўп ўтирилмайди; агар унинг ёнида бўлишни зарурият талаб қиласа, унга хуш келадиган сўзлардан, ҳикоятлардан сўзлаб ўтириш жоиз.

Бемор ҳам маълум қоидаларга риоя қилиши лозим. Жумладан, касалидан ҳадеб нолимаслиги, аксинча, оғир дардга чалинганда ҳам ўзига ўлим тиламасдан умр тилаши, оғирлашгани сезила бошлагандага гуноҳларидан тавба қилиши; қарзларини адо этиб, фарзандлари, қариндош ва дўстларидан розилик сўраши ва васият қилиши, уларга сабр-қаноат тилаши энг муҳим қоидалар саналади.

6. Овқатланиш тўғрисида: таомни оз ейиш, шубҳали таомни емаслик, камтарин дастурхонга ҳам қаноат қилиш, гўштли таомларни кам танаввул қилиш лозим; танаввул қилишда айрим таомларни бир-бири билан арапаштириб юбориб бўлмайди, яъни:

- балиқ билан сутни;
- сут билан нордон нарсани;
- сут билан тухумни;

- қовурилган гүшт билан қайнатылган гүштни;
- қотган (әски) гүшт билан янги гүштни;
- иссиқ таом (ичимлик) билан соvuқ таом (ичимлик) ни;
- ични қотиругчи таом билан ични сурувчи, ҳиди таомни.

Таомни үтириб истеъмол қилинади; катталар таомга құл урманыларига қадар, құл чүзилмайды; таом ейишда озодалик (санитария) қоидаларига риоя қилинади; овқатланишдан аввал ва кейин құл ювилади; құл тоза сочиққа артилади; овқатланиб бұлингач, уй сохиблари ҳақларига дуо қилинади; дуо доимо ёши катталар томонидан қилинади.

7. Сув ичиш одоби ҳақида: сувни бирдан симирмай, балки бұлиб-бұлиб ичилади ва унга нафас урилмайды; сувни ўта әхтиёткорлик билан, бирор нарса тушмаганиң ишонч ҳосиғ қылғач, ичилади; Агар оғиз ёки құл ёғы бұлса, сувли идишнинг дастасини ушламаслик, жимжилоқ ва бармоқлар ёрдамида ушлаш ёки құлни ювиб, кейин ушлаш лозим; чети учтан идиш ёки пиёләда сув ичмаслик мақсадға мувофиқдир, чунки у ерда микроблар тұпланиб қолади; ариқ ёки ҳовуздан бошни эккан ҳолда сув ичилмайды, чунки бу ҳолда зараплы ҳашарот ичға тушиши мүмкін; ҳамроҳлар билан бирга бұлғанда сувли идишни аввал ўзи эмас, балки уларға узатиш лозим; құпчилик билан бұлғанда сувли идиш аввал ўнг томонта узатилади, сув узаттан кишини дуо қилиш одобиликкінің күренишидір; таом истеъмол қилишдан ёши катталар бошлаб берса, сувни ичиш ёши кичиклардан бошланади.

8. Сафарга чиқиши ҳақида: сафар бирор бир мақсад (ҳаж, тијорат, жиҳод, илм олиш, муборак жойларни зиёрат қилиш мақсады) асосида уюштирилалади; сафар олдидан бирор-бир доно киши билан маслаҳатлашилади, ота-она ёки бошқа ҳақын кимсалардан рухсат сұралади, ёр-биродарлар билан видолапшылар, уларнинг дуолари олинади; сафарга имкон борича ҳамроҳ (камидә уч киши) билан чиқиши лозим; құпчилик билан сафарга чиқылғанда бир-биралира қызын манзилга тушиши мақсадға мувофиқдир; гурух билан сафарга чиқылғанда бир киши сардор этиб тайналаниси, унинг маслаҳати билан иш тутиш, заиф ҳамроҳлар бұлса, улардан ёрдамни аямаслик энг мұхим шарттардир; сафарга чиқишиңда энг зарур ашёлар, яғни либос, оёқ, кийим, соқолтарош, мисвок (тиши тозалагиç), қайчи, игна-ип олишни ёдда тутиш лозим; сафардан қайтганда тұстадан уйға кириб бормай, аввал үйдегиларни хабардор қилиш мақсадға мувофиқдир, шунингдек, кечаси кириб бориш нолойиқ саналади; сафардан қайтганда оила аязоларига, қариндошларға, ёрдүстларға совғалар улашиш, уни күрганни келгандарни таом билан сийлаш одобиликкінің күренишидір; агар хабар келса, мусофирни күтиб олиш учун пешвоз чиқиши, уни хұрмат билан күтиб олиш; дарровда саволға тут маслик, унинг хоҳиши-истакларини имкон қадар бажариш, манзили, тураржойи, ейиш-ичишидан хабардор бұлиб туриш, агар саёхат қилишиңи хоҳласа,

диққаттаға сазовор жойларни күрсатиши, уннинг нима мақсадда келганидан хабардор бўлиб, ёрдам күрсатиши зарур.

9. Таъзия хусусида: дағні маросимидан олдин ёки кейин бошларига мусибат тушган хонадон эгаларига таъзия билдириш; исломий гояларга кўра вафот этганлар учун аза тутиш уч кунгача жоиз, кейин эса макрух саналади; тобутни олиб чиқаётганлар сукут сақлашлари даркор; аёллар тобутга ҳамроҳ бўлиб, эшикка чиқмайдилар; аҳди мусибат йигилганда овоз кўтарилимаслиги, майитни кўмгандан сўнг ҳар ким ўз ишига кетиши, бир ерда йигилиб, ўтирмаслиги керак; йигилиш учун турли тадбирларни излаб топиш ва ўтказиш бидъат ҳисобланади; таом тайёрлаб аҳди мусибат уйига юбориш жоиз; ислом дини талабларига кўра қабр устига пишиқ гишт, тош ва мармарлардан ёдгорликлар ўрнатиш, қубба ва иморатлар тиклаш бидъат саналади; қабристонни зиёрат қилиш эрта тонгда амалга оширилади; қабрларни босмаслик, қабрлар ўртасидан юрмаслик, қабр устига ўтирмаслик лозим.

Тажриба-синов ишлари жараёнида Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларида уларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда қўйидаги маънавий-ахлоқий сифатлар шакллантириб борилди (4-жадвал).

4-жадвал

Турли ёщдаги Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларида шакллантирадиган маънавий-ахлоқий сифатлар

Ёш даврлари	Тарбияланувчиларда шакллантирилган маънавий-ахлоқий сифатлар
Мактабгача таълим ёши	Одоблилк, ростгўйлик, билимдонлик, меҳнатсеварлик, ширинсўзлилк, сабрлилк, содиқлк, меҳрибонлик, раҳмдиллик, жамоавийлик, катталарни ҳурмат ва кичикларни иззат қилиш, тартиблилк, тиришқоқ бўлиш, кўркмаслик, ўзини тутиш.
Бошлангич таълим ёши	Одоблилк, ростгўйлик, билимдонлик, меҳнатсеварлик, ширинсўзлилк, сабрлилк, содиқлк, камтарлик, меҳрибонлик, бурчга содиқлк, ватанпарварлик, раҳмдиллик, жамоавийлик, катталарни ҳурмат ва кичикларни иззат қилиш, тартиблилк, интизомлилк, тиришқоқ бўлиш, кўркмаслик, ўзини тутиш.
Ўсмир (ўспирин) лар	Ахлоқлилк, ҳалоллилк, эътиқодалилк, ростгўйлик, билималилк, меҳнатсеварлик, хушмуомалалилк, сабр-қаноатлилк, садоқаталилк, камтарлик, адолатпарварлик, меҳрибонлик, бурчга содиқлк, ватанпарварлик, ваъдага вафо қилиш, бағрикенглик, раҳм-шафқаталилк, меҳмоңдўстлик, оиласпарварлик, жамоавийлик, катталарни ҳурмат ва кичикларни иззат қилиш, ҳаё, андиша, гуур, интизомлилк, тартиблилк, масбулиятлилк, интидувчанлик, қатъиятлилк, иродали бўлиш, кўнгилчанлик, журъатлилк, ботирлик, босиқлк, ҳиссиётга берилимаслик, ўзини тутиш, ўзини баҳолаш, ўзини бошқариш, ўзини тарбиялаш.

Тажриба-синов ишлари даврида, яна шунингдек, тарбияланувчиларнинг салбий маънавий-ахлоқий иллатларга эга бўлмасликларига эътибор қаратилди. Тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятлари инобатга олинган ҳолда улар шахсида намоён бўладиган салбий хислатларни бартараф этиш алоҳида эътиборда тутилди (5-жадвал).

5-жадвал

Турли ёшдаги Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари шахсида намоён бўладиган салбий хислатлар

Ёш даврлари	Тарбияланувчиларда шакллантирилган маънавий-ахлоқий сифатлар
Мактабгача таълим ёши	Одобсизлик, ёлғончилик, сабрсизлик, манманлик, атрофдагиларни ёқтираслик, шафқатсизлик, нодонлик, ҳаёсизлик, катталарга ҳурматсизлик, кичикларни иззат қиласмаслик, тартибсизлик, дангасалик, ялқовлик, кўрқоқлик, қайсаарлик, ўзини тута олмаслик.
Бошлангич таълим ёши	Одобсизлик, ёлғончилик, билимсизлик, сабрсизлик, манманлик, ҳақсизлик, қаҳри қаттиқдик, атрофдагиларни ёқтираслик, шафқатсизлик, нодонлик, ҳаёсизлик, катталарга ҳурматсизлик, кичикларни иззат қиласмаслик, интизомсизлик, тартибсизлик, дангасалик, ялқовлик, иродасизлик, кўрқоқлик, қайсаарлик, ўзини тута олмаслик.
Ўсмир (ўспирин) лар	Ахлоқсизлик, ҳаром луқма ейиш, эътиқодсизлик, баднафслик, ёлғончилик, билимсизлик, кўрслик, сабрсизлик, вафосизлик, ҳиёнат, манманлик, тақаббурулик, ҳасадгўйлик, ҳудбинлик, гийбатчилик, очкӯзлик, ҳасислик, нафсга берилishi, ҳақсизлик, қаҳри қаттиқдик, ваздага вафосизлик, атрофдагиларни ёқтираслик, шафқатсизлик, нодонлик, ҳаёсизлик, катталарга ҳурматсизлик, кичикларни иззат қиласмаслик, баҳиллик, жоҳиллик, зинкорорлик, таъмагирлик, андишасизлик, интизомсизлик, тартибсизлик, масъулиятсизлик, дангасалик, ялқовлик, қатъиятсизлик, иродасизлик, журъатсизлик, кўрқоқлик, енгилтаклик, ёкизакилик, қайсаарлик, ўзини тута олмаслик, ўзини баҳолай олмаслик, ўзини назорат қила олмаслик, ўзини бошқара билмаслик, ўзини тарбиялай олмаслик.

Тажриба-синов ишларини олиб бориш даврида тарбияланувчиларнинг ўзлари яшаб турган муҳитга нисбатан илиқ, самимий муносабатда бўлишлари, муассасани ижобий қабул қилишлари, унга нисбатан меҳр кўрсата олишлари уларнинг руҳий жиҳатдан тўлақонли шаклланишларини таъминловчи муҳим омиллардан бири, деган хуносага келинди. Ана шу хуносага таянган ҳолда тарбияланувчилар ҳаётининг таълим муассасаси фаолияти билан ўзаро йўғунлигини таъминлаш йўлида амалий ҳаракатлар олиб бориди.

Тадқиқот олиб бориши даврида тарбияланувчиларда табиат ва атроф-мухитни муҳофаза қилишда қуйидаги хислатларнинг тарбияланисига эришилади:

- табиат ва атроф-мухит билан яқиндан танишиши орқали гўзалликни ҳис қилиш, мавжуд гўзалликни асрарни ва бойитишга бўлган масъуллик, эҳтиёткорлик, билимлилик;

- табиат ва атроф-мухит муҳофазаси борасидаги фаолиятни ташкил этиши жараёнида ташаббускорлик, фидоийлик, тежамкорлик, онгалилик¹.

Шунингдек, уларнинг экологик маданиятга эга бўлишларига эътибор қаратилди. Тадқиқот жараёнида бу йўлда олиб борилган назарий ва амалий ишлар натижасида тарбияланувчиларда табиат ва атроф-мухитга нисбатан масъулият, эҳтиёткорлик ҳисси шакллантирилди. Уларнинг табиатта ва атроф-мухитта ёндашувлари Ф.Берданова томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги мезонлар асосида баҳолаб боришли:

1. Ижтимоий-экологик ўзгаришларнинг сабаб ва оқибатини тушуниш.

2. Инсон фаолияти экологик ўзгаришларнинг асосий омили эканлигини англаш.

3. Муайян минтақадаги ижтимоий-экологик ўзгаришларнинг мавжуд даражасини баҳолай олиш.

4. Табиат ва атроф-мухит муҳофазасини ташкил этишига йўналтирилган фаолият моҳиятини тушуниш.

5. Экологик билимларни ўзлантиришга нисбатан эҳтиёж ва қизиқишининг мавжуддиги.

6. Экологик билимлардан хабардорлик.

7. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни кўпайтириш ҳақида ғамхўрлик қилиш.

8. Табиат ва атроф-мухит муҳофазаси борасида мустақил фаолият юритиш кўникма ва малакасига эга бўлиш.

9. Экологик ўзгаришларнинг одини олиш, шунингдек, экологик ҳавфни бартараф этишига қаратилган ижтимоий фаолиятни ташкил этиши жараёнида фаол иштирок этиш².

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларида руҳий барқарорликни қарор топтиришда шифокор А.Усмонхўжаев ҳамда психолог

¹ Берданова П.У. Қорақалпоқ ойлаларида болаларнинг экологик маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари (ўсмирилар мисолида): Пед.фен.номз. ... дисс. Тошкент, 2005. 154 бет; Андреев В.И. Педагогика творческого саморазвития. Казань, КГУ, 1996. – 567 с., Аникеева Н.П. Жамоёда руҳий муҳит. Тошкент: Ўқитувчи, 1993. 4-бет.

² Ўша жойда.

Ф.Акромовалар томонидан таклиф этилган тавсиянома¹ дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Зеро, мазкур тавсиянома тарбияланувчиларда руҳий барқарорликни қарор топтириш билан бирга уларнинг муассасаси ва унинг жамоасига нисбатан меҳрли муносабатда бўлишларига кўмаклашувчи тояларга эга. Тажриба-синов ишлари жараёнида А.Усмонхўжаев ҳамда психолого Ф.Акромовалар томонидан таклиф этилган тавсияномадан фойдаланишга ижодий ёндашилди. Яъни тавсиянома мазмунига Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиси киритилди. Кўйида ана шу тавсиянома келтирилади:

1. Гарчи қийин бўлса-да, бир ҳақиқатни тан олинг: Мехрибонлик уйи Сизнинг яшаш жойингиз, истиқомат масканингиз. Шу сабабли бу масканни севишга, унга меҳр беришга ҳаракат қилинг. Инсон нимагаки, кимгаки меҳр кўрсатса, ундан меҳр олиши ёдингизда бўлсин!

2. Таълим муассасаси ва унинг аъзоси бўлган ҳар кишини ёқтиришга, севишга ўзингизни мажбур қилинг. Асосий вактингизни улар билан бирга ўтказишга интилинг. Шундагина ўзингизни баҳтиёр, баҳтли ҳис қиласиз.

3. Муассасада кечайётган ҳар бир кунингизнинг баҳтли, баҳтиёр кечишига ўзингизни ишонтиринг. Ёдингизда бўлсин, тўла оиласарда яшаётган болаларнинг барчаси ҳам баҳтли эмаслар! Қаерда, кимлар билан баҳтли бўлиш айнан инсоннинг ўзига боғлиқ.

4. Умрингизнинг ҳар дақиқасини баҳтли лаҳзаларга айлантиринг. Тушкунликка тушмасдан, севимли машғулотларингиз билан шугулланинг! Бир машғулотдан зериксангиз уни янада қизиқарлироқ иккинчи машғулот билан алмаштиринг! Кўпроқ тенгдошларингиз, ўзингиз барчадан кўпроқ ёқтирадиган кишилар билан мулоқотда бўлинг! Муассаса фаолиятини йўлга қўйища уларга кўмаклашинг!

5. Ўзингизни жамоанинг тенг ҳуқуқли, эркин аъзоси эканлигингида ишонтиринг! Барча ҳаракатларингиз билан ана шунга муносиб эканлигинизни намойиш қилинг!

6. Зиммангиздаги бурч ва вазифаларни бажаришни ҳаётнинг, тирикликтининг энг оддий қоидаси сифатида қабул қилинг. Аслида буларсиз ҳаётнинг мазмуни бўлмаслигини унутманг! Вазифаларни бажарища уларни азоб деб қабул қилманг, аксинча, улар Сизга завқ-шавқ, ҳаётий иштиёқ, кўтаринки кайфият, руҳий тетиклик ва баҳтиёрлик ҳадя этишига ўзингизни ишонтиринг!

¹ Усмонхўжаев А., Акромова Ф. Руҳиятни согломлаштириш усуллари (шифокор ва психолог ҳамкорлиги). Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. 63 бет; Ислом Каримов. Жаҳон молиявий иқтисодий инқизози, Узбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. Тошкент: Узбекистон, 2009. 56 бет; Ислом Каримов. Юксак маҳакали мутахассислар – тараққиёт омили. Тошкент: Узбекистон, 1995. 24 бет.

7. Атрофингиздаги кишиларга ёрдам беринг. Ҳар бир инсонда аль-труизм (атрофдагиларга бегараз ёрдам бериш) эҳтиёжига эга. Ана шу эҳтиёжни қондириш йўлида амалий ҳаракатни олиб боринг. Шуни ёддан чиқарманг, бу йўл билан Сиз биринчидан, ўзингизга бўлган ҳурматни оширасиз; иккинчидан, атрофдагиларга керакли эканлигингиzin англаб етасиз, учинчидан, руҳингиз ва танангизда юзага келган жисмоний ва психологияк зўриқишини, тарангликни бартараф қиласиз, тўртингидан, яшаётдан, ҳаётдан қониқиши ҳосил қиласиз, ўзингизни баҳтли ҳис қиласиз.

8. Ўзингизни кузатишга урининг, айнан нималар Сизнинг кайфиятин-гизга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишини аниқланг. Эзгуликка хизмат қилувчи нимаики нарса Сизни қувонтира олса, шунга интилинг.

9. Жисмонан фаол бўлинг! Зоро, жисмоний фаоллик туфайли инсон миясида кишига лаззат, завқ бағишлийдиган табиий модда (эндорфин) лар ишлаб чиқарилади. Шу сабабли жисмоний фаоллик инсонга баҳт хиссисини ато этади.

10. Ҳаётингизнинг бир маромда кечишига йўл қўйманг, аксинча, уни янгиликлар билан бойитишга ҳаракат қилинг. Айниқса, таълимдан сўнгги бўш вақтингизни қизиқарли, янгиликларга бой ҳолда кечишини таъминланг.

11. Имкон қадар ўзингизни эзилган, баҳтсиз ҳис қилишдан халос этинг. Шуни қатъий ёдда тутинг: инсон тақдирини кўп ҳолларда унинг руҳий ҳолати белгилайди. Сиз ўзингизни баҳтга лойик деб ҳисобласангиз, омад, муваффақиятни ўзингизга чақирасиз; агарда баҳтсиз деб санасангиз омадсизлик, муваффақиятсизлик тақдирингизнинг ажралмас йўлдошига айланади. Шу сабабли ҳамиша ўзингизни баҳтли, омадли инсон сифатида ҳис қилинг!

Тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда уларнинг соғлом турмуш тарзи кўникмаларига эга бўлишлари мухим аҳамиятга эга. Шахсда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш “уларга саломатликни сақлаш, шунингдек, ижтимоий, маънавий-ахлоқан ва жисмонан камолга етишишга оид назарий билимларни бериш асосида уларнинг соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишдек амалий кўникмаларга эга бўлишларини таъминловчи педагогик фаолиятнинг ташкил этилиши” ҳисобланади¹.

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг соғлом турмуш тарзи кўникмаларига эга бўлишлари учун улар томонидан қўйидаги одатларни ўзлаштиришларига эришишлари мухим натижалардан бири саналади:

¹ Аксенова Л.И. Социальная педагогика в специальном образовании. М.: Академия, 2001.
- 191 с.

1) тоза ва озода юриш (ҳафтада бир марта (ёз ойларида эса ҳафтасига икки марта) чўмилиш, кийимлари, айниқса, ички кийимларини ҳафтада камида бир марта алмаштириб туриш, қўл ва оёқ тирноқларини доимо калта қилиб олиб юриш) га одатлантириш;

2) овқатланишдан олдин ва кейин қўлларини яхшилаб ювишга ўргатиш;

3) ҳожатхонадан чиққандан кейин албатта, қўлларни совунлаб ювишга кўнектириш;

4) хом сабзавот ва меваларни аввал қайнатилган, сўнгра совуқ сувда ювиб, чайиб ейишга одатлантириш;

5) очик сув ҳавзалари (арик, қудук, канал, қўл ва дарё) сувларини фақат қайнатиб ичишга ўргатиш;

6) озиқ-овқат маҳсулотларини заарали ҳашаротлар (пашша ва сувараклар) дан эҳтиёт қилиш, тураржойларда уларнинг бўлиши ва кўпайишининг олдини олишга ўргатиш;

7) ювиниши, кийиниши ва овқатланишда фақатгина шахсий буюмлардан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш;

8) сўнгги йилларда аҳоли, шу жумладан, ёшлар ўртасида тобора оммалашаётган одат – ўпид кўришишнинг заарали оқибати тўғрисидаги тушунчаларга эга бўлиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, улар соглом турмуш тарзи кечиришнинг муҳим талаблари бўлган қўйидаги шартларни тўла бажаришга эришишлари лозим:

1. Кун тартибига эга бўлиш.

2. Гигиена қоидаларига риоя қилиш.

3. Организмни чиниқтириш.

4. Тўғри овқатланиш.

5. Заарали одатлар (тамаки чекиши, спиртли ва наркотик моддаларни истеъмол қилиш) дан сақданиш.

6. Турли кўринишдаги шикастланиш ва жароҳатланишларнинг олдини олиш кўнкимларига эга бўлиш.

7. Биринчи ёрдам кўрсатиш кўникмасига эга бўлиш.

8. Санитария муҳофазаси қоидаларига амал қилиш.

9. Жинсий ҳаётнинг тўғри йўлга қўйилишига эришиш.

10. Психогигиена талабларига риоя этиш.

11. Бўш вақтни кўнгилли ташкил этиш.

А.Исимова томонидан олиб борилган тадқиқотда ўқувчиларнинг соглом турмуш тарзи кўнкимларига эгаликлари даражасини қўйидаги мезонлар асосида баҳолаш мақсадга мувофиқ эканлигига урғу берилган:

ўқувчиларнинг мустақил кун тартибига эга бўлишлари ва унга қатъий риоя қилишлари;

- фаол ҳаракат асосида организмни чиниқтиришлари ҳамда мунтазам равиша спорт билан шугулланишлари;
- тұғри овқатланиш қоидаларидан хабардорликлари ва уларга онгли равиша амал қилишлари;
- шахсий ва умумий гигиена қоидаларига риоя қилишлари;
- психогигиена талабларига амал қилишлари;
- жинсий тарбия асосларидан хабардорликлари;
- туралы хилдаги жароқатланишларнинг одини олиш малакасига эгаллеклари¹.

Тажриба-синов ишлари жараёнида самарали деб топилган шакллар ёрдамида ташкил этилган педагогик фаолият учун қуидаги мавзудар танланы: “Оилавий ҳаёт асослари”, “Балогат бұсағасида” (сұхбат); “Балогат ёшининг үзига хос хусусиятлари” (гинеколог билан учрашув), “Кулоққа айтиладиган гаплар” (уролог билан учрашув); “Оила ҳұжалигини самарали юрита оласизми?”, “Оилавий низоларнинг одини олиш йұллари” (савол-жавоб); “Оилавий муносабатларни тұғри ташкил этиши шартлары”, “ОИТС (СПИД): келиб чиқиш омиллари ва оқибатлари” (мини маъруза); “Сиз оила қуришга тайёрмисиз?” (қызлар иштирокидаги беллашув), “Сиз оила устунисиз, бек үйгитлар!” (үғыл болалар иштирокидаги беллашув); “Балогат ёшидаги хатолар”, “Оилавий ҳаётда нима мұхим: мұхаббатми ёки ишонч?”, “Репродуктив саломатлик: уни қандай асраш мүмкін?” (баҳс-мунозара); “Замонавий оила: у қандай бўлиши керак?”, “Менинг фикримча, баҳтли оила – бу ...!” (дебат); “Самарали оилавий муносабатларни беш мұхим шарти”, “Оила бюджети маблагларини оқилона сарфлашнинг асосий қоидалари” (тренинг).

Тадқиқот даврида Мехрибонлик үйлари тарбияланувчиларини оилавий ҳаётта тайёрлаш мақсадида турлі номларда ташкил этилган педагогик фаолият шакларининг технологик лойиҳалар, интерфаол методлар, тарбияланувчиларнинг фаол иштироклари, уларнинг мустақил фикр юритишиларига асосланғанлығы уларнинг самарадорлигини кафолатлади. Айни үринде тажриба-синов ишлари жараёнида ташкил этилган мазкур тадбирлар тузилмаларининг умумий мөхиятини схемалар ёрдамида очиб бериш мүмкін. Күйіда тарбияланувчиларни оилавий ҳаётта тайёрлашга хизмат қыдувчи тадбирларнинг тузилмалари тұғрисидағи маълумотлар іюкорида қайд этилган икки гурух асосида ифодаланади (6-жадвал):

¹ Исимова А.Е. Дарсдан ташқари таълим-тарбия жараёнида ұкувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг педагогик асослари (V-IX синфар мисолида).: Пед. фанч. номз. дисс. Тошкент, 2005. 176 бет.

**Тарбияланувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлашга оид назарий
билимларни тарғиб этүвчи тадбирлар схемаси**

№	Тадбирлар номи	Тадбирлар схемаси
1.	Оилавий ҳаёт асослари (сұхбат)	<p>I. Кириш нұтқи</p> <p>II. Назарий тушунчаларни аниқдаш учун бериладиган саволлар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. “Оилавий ҳаёт” деганда нимани тушунасиз? 2. Сизнинг оилавий ҳаётиңгиз нималардан таркиб топады? 3. Оилавий мұносабатлар: у қандай мазмунға эга бұлиши лозим? 4. Сизнингча, тұлақонли баҳтли оила булиши мүмкінми? <p>III. Билдирилған мұлоқазаларни умумлаштириш ва якуний хуосані шакаллантириш.</p> <p>IV. Якуний нұтқ</p>
2	Балогат бұсағасида (сұхбат)	<p>I. Кириш нұтқи</p> <p>II. Ұсмиралик, балогат ёши, ұсмирларнинг севги ҳисларига эта бұлишлари ҳамда эрта жинсий мұносабатта киришишнинг зааралы оқибатлари тұгрисида мутахассис фикр-мұлоқазалари.</p> <p>III. Тарбияланувчиларнинг қарама-қарши жинсга бұлған мұносабат, севги, шахсий гигиена ва үнга риоя этишга оид фикр-мұлоқазалари.</p> <p>IV. Билдирилған мұлоқазаларни умумлаштириш ва якуний хуосані шакаллантириш.</p> <p>V. Якуний нұтқ</p>
3.	Балогат ёшининг үзиге хос хусусиятлари (гинеколог билан учрашув)	<p>I. Кириш нұтқи</p> <p>II. Мутахассиснинг балогат ёши ва унинг кечиши тұгрисидаги фикрлари.</p> <p>III. Тарбияланувчи қыздарнинг балогат ёши хусусиятларига оид саволлари.</p> <p>IV. Мутахассиснинг берилған саволларға жавоблари.</p> <p>V. Якуний нұтқ (хулоса)</p>
4.	Қулоққа айтыладиган гаплар (уролог билан учрашув)	<p>I. Кириш нұтқи</p> <p>II. Мутахассиснинг балогат ёши ва бу ёшда үгіл болалар организмыда кечадиган үзгаришлар тұгрисидаги фикрлари.</p> <p>III. Тарбияланувчи (үгіл болалар) нинь балогат ёши ва йигиттілік хусусиятларига оид саволлари.</p> <p>IV. Мутахассиснинг берилған саволларға жавоблари.</p> <p>V. Якуний нұтқ (хулоса)</p>

5.	Оила хұжалигини самаралы юрита оласизми? (саволжавоб)	<p>I. Кириш нұтқى</p> <p>II. Тарбияланувчиларга бериладиган саволлар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. “Оила хұжалиги” түшунчаси қандай маңынан аңглатады? 2. Оила хұжалигини нималар ташкил этады? 3. Оила хұжалиғи кимлар томонидан юритилади. 4. Оила хұжалигини мұваффақиятли ташкил этиш учун нималарға әзтибор қаратып лозим? 5. “Оила бюджети” нима? 6. Оила бюджетини яратыпда кимлар асосий роль үйнайды? 7. Шахсан Сиз оила хұжалигини юритиш ва оила бюджетини шакалантириш күнікмаларига әлемисиз? 8. Бу борадаги күнікмаларни әгаллашынгизда қандай омыллар асос бұлып хизмат қылды? 9. Агарда “оила хұжалигини юритиш ва оила бюджетини шакалантириш күнікмаларига зәғәзман” деб ҳисобласанғыз, бүннинг сабаблари нима? <p>III. Тағыраңызның мұлоқазаларынан умумлаштырыш ва хүлесалаш.</p> <p>IV. Яқуний нұтқ</p>
6.	Оилавий низоларнинг олдини олиш йүллары (саволжавоб)	<p>I. Кириш нұтқى</p> <p>II. Тарбияланувчилар учун саволлар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. “Оилавий низо” түшүнчеси қандай маңынан аңглатады? 2. Сиз қандай фикрдасыз, оилавий ҳаётни низоларсиз ташкил этиш мүмкінми? 3. Сизнингча, оилавий низоларнинг келиб чиқишига кимлар сабабчы бұлышады? 4. Оилавий низоларнинг олдини олиш ёки бартараф этиш мүмкінми? <p>III. Тағыраңызның мұлоқазаларынан умумлаштырыш ва хүлесалаш.</p> <p>IV. Яқуний нұтқ</p>

Тадбирларнинг юқорида көлтирилген лойиҳалар асосида ташкил этилиши Мекрібонлик үйлары тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётта самаралы тайёрлашпа ёрдам беради.

Шундай қилиб, тажриба-синон ишларини ташкил этишпе тизимли ёндашув күтилген нағызжаларни құлға киритиши имконини берди. Тадбирларнинг муайян технологик лойиҳаларга ассоциацияларни улар самаралордегін ошириш билан биргә, тарбияланувчиларнинг қызығынан да ғаоллукларини таъминлади.

Таълим жараёни ҳамда маънавий-маърифий тадбирларнинг Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш борасидаги имкониятлари

Замонавий жамиятда етим болалар ва болаларни ижтимоий муносабатларни ташкил этишга тайёрлаш, уларнинг ижтимоий мослашувларини таъминлаш долзарб ижтимоий-педагогик муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Мустақил ҳаётга қадам қўйишнинг дастлабки босқичида ҳар қандай ўспирин ижтимоий ёрдамга эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёж одатда оила муҳитида қондирилади. Бироқ, ота-онасиз ёки уларнинг қаровидан маҳрум бўлган болалар ва ўсмирларни мустақил ҳаётга тўлақонли шахс сифатида тайёрлаш давлат ва жамият томонидан катта куч сарфланишини талаб қиласди.

Болалар уйлари тарбияланувчиларини ижтимоийлаштириш тарбия ва таълим ишлари ўзаро мувофиқликда олиб борилгандагина таъминланади.

Болалар уйларининг асосий вазифаси тарбияланувчиларни ижтимоийлаштириш саналади. Бунинг учун оила муносабатларини ўзида ифода этувчи тадбирларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бундай тадбирлар жараёнида улар катталарнинг кичиклар тўғрисида фамхўрлик қилишлари; катталарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш; ота-онани ҳурмат қилиш; ота-оналар, оиланинг катта аъзолари билан самимий муносабатда бўлиш; бир-бирларини тушуниш ҳамда ўй-кечинмаларини ҳурмат қилиш каби фазилатларни ўзлаштира олишлари лозим.

Меҳрибонлик уйларида таълим ва маънавий-маърифий ишларнинг миллий қадриятлар ҳамда тамойилларга асосланишига эришишда қўйидаги вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши муҳим аҳамиятга эга:

миллий тарбияни йўлга қўйишнинг дифференциал (табақавий) педагогик-психологик дастурини яратиш;

тарбияланувчилар онгига миллий истиқдол гоясини сингдириш ишларини узлуксиз равиша, яъни дарсда, дарсдан ташқари шароитда изчил йўлга қўйиш;

ўқув дастурлари, дарслик, тавсиянома ва қўлланмаларда миллий мағкура, миллий истиқдол гояси ва миллий тарбия масалаларини етарлича акс эттириш;

миллий тарбияни бугунги кун талаблари даражасида амалга ошириш учун тарбиявий соатлар мажмуасини ишлаб чиқиш;

педагогик кадрларнинг маънавиятини юксалтириш борасида таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультетлари, ин-

ститутларида миллый тарбия муаммолари бўйича маҳсус курсларни ташкил этиш¹.

Маҳсус муассасаларда тарбияланётган болалар ва ўсмирлар шахсини ўрганиш натижасида уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Яъни:

1) ота-онаси ёки улардан бири вафот этганлиги, оила боқувчисидан ажралганлиги, баҳтсиз ҳодисалар рўй берганлиги учун етим бўлиб қолган боладар ва ўсмирлар;

2) ота-онаси бор бўлса-да, бироқ, уларнинг ота-оналил ҳуқуқидан маҳрум этилганликлари, носоғлом турмуш тарзини ўзлаштирганликлари, фарзандларининг ҳаёти ва тақдирига бефарқ муносабатда бўлишилари натижасида “қаровсиз” деб топилган болалар ва ўсмирлар.

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг шахсини тўла ўрганилгандан сўнг уларга кўрсатиладиган психологияк ёрдам тури ҳам аниқлаб олиниши лозим. Шундан сўнг бажарилиши лозим бўлган асосий вазифалардан бири – бу Мехрибонлик уйлари психологининг йиллик иш режасини ишлаб чиқиши саналади. Психологнинг йиллик иш режаси мустакил равишда тузилиб, ҳудудий ташхис Маркази билан келишилган ҳолда муассаса директори томонидан тасдиқланади. Мехрибонлик уйининг психологи йиллик иш режасини тузишда асосан қуийдаги йўналишларни асос қилиб олади:

1. Психологияк маърифат ва ташвиқот ишлари.
2. Психологияк профилактика.
3. Психологияк диагностика.
4. Психологияк коррекцион ривожлантириш ишлари.
5. Психологияк маслаҳат.
6. Касб-хунарга йўналтириш ва оиласвий ҳаётга тайёрлаш².

Е.М.Борисов томонидан қайд этилган қуийдаги типик ҳолатлар ҳам Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини касбга йўналтиришда психолог маслаҳатига таяниб иш кўриш заруриятини ифодалайди:

1. Аниқ бир касбгагина эмас, балки бирор фаолият турига яққол қизиқиш ва майилнинг йўқлиги.
2. Гуманитар ва техник соҳа бўйича касб танлаш доирасини чеклаш эҳтиёжининг юзага келиши.
3. Муайян касб танланган, бироқ, қобилияти, ўқуви ва билими етарли бўлмаганлиги сабабли етук мутахассис бўлиш ишончига эга эмаслик.

¹ Абдураимов П. Миллый тарбия тамойиллари // Касб-хунар тавзими. Тошкент, 2002. 4-сон. 16 бет; Абдуллахонов М.А. Формирование профессиональных качеств будущего учителя в процессе обучения педагогам: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. Ташкент, 1991. – 21 с.

² Ходжаева Ш. Мехрибонлик уйлари психологларининг вазифалари ва уларга кўйиладиган талаблар. Услубий тавсия // Мактаб ва ҳаёт. Тошкент, 2004. 2-сон, 5-7-бетлар; Ислом Каримов. Юқсан малакали мутахассислар – тараққиёт омили. Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 24 бет.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчиларни касбий фаолиятга йўналтиришга қаратилган амалий ишлар қуидаги икки йўналишда олиб борилади:

1. Ахборот-маърифий ишлар.
2. Ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш, ташҳис қилиш, тузатишлар киритиш ва кўмак бериш мақсадида маслаҳатлар ўюштириш¹.

Меҳрибонлик уйларида амалий психология қуидаги вазифаларни баражара олиши лозим:

- бошқа мутахассис (тарбиячи, педагог, дефектолог, раҳбар ва ҳоказолар) ларнинг билимларини, салоҳиятини, қобилиягини ҳурмат қилган ҳолда ҳамкорлиқда иш олиб бориш;
- замонавий психодиагностика услубларидан фойдаланиш қоидалари билан доимо танишишлари ва мунтазам малакаларини оширишга эътибор қаратиш;
- иш жараёнида эътиборлилик, ташкилотчилик, жавобгарлик ҳисси, аналитик ақд, эмоционал барқарорлик, образли эслаш қобилияти, яхши нутқ, мантиқий тафаккур, эрудиция (кенг маълумотга эга бўлиш), чидамилик каби касбий сифатларга эга бўлиш;
- касбдаги умумий ахлоқий меъёрлар, яъни шахсга ҳурмат билан қараш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тарбияланувчиларга нисбатан самимий бўлиш, психологик услубларни қўллашда ва сұҳбат жараёнида эҳтиёткор, фаолият жараёнида эса қатъиятли бўлиш ва мақсадга эришиш каби тамойилларга асосланиб иш кўриш².

Кузатишлар шуни кўрсатадики, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг аксариятида агрессивлик кайфияти кузатилади. Шу сабабли тажриба-синов ишларини олиб боришда амалиётчи-тарбиячиларга хуља авторида агрессивликнинг намоён бўлиши ҳақида маълумотлар бериб ўтилди. Улар қуидагилардан иборат:

1. Баъзан унинг ичига шайтон кириб олгандек туюлади.
2. Нимадандир норози бўлганда жим ўтириб олади.
3. Кимдир унга ёмонлик қиласан бўлса, албатта, у ҳам шу йўл билан ала-мини “олишига” ҳаракат қиласди.
4. Баъзан ҳеч бир сабабсиз ким биландир уришиб олгиси келади.
5. Мамнуният билан ўйинчоқларини бузиши, “ичак-чавоқлари”ни ковлаши ёки ниманидир синдириши мумкин.

¹ Орипова Г. Касб танлаш муаммолари // Касб-хунар таълими. Тошкент, 2004. З-сон. 12-13-бетлар; Абдукаримов Х. Профессиональное воспитание личности учителя в процессе непрерывного педагогического образования: Автореф. дис. ... докт. пед. наук. Тошкент, 1997. – 46 с.

² Ҳоджаева Ш. Меҳрибонлик уйлари психологарининг вазифалари ва уларга қўйиладиган талаълар. Услубий тавсия // Мактаб ва ҳаёт. Тошкент, 2004. 2-сон, 5-7-бетлар; Ислом Каримов. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 24 бет.

6. Баъзан ниманидир қаттиқ талаб қилиб туриб олганидан атрофдаги-ларнинг сабр-тоқати тугайди.
7. Ҳайвонларнинг “жиги”га тегишдан бош тортмайди.
8. Фикридан қайтариш жуда ҳам қийин.
9. Агарда кимдир унинг устидан мазах қилаётганидек туюлса, жуда қаттиқ жаҳди чиқади.
10. Баъзан унда атрофдагиларни ҳайрон қолдирадиган даражада қандайдир ёмоналик қилиш истаги пайдо бўлади.
11. Одатдаги талабларга жавобан ҳаммасини тескари қилишга ҳаракат қиласиди.
12. Баъзан ёшига мос келмаган даражада “вайсақи” бўлади.
13. Ўзини мустақил ва қатъий деб ҳисоблайди.
14. Ҳар нарсада биринчи бўлишни, буйруқ беришни, бошқаларни ўзига бўйсундиришни яхши кўради.
15. Омадсизликлар кучли асабийлашувини, айбдорларни топиш истагини уйготади.
16. Осонгина жанжаллашиб, муштлашиб кетиши мумкин.
17. Ўзидан кичиклар ва жисмонан кучсизроқ болалар билан муомала-га киришга интилади.
18. Кўпинча аразлаб қолиши ҳам мумкин.
19. Тенгдошлари билан ҳисоблашмайди, бўйсунмайди, ўз фикри билан бўлишмайди.
20. Исталган топшириқни ҳаммадан яхшироқ бажара олишига қаттиқ ишонади.

Болаларда кузатиладиган агрессивлик даражасини аниқлаш учун юқорида кўрсатилган ҳолатларнинг ҳар бири учун 1 баллдан қўйиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир тарбияланувчининг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари асосида йигилган умумий баллар асосида уларда кузатилади-ган агрессивлик ҳолати ҳамда унинг даражаси аниқланади. Йигилган бал-лар асосида агрессивликнинг қўйидаги даражаларини белгилаш мумкин:

1. Юқори даражадаги агрессивлик – 15-20 балл.
2. Ўртача даражадаги агрессивлик – 7-14 балл.
3. Паст даражадаги агрессивлик – 1-6 балл.

Кўрсатилган даражалар бўйича тарбияланувчиларда аниқланган агрессивлик ҳолати тарбиячилар, фан ўқитувчилари ҳамда Мехрибонлик уйларининг раҳбари томонидан уларни бартараф этиш чора-тадбирлари-ни кўришни тақозо этади.

Агрессив ҳулқли тарбияланувчиларга нисбатан тарбиявий чоралар-ни қўллашнинг энг самарали усули – бу тарбиячилар, фан ўқитувчилари

ҳамда таълим мұассасасынинг раҳбарлари үларнинг ички кечинмалари, үй-хаёллари, ҳәёттій интилишларини тұғри тушуна олишлари, үларга хайрихоҳ эканникларини сұзлари, ҳаракатлари билан ифодалай билишлари, самимий муносабатда бўлишлари, шахсни танқид, қилмаган ҳолда унда ушбу хислатни бартараф этишга ёрдам беришлари мақсадга мувофиқ саналади.

Хўш, шахсда кузатиладиган агрессивликни қандай бартараф этиш, унга бу борада қандай ёрдам кўрсатиш мумкин? Мазкур саволга ижобий жавоб топиш Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ҳам ана шу салбий хислатдан “озод бўлиши”ни таъминлаган бўларди.

Педагогик, психологик ва ёш физиологиясига оид билимларни ўрганиш шахсда кузатиладиган агрессивликни бартараф этишнинг қўйидаги усуслари самарали эканлигини тасдиқлайди:

1. Энг аввало, шахс хуљ-авторида агрессивлик ҳолатининг кузатилиш сабабларини аниқлаш.

2. Шахснинг ўзига мурожаат қилган ҳолда унинг агрессивликка хос бўлган хатти-ҳаракатларни содир этиши тұғри ёки нотұғри (яхши ёки ёмон) эканлиги ҳақидаги фикрини билиш (болалар, ўсмиirlар ва кўп ҳолларда ўспириналар ҳам ўзларини қандай тутишни бимасликлари учун ҳам шундай йўлни маъқул деб билишади).

3. Агрессивликка мойил тарбияланувчиларга панд-насиҳат қилиш эмас, балки үларни мuloқотга киришишга ундаш, бунга шароит яратиб бериш мумкин.

4. Тарбияланувчилар билан жаҳдустида ишлаш (жаҳди чиққанликнинг бир оз “юмшоқ” усусларини, ана шу вазиятта турли воситалардан фойдаланиш йўлларини ўргатиш. Бу ўринда ичида ўнгача санаш, ўринда сакраш, қўлни мушт қилиб туғиш, бирор буюмни қаттиқ сиқиши, чуқур нафас олган ҳолда уни ичида 10-15 сония тутиб туриш ва аста-секин чиқариш, вазиятдан келиб чиққан ҳолда бор овози билан бақиришга имкон бериш лозим).

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларида хавотирга берилиш (ўз келажагидан хавотирга тушиш), безовталиқ, одамовилик, ўз кучига ишончсизлик, ўзини кераксиз ҳисоблаш, ўз шахсини камситиш, умидсизлик каби салбий психологияк хусусиятлар кўзга ташланади. Тажрибасинов ишларини ташкил этишда бунга янада тўла ишонч ҳосил қилинди. Шу сабабли тарбияланувчилар шахсида намоён бўлувчи салбий психологик ҳолатларни бартараф этиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Бу йўлда амалий ҳаракатлар ташкил этилди. Куйида синов ишлари жараёнида тарбияланувчиларни руҳий безовталиқдан халос қилишга ёрдам берувчи бир қанча амалий тренинглардан фойдаланилди. Тренинглар

учун Л.И.Агеева, М.И.Чистякова («Психогимнастика») ҳамда К.Фопел («Болаларни қандай қилиб ҳамкорликка ўргатиш мумкин») томонидан асосланган машқлардан ижодий фойдаланилди. Қуйида уларнинг мазмумни ва қўлланиш шартлари синов ишлари жараёнида қўлланилгани каби технологик лойиҳалар асосида баён этилади.

Тренинг номи: Ҳаво шари (Л.И.Агеева гояси).

Тренингни ташкил этишдан кўзланган мақсад: тарбияланувчиларда руҳий зўриқишини енгиз орқали хотиржамликни ҳосил қилиш.

Тренинг иштирокчилари: бошловчи (1 нафар) гуруҳ аъзолари (15-25 нафар).

Тренинг ташкил этиладиган жой: гуруҳ хонаси, синф хонаси ёки очиқ майдон.

Тренинг вақти: 5-7 дақиқа.

Тренинг жараёни:

1. Тарбияланувчилар турган ёки ўтирган ҳолда доира ҳосил қиласидилар.
2. Олиб борувчи тарбияланувчиларга қуидаги йўриқномани тақдим этади:

“Тасаввур қилинг, биз ҳозир шарчаларни шиширамиз. Чуқур нафас олган ҳолда лабларингизни шиширинг. Сўнгра тасаввурингиздаги шарчани лабларингизга олиб келиб, аста-секин бир оз очиқ лабларингиз ёрдамида уни шиширинг. Кўзларингизни шарчага қаратинг. Унинг аста-секин катталашиб, ёзувлари ҳам йириклишиб бораётганлигини кўрасиз. Тасаввур қилдингизми? Мен ҳам сизларнинг шарчаларингизни тасаввур қилдим. Шарчаларни шишириша давом этинг. Эҳтиёт бўлинг, улар ёрилиб кетмасин. Энди ҳар бирингиз шарчангизни ўртоқларингизга кўрсатинг” (машқни 3 марта такрорлаш лозим).

Кутилган натижа: тарбияланувчиларда юзага келган руҳий зўриқишининг бартараф этилиши ва хотиржамликнинг қарор топиши.

Тренинг номи: Ҳаво тўлдиргич ва копток (М.И.Чистякова гояси).

Тренингни ташкил этишдан кўзланган мақсад: тарбияланувчилар таналарининг катта қисмидаги мускулларни бўшаштириш.

Тренинг иштирокчилари: бошловчи (1 нафар), гуруҳ аъзолари (15-25 нафар), уч кишидан иборат кичик гуруҳлар.

Тренинг ташкил этиладиган жой: ўқув ёки гуруҳ хонаси, очиқ майдон.

Тренинг вақти: 5-10 дақиқа.

Тренинг жараёни:

1. Тарбияланувчилар бир-бирлари билан ўзаро (уч кишидан иборат) жуфтлик ҳосил қиласидилар.

2. Жуфтликлардан бири “бода”, иккинчиси “копток”, учинчиси эса “ҳаво тұлдиргич” (“насос”) бұладилар.

3. “Копток” ролидаги тарбияланувчи танаси шалвираган, оёқлари ғалып тұшылған (ёки букилған), құллари ва боши осилған ҳолда туради.

4. “Бода” “копток”ка “ҳаво тұлдиргич” нинг “шланги” ни үлайди.

5. “Бода” “ҳаво тұлдиргич” ролидаги тарбияланувчининг құлларидан улаган ҳолда “копток”ни шишира бошлайды, құлларнинг ҳар бир қарапатида “с” деган товуш чиқады.

6. “Ҳаво тұлдиргич” нинг ҳар бир қарапатида “копток”ка ҳаво юборилады.

7. “Копток” ролидаги тарбияланувчи:

1) бириңчи “с” товушини әшитгач, оёқларини тұғрилайды;

2) иккінчи “с” товушини әшитгач, танасини ростлайды;

3) учинчи “с” товушини әшитгач, бошини күтәрады;

4) тұрттынчи “с” товушини әшитгач, юzlары тұлишаады;

5) бешинчи “с” товушини әшитгач, құллари текисланады.

8. “Копток” ҳавога тұлғач, “ҳаво тұлдиргич” қарапатни тұхтатади.

9. Шериги “копток”ка бириктирилған шлангни тортиб, узади.

10. “Копток”дан күч билан “ш” деган товуш чиқа бошлайды.

11. “Копток” шалпайиб, асл қолатига қайтади.

12. Тренинг иштирокчилари үз ролларини алмашадилар. Тренинг бир неча марта тақрорланғач, бола “копток”дан шлангни тортиб олиб, үрнига тиқин (пробка) үрнатади (машқни 3-4 марта тақрорлаш лозим).

Күтилған натижеке: тарбияланувчиларнинг бүйин, құл, оёқ ҳамда қорин қисми мускуллари бұшашилғанда; бошлары енгиллашаады.

Тренинг номи: Шаршара (К.Фопел гояси).

Тренингни ташкил этиштеден күзланған мақсад: тарбияланувчиларни рұхан бұшашиларига әришиш.

Тренинг иштирокчилари: 1 нафар бошловчи, гурұх айзолары.

Тренинг ташкил этиладиган жой: очиқ майдон ёки үқыв хонаси.

Тренинг вақты: 10-15 дақықа.

Тренингни бажариш шарты: тарбияланувчилар бошловчи томонидан баён этилаётган қарапатларни күзләрін өпиқ ҳолда бажарадилар. Фақаттегіна унинг бүйруги билан күзларини очишлары лозим.

Тренинг жараёни:

1. Тарбияланувчилар құлай үтириб оладилар.

2. Күзларни юмған ҳолда 2-3 марта чуқур нафас олиб, чиқарадилар.

3. Тарбияланувчилар бошловчи томонидан баён этилған қуйидаги амалий машқни бажарадилар:

“Тасаввур қилинг сиз шаршара олдида турибсиз. У оддий шаршара эмас, чунки ундан сув эмас, нур оқмоқда. Аста-секин ана шу шаршара остига ўтинг. Тасаввур қилинг шаршара даң оқаётган оппоқ нур бошингиз устидан құйилмоқда. Сиз пешонанғиз жимирлаёттанлигини ҳис қылдингиз. Сүнгра оғзингиз устидан ўтаётганда оғзингизнинг жимирлаёттанлигини, бүйингизга нур оқиб тушаётганда эса тананғизнинг бұшашаёттанлигини ҳис қылдингиз.

Оппоқ нур елкаларингиздан оқиб, уларнинг бұшашишига ёрдам бермоқда. Сиз мускуллар зўриқишининг пасайтганлигини ҳис қылдингиз. Мускуларингиз буткұл бұшашибди.

Нур әнди сизнинг кўкрагингиз, қорнингиз устидан оқиб тушмоқда. Сиз уларнинг қандай бұшашаёттанлигини ҳис қиляпсиз. Ҳеч бир қийинчилексиз чукур нафар олиб, нафас чиқарасиз. Бу сизга бұшашингизга, ёқимли ҳисларни туйишингизга ёрдам беради.

Әнди нур сизнинг қўлларингиз, кафт ва бармоқларингиз устидан оқиб тушмоқда. Қўлларингиз ва кафтларингиз борган сари юмшаб, бұшашиб бораёттанлигини ҳис қиляпсиз.

Нур оёқдарингиздан ўтиб, товоналарингизга оқиб тушмоқда. Энди сиз уларнинг ҳам бұшашаёттанлигини ҳис қиляпсиз.

Оппоқ нурдан иборат шаршара бутун тананғиз узра оқиб тушмоқда. Сиз ўзингизни хотиржам ҳис қила бошладингиз. Ҳар бир нафас олиб чиқарганингизда тобора бұшашиб боряпсиз.

Сизга шундай роҳат бағищлагани учун шаршарага миннатдорчилик билдиринг. Бунинг учун ўнг қўлингизни чап кўкрагингизга қўйиб, бир оз әгилинг.

Сүнгра тананғизни ростланг ва кўзларингизни очинг”.

Кутилган натижа: тарбияланувчиларда руҳий зўриқиши бартараф этилиб, хотиржамаллик қарор топтирилади.

I. Психологик маърифат ва ташвиқот ишлари.

II. Психологик профилактика.

III. Психологик диагностика.

IV. Психологик коррекцион ривожлантириш ишлари.

V. Психологик маслаҳат.

VI. Касб-хунарга йўналтириш ва оиласвий ҳаётга тайёрлаш.

Тадқиқотни олиб бориш жараённанда тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашга доир туркум маънавий-маърифий ишлар амалга оширилди. Мазкур “маънавий-маърифий (тарбиявий) тадбирлар қуидаги хусусиятларни намоён этди:

1. Таълим олувчиларнинг кундалик ҳаётининг таркибий қисми сифатида намоён бўлади.

2. Таълим-тарбия жараёнида таълим олувчиларнинг билим, кўнишка ва малакаларини шакллантириш, уларни қўшимча маълумотлар билан бойитиш, маънавий меросга қизиқишини орттириш мақсадида ташкил этилиши.

3. Тарбиявий тадбирлар жараёнида олинадиган билимларнинг такорламаслиги, аксинча, уларнинг таълим олувчилар қизиқиши, майли, интилиши, маънавий эҳтиёж асосида янги мазмун, шакл ва усулларда ўюштирилиши.

4. Мазмунига даврнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаёти билан боғлиқ маълумотларнинг сингдирилиши, давр учун характерли бўлган таъсирчан восита ва усуалларга мурожаат қилиниши.

5. Маънавий-маърифий ва тарбиявий тадбирларни ўқитувчи раҳбарлигига таълим олувчиларнинг ўзлари мустақалик ўюштиришлари, уларда ижодкорлик қобилиятининг ривожлантирилиши¹.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларида соглом турмуш тарзи кўнишкаларини шакллантиришга йўналтирилган тадбирлар ҳам моҳиятига кўра бир неча гуруҳларга бўлинини мумкин. Жумладан:

1) Мехрибонлик уйи доирасида амалга оширилувчи (маъруза, амалий семинар, конференция, учрашув, суҳбат, давра суҳбати, кечак, ҳафталик ва бошқа шакллардаги) тадбирлар;

2) Мехрибонлик уйларида ташкил этилувчи (кўрик-танлов, мусобақа (спорт ўйинлари ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича), амалий семинар, конференция ва ҳоказо шакллардаги) тадбирлар;

3) республика Мехрибонлик уйлари миқёсида амалга оширилувчи (форум, манифест, фестивал, акция (“Тўрт марта йўқ!” акцияси каби) ва бошқа шакллардаги) тадбирлар;

4) ҳалқаро миқёсда амалга оширилувчи (экспедиция, саммит ва ҳоказо шакллардаги) тадбирлар².

Тарбиявий тадбирлар учун материал танлашда қўйидаги тамойилларга амал қилинади:

¹ Ҳимматалиев Д. Тарбиявий тадбирлар асосида талаба-ёшлиарнинг касбий маданиятини шакллантириш // Касб-хунар таълими. Тошкент, 2002. 5-6-сонлар. 8-бет; Ислом Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 686 бет.

² Аликулов К.Бўлажак ўқитувчиларни ўқувчиларда соглом турмуш тарзи кўнишкаларини шакллантиришга тайёрлашнинг педагогик асослари (жисмоний маданият институтлари ва жисмоний тарбия факультетлари мисолида): Пед.фан.ном. ... дисс. Тошкент, 2007. 145 бет; Абдураимов П. Милий тарбия тамойиллари // Касб-хунар таълими. Тошкент, 2002. 4-сон. 16 бет.

1. Таълим олувчиларнинг фаолияти ва руҳий ҳолатларига мослиги.
2. Таълим олувчиларнинг шахсий имкониятлари ва таълим муассасаси йўналишига мослиги.
3. Таълим олувчиларнинг ақдий заковати, ҳиссиёти, иродаси, маънавий дунёси ва амалий фаолиятига таъсири.
4. Маънавий маданиятнинг барча қирраларини ўзида мужассам этиши.
5. Таълим олувчиларнинг малака ва кўнижмаларини шакллантириш имкониятлари.
6. Мақбуллиги, ишончлилиги, тарихий изчилилиги.
7. Миллий қадриятларни тушунтиришдаги ўрни.
8. Дарсда ўрганилган мавзуларни мустаҳкамлаш, тўлдириш, чуқурлаштиришга хизмат қилиши¹.

Тарбияланувчиларда ижобий маънавий-ахлоқий хислатларни тарбиялашда уларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Шу боис, тадқиқотни олиб бориш жараёнида тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятларига таянган ҳолда тарбияланадиган ижобий хислатлар таркиби аниқланди. Жумладан:

1. Мактабгача таълим ёши тарбияланувчиларида: ростгўйлик, меҳнатсеварлик, шириңсўзлик, сабрилийк, меҳрибонлик, катталарни ҳурмат қилиш, одобилийк, тартиблийк.
2. Бошлигич таълим ёши тарбияланувчиларида: ахлоқдиллик, билимдиллик, меҳнатсеварлик, хушмуомалалик, сабрилийк, камтарлик, меҳрибонлик, жамоавийлик, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларни иззат қилиш, одобилийк, интизомдиллик, тартиблийк, интилувчанлик, босиқдик, ўзини тутиш.

3. Ўсмирилик ёши тарбияланувчиларида: ахлоқдиллик, ҳалоллик, ростгўйлик, билимдиллик, меҳнатсеварлик, хушмуомалалик, сабриқаноатдиллик, садоқатдиллик, камтарлик, адолатпарварлик, меҳрибонлик, бурчга содиқдик, ватанпарварлик, ваъдага вафо қилиш, раҳмашафқатдиллик, меҳмондўстлик, жамоавийлик, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларни иззат қилиш, ақлдиллик, ҳаё, фурур, андиша, интизомдиллик, тартиблийк, масъулиятидиллик, интилувчанлик, қатъиятидиллик, иродали бўлиш, кўнгилчанлик, журъатдиллик, ботирлик, босиқдик, ҳиссиётга берилмасдиллик, ўзини тутиш, ўзини баҳолаш, ўзини тарбиялаш.

4. Ўспиринилик ёши тарбияланувчиларида: ахлоқдиллик, ҳалоллик, эътиқоддиллик, нафсга берилмасдиллик, ростгўйлик, билимдиллик,

¹ Ҳимматалиев Д. Тарбиявий тадбирлар асосида талаба-ёшларнинг касбий маданиятини шакллантириш // Касб-хунар таълими. Тошкент, 2002. 5-б-сонлар. 8-бет; Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни мухофаза қилиш Миллий ҳаракат режаси. Тошкент: Адолат, 1998. 81 бет.

мехнатсеварлик, хушмуомалалик, сабр-қаноатлилик, вафодорлик, садоқатлилик, инсонпарварлик, олижанобилик, муруватлилик, камтарлик, адолатпарварлик, меҳрибонлик, бурчга содиқлик, ватанпарварлик, ваъдага вафо қилиш, бағрикенглик, оиласарварлик, раҳм-шафқатлилик, меҳмондўстлик, атрофдагиларга гамхўрлик қилиш, жамоавийлик, каттальарни ҳурмат қилиш, кичикларни иззат қилиш, зуқколик, ҳаё, гурур, андишалик, ахлоқий поклик, интизомалик, тартибалик, масъулиятилик, иродали бўлиш, интилувчаник, қатъиятилик, кўнгилчанлик, журъатлилик, мардлик, ботирлик, кенг феълик, босиқлик, ҳиссиётга берилмаслик, ўзини тутиш, ўзини баҳолаш, ўзини таҳдил қилиш, ўзини назорат қилиш, ўзини бошқариш, ўзини тарбиялаш.

Юқорида келтирилган ижобий хислат ва салбий иллатларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида маънавий-ахлоқий хислатларни тарбиялашда уларга нафақат ўзга шахслар, шу билан бирга кишилар жамоаси (жамият) учун фойдали бўлган хатти-ҳаракатларни содир этиш, аксинча, зарап етказувчи ишни қилмаслик, фаолиятни ташкил этмаслик зарурлигини тушунтириш мақсадга мувофиқдир. Жамият томонидан мудайян ахлоқий меъёр, мезонлар тан олинар экан, унинг негизида шахс, жамоа манфаатларини ҳимоя қилиш, шаъни, қадр-қимматини ерга урмаслик, обрўсини тўқмаслик, ҳақ-ҳукуқларини поймол қилмаслик талаби ётади. Шу боис, тарбияланувчиларнинг маънавий-ахлоқий онгининг таркиб топиши, ривожланиб бориши натижасида улар жамиятда устувор бўлган ахлоқ мезонларидан хабардор бўлиб борадилар, ҳар бир хатти-ҳаракатида уларга амал қилишни ўрганадилар. Тарбияланувчилар томонидан ижтимоий ахлоқий мезон, меъёрларнинг ўзлаштирилиши мураккаб жараён бўлиб, у:

- 1) ахлоқий мезонлар асосида шаклланган тартиб-қоидалардан хабардор бўлиш;
- 2) уларнинг моҳиятини англаш;
- 3) маънавий-ахлоқий қоидаларга риоя қилиш;
- 4) ўз хатти-ҳаракатларини ижтимоий ахлоқий тартиб-қоидалар асосида таҳдил қилиш;
- 5) маънавий-ахлоқий қоидаларга риоя этишда йўл қўйилган хатоларни англаш ва уларни тузатиш тарзида амалга ошади.

Маънавий-маърифий ишлар жараёнида тарбияланувчилар иштироқида “Ўзбек ҳалқ мақолларида ижтимоий муносабатлар мазмунининг акс этиши” мавзусида кичик тадқиқот амалга оширилди. Бунда тарбияланувчиларнинг эътиборларига қўйидаги қўшничилик, биродарлик ва

ҳамжихатликни ифодаловчи қуйидаги ўзбек халқ мақоллари ҳавола этилиб, уларнинг маъноларини шарҳлаш вазифаси юклатилди:

Кўшничиликнинг шартлари, маҳалладаги тинчлик-тотувлик, ободончилик ва ободликни таъминлашдаги роли халқ оғзаки ижодида ҳам алоҳида тилга олинган. Хусусан:

Авалиё ҳам қўшнини қўллар.
Бўри ҳамсоясига ола қарамас.
Гилам сотсанг, қўшнингта сот,
Бир четида ўзинг ўтирасан.
Қўшнинг яхши бўлса – берди Худо,
Қўшнинг ёмон бўлса – урди Худо.
Қўшнинг ёмон бўлса – ёмонлик келар,
Қўшнинг яхши бўлса – омонлик.
Қўшнинг ёмони – жонингнинг эгови.
Қўшнинг ёмон бўлса – қонун ўрганарсан,
Экканинг ёмон бўлса, нимани ўрасан.
Овулга айтсанг ошар,
Қўшнингга айтсанг қўшар.
Овудошимнинг оти ўзгунча,
Ҳамсоямнинг тойи ўзсин.
Яхши ҳамсоя гулдир,
Ёмон ҳамсоя чўлдир.
Яхши ҳамсоя орасидан
Қисир эчкининг қили ўтмас.
Қўшни қўшнидан эрта туришни ўрганар.
Қўшнингга қасд этма, баст эт.
Қўшнингда пишар,
Бизга ҳам тушар.
Қўшнинг кўр бўлса, кўзингни қис.
Қўшнинг яхши бўлса,
Кўр қизинг ҳам эрга кетар.
Қўшнингга ёмонлик согинма.
Қўшнингга ялинма, киноя сўз дор етар,
Курбинг етса кўмаклаш, эшигингни боғ етар.
Қўшниси яхши қаримас¹.

¹ O'zbek xalq maqollari / Tuzuvchilar: T.Mirzayev, A.Musoqulov, B.Sarimsoqov. Mas'ul muharrir: Sh.Turdimov. Toshkent: Sharq, 2005. 512 bet.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашда рўзгор учун зарур, муҳим буюмларни харид қилиш, улардан фойдаланиш кўнникма ва малакаларини шакллантириш ҳам муҳим саналади. Тажриба-синов ишларини ташкил этиш чоғида ушбу йўналишда алоҳида ижтимоий-педагогик фаолият йўлга қўйилди. Мазкур фаолият негизида тарбияланувчиларга: 1) уй (меҳмонхона ва ётоқхона) жиҳозлари; 2) ошхона буюмлари; 3) электротехника жиҳозлари; 4) қурилиш, таъмирлаш ҳамда дәҳқончиликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар билан таништирилдилар.

Дастлабки тажриба натижаларининг кўрсатишича, тарбияланувчиларнинг аксарияти уй (меҳмонхона, ётоқхона) жиҳозлари ҳамда ошхона буюмларидан деярли; айрим электротехника жиҳозларидан қисман хабардорликлари аниқланган бўлса, уларнинг қурилиш, таъмирлаш ва дәҳқончиликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар, уларнинг нима мақсадда қўлланилиши ва улардан тўғри фойдаланиш тўғрисидаги назарий билимлари етарли эмаслиги аниқланди. Шу билан бирга тарбияланувчиларнинг уй (меҳмонхона, ётоқхона) жиҳозлари, ошхона буюмлари, электротехника жиҳозлари ҳамда қурилиш, таъмирлаш ва дәҳқончиликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар, улардан қандай мақсадларга хизмат қилишини билганиклари ҳолда фойдаланиш шартларини деярли ўзлаштиргмаганликлари маълум бўлди.

Тарбиявий ишларнинг асосий йўналиши тарбияланувчиларни оиласви ҳаётга тайёрлашдан иборат бўлишига катта эътибор бериш талаб қилинади.

Замонавий тиббий ва психологияк адабиётларда ёпиқ типдаги таълим муассасалари (Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаблар) да тарбиячилар билан тарбияланувчилар ўтасидаги муносабатларда оиласви муносабатлар имкон қадар акс этмаслиги зарур эканлиги таъкидланмоқда. Оиласви гамхўрикдан маҳрум бўлган болалар билан ишлашнинг замонавий ижтимоий технологияси нуқтаи назардан “Болалар уйлари”нинг ижтимоий педагоглари фаолияти тарбияланувчиларда улар билан алоқада бўлиб турган (вақти-вақти билан ёзишмалар юбораётган, камдан-кам ҳолатларда учрашувларга келаётган) шахслар – яқин кишилари (ҳатто, ота-оналари бу ҳуқуқдан маҳрум этилган, махсус муассасаларда жазо муддатини ўтаётган, тиббиёт муассасаларида даволанаётган бўлсалар ҳам) ва қариндошларига нисбатан муносабатни оптималлаштириш мақсадга мувофиқдир. Зеро, бундай мактаблар ва айниқса, учрашувлар болаларда руҳий безовталикни келтириб чиқаради, улар кўнглини жароҳатлади. Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, гарчи, шундай бўлса-да, тарби-

яланувчилар доимо ота-оналари ва қариндошлари билан муносабатда бўлишга интиладилар.

Мехрибонлик уйларида амалий педагогика ва психологиянинг устувор тамойиллари ўзига хос долзарблик касб этади. Бу биринчи навбатда, тарбияланувчиларни улар учун қизиқарли бўлган доимий фаолият – бошлангич касбий, техник, бадиий, мусиқий, спорт ҳамда ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш лозимлиги билан тавсифланади.

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг фаолиятини кузатиш, ижтимоий мақоми, руҳий хусусиятларини ўрганиш, шунингдек, кундалик фаолиятларини кузатиш натижасида қўйидаги шакл, метод ва воситалар улар ўртасида оила ва оиласавий ҳаёт тўғрисидаги назарий ҳамда амалий билимларни самарали таргиф этишга ёрдам бера олиши аниқданди:

1. Педагогик фаолият шакллари:

- суҳбат;
- учрашув;
- савол-жавоб;
- мини маъруза;
- беллашув;
- баҳс-мунозара;
- дебат;
- тренинг.

2. Педагогик фаолият методлари:

- оғзаки баён қилиш, тушунтириш;
- намуна кўрсатиш;
- кўрсатмали намойиш этиш;
- амалий машгулотлар.

3. Педагогик фаолият воситалари:

- нутқ;
- намуна;
- ўзаро мулоқот;
- оила ва оиласавий ҳаёт тўғрисидаги маълумотлар;
- маҳсус ва бадиий адабиётлар, ўқув манбалари;
- оммавий ахборот воситалари хизмати;
- техник воситалар.

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашда уларга соғлом турмуш тарзи ва унинг муайян қоидаларига амал қилиш кўнкимларини шакллантириш ҳам ўзига хос долзарб хусусият касб этади. Ана шу мақсадга қаратилган педагогик фаолиятни таш-

кил этишга мақсади ёндашиш лозим”¹. Бу борада тарбияланувчиларда қўйидаги қўнилмаларни ҳосил қилиш эътиборга олинди:

соғлом турмуш маданияти асослари тўғрисидаги маълумотларни излаш ва топиш (ўқитувчи-мураббийлар томонидан тақдим қилинган материалларни ўзлаштириш, лугатлар ва китоблардан тегишли маълумотларни олиш, имкон доирасида барча воситалардан ахборот олиш);

- педагоглар кузатувида соғлом турмуш маданиятига тегишли ҳар қандай воқеалик ва жараёнларни кузатиш, қайд этиш, ўқиш, ёзиб олиш ва ўзлаштириш;

- соғлом турмуш маданияти асослари ҳакида маълумотларни бевосита қабул қилиш, танлаш, таҳдил қилиш ва баҳолаш, уларни саралай олиш;

- ўз фаолиятини ўзи кузатиб боришга ўрганиш, таълим меъёрлари ва талабларини ўз вактида бажаришга қўниши;

- соғлом турмуш маданияти асосларини ўзида мужассам этган барча фанлардаги (биология, физиология, педагогика, психология каби) маълумотларни уйғун ўзлаштириш;

- шахсий гигиена воситаларидан фойдаланишни ўрганиш;

- соғлом турмуш маданияти муаммоларини муҳокама қилишда фаол иштирок этиш.

Шундай қилиб, тадқиқот жараёнида маънавий-маърифий ишлар тизимини ишлаб чиқиши тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлаш имконини берди. Маънавий-маърифий тадбирлар сирасида тренинглар, баҳс-мунозаралар, кичик тадқиқотлар, шунингдек, беллашувларнинг ўрин олганлиги тарбияланувчиларнинг ижтимоий ҳаётга тайёрликни ифодалайдиган амалий қўнишка ва малакаларга эга бўлишларини таъминлади.

¹Матчонов И. Ўсмираарда соғлом турмуш маданиятини шакллантиришининг дидактик хусусиятлари // Узлуксиз таълим. Тошкент, 2008. 76-80-бетлар; Ибрегимова Г.Х. Ўзбек халқ миллий анъаналари воситасида муҳандис ўқитувчиларни касбий педагогик тайёрлаши: Пед.фан.ном. ... дисс. Тошкент, 1996. 146 бет; Ибрегимов Х.И., Йўлдошев У.А., Бобомирзаев Х. Педагогик психология. Тошкент: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2007. 407 бет.

УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Назарий ўрганиш замонавий шароитда Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлаш үларни комил инсон сифатида шакллантиришнинг муҳим асоси эканлигини тасдиқлади. Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини турли салбий ижтимоий таъсирлардан ҳимоялаш, үларда яшовчанлик ва курашувчанлик қўникмаларини шакллантириш мақсадида ягона тизимни яратиш ўзига хос долзарблик касб этади.

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашда биологик ва ижтимоий омилларнинг таъсирларини инобатта олиш лозимлиги муассасалар фаолиятини кузатиш асосида тўла тасдиқланди.

Ўзбек халқи менталитетига хос бўлган хислат – бағрикенглик етимларга ёрдам кўрсатиш, үларни моддий, маънавий ва руҳий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, үларни мутлақо бегона оиласалар томонидан фарзандликка олишда ҳам яққол намоён бўлиши Ўзбекистонда Мехрибонлик уйларининг ташкил этилиш тарихини ўрганишда яққол намоён бўлади.

XX асрнинг дастлабки ўн йилларида асос солинган Мехрибонлик уйларининг фаолияти ўтган вақт мобайнинда такомиллашиб борди. Бироқ, шунга қарамай тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда юқори самарадорлик таъминланмади. Мустақилик шароитидагина Ўзбекистон Республикасида Мехрибонлик уйлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлаш йўлида кенг қўламли амалий ҳаракатларнинг йўлга қўйилаётганлигини расмий маълумотлар тўла тасдиқлайди.

Россия, Германия, АҚШ ҳамда Украина Республикаси каби давлатларнинг тажрибасини ўрганиш үларда аҳоли, шу жумладан, отана қаровисиз қолган ва “ижтимоий етим” мақомига эга шахсларга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамнинг мукаммал тизими ишлаб чиқилганлигини тасдиқлади. Тизимнинг муҳим хусусиятларидан бири – бу замонавий шароитда ижтимоий етимларнинг моддий, маънавий ва руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганлиги саналади. Мазкур мамла-

катларда айни вақтда ижтимоий тез ёрдам Марказларининг ташкил этилаётганлиги етимлар ва ижтимоий етимлар сонини сезиларли равища камайтирибгина қолмай, шу билан бирга уларни ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлашнинг янги истиқболи яратилаётганлигининг исботидир.

Мехрибонлик уйлари фаолияти билан яқиндан танишиш тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлаш борасидаги янги анъаналарнинг қарор топаётганлигидан далолат беради. Шунингдек, тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда объектив ва субъектив омилларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдиги аниқданиб, мазкур жараёнга таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларнинг таъсири белгиланди.

Тадқиқотни илмий-педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этиш Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш йўналишларини аниқ белгилаб олиш лозимлигини кўрсатди.

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашга қаратилган педагогик фаолият йўналишларини аниқ белгилаб олиш амалиёт учун тавсия этилаётган методика гояларини тўғри шакллантириш имкониятини яратди.

Тарихий-назарий таҳдил натижасида Узбекистон шароитида Мехрибонлик уйлари фаолиятини такомиллаштириш, унда ўқув ва маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш масалалари тадқиқ этилганлиги маълум бўлди. Бироқ, тарбияланувчиларни ақлий, маънавий-ахлоқий, жисмоний ҳамда руҳий камолотга етказишида айрим жиҳатларнинг инобатга олинмаганлиги уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда кутилган натижаларга эришилмаганликни кўрсатди.

Мехрибонлик уйларида келгусида ижтимоий-педагогик тарбияни ташкил этишда қўйидагиларни инобатга олиниши мақсадга мувофиқдир:

- Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг истиқболи йўналишларини белгилаш, шакл ва методларини излаб топиш;

- таълим муассасаларида тарбияланувчиларга ижтимоий ҳамда иқтисодий муносабатларни тўғри ташкил этишга доир туркум қўшимча машгулотларнинг ташкил этилишини йўлага қўйиш;

- тарбияланувчиларни руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида амалий психологик ёрдам кўрсатиш борасидаги хорижий мамлакатларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ҳамда миллый ва маҳаллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда республика Мехрибонлик уйлари амалиётига кенг татбиқ этиш;

- Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашда юқори самарадорликка эришиш мақсадида уларнинг фаолиятига

ахлоқшунос, иқтисодчи, психолог, физиолог ҳамда педагог олимлар, шунингдек, тиббиёт ходимлари, диний ҳамда солиқ идораларининг вакилларини жаб қилиш;

- тарбияланувчиларни оила мұхитига яқынлаштириш мақсадида республика “Маҳалла” жамғармаси, “Оила” ілмий-амалий Маркази ҳамда маҳалла фуқаролар йигинларининг құмғыда Мехрибонлик уйларида “Оила куни”ни ташкил этиш, шунингдек, келишувлар асосида таътил кунларида тарбияланувчиларни оиласарда бўлишларини йўлга қўйиш;

- Мехрибонлик уйлари билан олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш асосида тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш бўйича методик ёрдамларни уюштириш;

- муассасалар фаолияти кенг жамоатчилик эътиборини тортиш мақсадида маҳаллалар, барча босқичда фаолият юритаётган узлуксиз таълим муассасалари, ишлаб чиқариш муассасалари, корхоналар, ташкилотлар, фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида “Муруват” хайрия тадбирининг изчилигидаги оширилишига эришиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ислом Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1994. 380 бет.
2. Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 56 бет.
3. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. 176 бет.
4. Ислом Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 686 бет.
5. Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Миллий ҳаракат режаси. Тошкент: Адолат, 1998. 81 бет.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”/Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни. 1997. 31-61-бетлар.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (1997 йил 29 августда қабул қилинган /Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 214 бет.
8. “Баркамол авлод йили” давлат дастури. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 79 бет.
9. Абдураимов П. Миллий тарбия тамойиллари // Касб-хунар таълими. Тошкент: 2002. 4-сон. 16 бет.
10. Абдулла Авлоний. Адабиёт ёхуд миллий шеърлар // Танланган асарлар. 2 томлик. 2-том. Тошкент: Маънавият, 2006. 34-92-бетлар.
11. Абдулла Авлоний. Мактаб гулистони // Танланган асарлар. 2 томлик. 2-том. Тошкент: Маънавият, 2006. 34-92-бетлар.
12. Ажододлар ўғити / Тўпловчи ва изоҳлар муаллифи Б.Аҳмедов. Тошкент: Чўлпон, 1991. 238 бет.
13. Алиқулов К. Бўлажак ўқитувчиларни ўқувчиларда соглом турмуш тарзи кўнникмаларини шакллантиришига тайёрлашнинг педагогик асослар

ри (жисмоний маданият институтлари ва жисмоний тарбия факультетлари мисолида): Пед.фан.номз. ... дисс. Тошкент, 2007. 145 бет.

14. Ахматов М. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларининг янги ташкилий асослари // Халқ таълими. Тошкент, 2004. 1-сон. 4-11-бетлар.

15. Аҳмедова С. Ўксик диллар фарёди / Қисса. Тошкент: Yurist-mediya markazi, 2007. 143 бет.

16. Берданова П.У Қорақалпоқ оиласарида болаларнинг экологик маданиятини шакллантиришининг педагогик асослари (ўсмирлар мисолида): Пед.фан.номз. ... дисс. Тошкент: 2005. 154 бет.

17. Беруний, Абу Райхон. Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар // Танланган асарлар. 1-том. Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1968. 140-158-бетлар.

18. Болалар руҳиятига психологик-педагогик ёндашиш йўллари (болалардаги психологик муаммолар ва уларни бартараф этишда мутахассис маслаҳати). Услубий қўлланма. Тошкент: Республика Болалар ижтимоий мослашуви маркази, 2008. 152 бет.

19. Бухорий, Имом Исмоил. Ал-адаб ал-муфрад. Тошкент: Ўзбекистон, 1990.

20. Исимова А.Е. Дарсдан ташқари таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларда соглом турмуш тарзини шакллантиришининг педагогик асослари (V-IX синфлар мисолида): Пед. фан. номз. ... дисс. Тошкент, 2005. 176 бет.

21. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. Тошкент: Ўқитувчи, 2004. 101 бет.

22. Кайковус. Қобуснома / Форсчадан Муҳаммад Ризо Оғаҳий таржимаси. Тошкент: O'qituvchi, 2006. 205 бет.

23. Матчонов И. Ўсмирларда соглом турмуш маданиятини шакллантиришининг дидактик хусусиятлари // Узлуксиз таълим. Тошкент: 2008. 76-80-бетлар.

24. Маҳмудова Д.Й. Махсус таълим муассасалари тарбияланувчиларига малакали психологик хизмат кўрсатишнинг педагогик шартшароитлари: Пед. фан. номз. ... дисс. Тошкент: 2007. 94-96-бетлар.

25. Маҳмудова Д.Й. Махсус таълим муассасалари тарбияланувчиларига психологик хизмат кўрсатишнинг амалий жиҳатлари (Методик тавсиянома). Тошкент: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ, 2007. 9-21-бетлар.

26. Мехрибонлик уйларида педагогик ва психологик кузатиш ишини ташкиллаштириш. Тошкент: Республика Болалар ижтимоий мослашуви маркази, 2008. 50 бет.

27. Мирзо, Баҳром. Қўқон салтанати. Тошкент: Шарқ машъали, 1992. 24-25-бетлар.
28. Мудрик А.В. Социальная педагогика. М.: Владос, 1999. – 219 с.
29. Мустақиллик: изоҳди илмий-оммабоп лугат //Муаллифлар: М.Абдуллаев ва бошқ. А.Жалолов ва Х.Хоназаров умум.таҳ. остида. Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 2000. 320 бет.
30. Навоий, Алишер. Маҳбуб ул-кулуб // Асарлар. 15 томлик. 13-том. Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1966.
31. Орирова Г. Касб танлаш муаммолари // Касб-ҳунар таълими. Тошкент, 2004. 3-сон. 12-13-бетлар.
32. Педагогика назарияси ва тарихи. Педагогика назарияси. 1-қисм / Олий таълим муассасалари учун дарслик. М.Х.Тохтакоева ва бошқ. Тошкент: Iqtisod-moliya, 2007. 379 бет.
33. Педагогика тарихи // Ўқув қўлланма. К.Хошимов, М.Иномова, С.Нишонова, Р.Ҳасанов. Тошкент: Ўқитувчи, 1996. 447 бет.
34. Психическое развитие воспитанников детского дома / Под ред. Дубровиной И.В., Рузской А.Г. М.: НИИ общей и педагогической психологии АПН России, 1990. – 264 с.
35. Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. Тошкент: Маънавият, 2009. 246 бет.
36. Социальная педагогика. Курс лекций /Учебное пособие для студентов высш.учеб.заведений. Под общ. ред. Галагузовой М.А. М.: Гуманит. изд.центр Владос, 2001. – 162 с.
37. Социальная работа /Под общей ред. Курбатова В.И. Ростов-на-Дону: Феникс, 2003. – 479 с.
38. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт / Монография. Тошкент: Фан, 2005. 205 бет.
39. Тўхтамуродов Э. Болалар уйларида тарбияланувчиларни оиласвий ҳаётта тайёрлашнинг ижтимоий ва педагогик асослари: Пед.фана.номз. ... дисс. Тошкент, 1995. 151 бет.
40. Усмонхўжаев А., Акромова Ф. Руҳиятни соғломлаштириш усуллари (шифокор ва психолог ҳамкорлиги). Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. 63 бет.
41. Фалсафа. Қисқача изоҳди лугат // Масъул муҳарир. А.Жалолов. Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа компанияси Баш таҳририяти, 2004. 383 бет.
42. Фаунтин С. Ноёб ҳуқуқлар / “Болалар ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенция”ни ўрганиш бўйича амалий қўлланма. Тошкент: Ўзбекистон Болалар жамғармаси, 1996. 87 бет.

43. Ҳоджаева Ш. Мөхрибонлик уйлари психолорининг вазифалари ва уларга қўйиладиган талаблар. Услубий тавсия // Мактаб ва ҳаёт. Тошкент, 2004. 2-сон, 5-7-бетлар.
44. Ҳос Ҳожиб, Юсуф. Кутадғу билиг. Саодатга йўлловчи билим / Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи: Қ. Каримов. Тошкент: Фан, 1972.
45. Эгамбердиева Н. Ижтимоий педагогика / Олий таълим муассасалари учун дарслик. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. 229 бет.
46. Этикет. Расмий мумомала маданияти. Яхши таассурот уйготиш усуллари. Раҳбарлик санъати. Тошкент: Yangi asr avlodi, 2004. 63 бет.
47. Юлдашев Ф.К. Совершенствование теоретических знаний старшеклассников в процессе преподавания физического воспитания на основе использования наследия Ибн Сины: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. Ташкент, 1995. – 23 с.
48. Яссавий, Аҳмад. Ҳикматлар / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар мўаллифи И.Ҳаққулов. Тошкент: Faafur Fўlom номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 41-45-бетлар.
49. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Биринчи жилд. А – Д / А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 679 бет.
50. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Иккинчи жилд. Е – М / А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 178-бет.
51. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Учинчи жилд. Н – Тартибли / А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. 641 бет.
52. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Бешинчи жилд. Шукронна – X / А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. 591 бет.
53. Ўзбек халқ мақоллари / Тузувчилар: Б.Саримсоқов, А.Мусақулов, М.Мадраҳимова. Тошкент: Фан, 1981. 92-320-бетлар.
54. O'zbek xalq maqollari / Tuzuvchilar: T.Mirzayev, A.Musaqulov, B.Sarimsoqov. Mas'ul muharrir: Sh.Turdimov. –Toshkent: Sharq, 2005. – 512 bet.
55. Ўзбек шеърияти антологияси. 3-том. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1961. 117-бет.
56. Қошгарий, Муҳаммад Содик. Одоб ас-солиҳин / Нашрга тайёрловчилар М.Ҳасанов, УСодиков // Шарқ юлдузи, 1990. 5-сон. 6-15-бетлар.

57. Қуръони карим /Ўзбекча изоҳли таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998. 496 бет.
58. Hadislar – bolalarga / G'oya muallifi O.Sharafiddinov. Toshkent: Adolat, 2004. 63 bet.
59. Ҳайдаров А. Инсон камолоти ва миллий-маънавий қадриялар. Тошкент: Муҳаррир, 2008. 95 бет.
60. Ҳимматалиев Д. Тарбиявий тадбирлар асосида талаба-ёшларнинг касбий маданиятини шакллантириши // Касб-хунар таълими. Тошкент, 2002. 5-6-сонлар. 8-бет.
61. Ҳошимов З., Мўминова М. Бола бўлса, бешик топилар // Жаннат-макон. Тошкент, 2008. 3-сон. 130-134-бетлар.
62. http://www1.umn.edu/humanrts/russian/crc/Report_uzbekistan2005.html. Вторые периодические доклады государств-участников, подлежащие представлению в 2001 году, Узбекистан, CRC/C/104/Add.6, 30 августа 2005.
63. <http://www.centrasia.ru/newsA.php4?st=1069621500>. Грязнова О. И дом, и мама, и семья.
64. <http://edunews.eurekanet.ru/vesti/info/954.html> Государственные дети – как научить их отвечать за свою судьбу?
65. http://www.deti.zp.ua/show_article.php?a_id=300105. Государственная помощь детям-сиротам.
66. <http://www.rl-online.ru/articles/1-04/413.html>. Парфенова О. История развития социального признания детей-сирот в России XVIII – начала XX века на примере Чувашии.
67. <http://eparhia.onego.ru/sirota.htm>. Сиротство в истории России.
68. <http://kid-in-danger.narod.ru/>. Социальный приют для детей.
69. www.pnnonline.org.

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ	3
МЕХРИБОНЛИК УЙЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	5
Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг умумий мазмуни	5
Ўзбекистонда Мехрибонлик уйларининг ташкил этилиши ва ривожланиши тарихи	19
Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш борасидаги хорижий тажрибалар моҳияти	35
МЕХРИБОНЛИК УЙЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИЛЛАРИ	46
Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг янги анъаналари ва самарали омиллари	46
Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг асосий йўналишлари	60
МЕХРИБОНЛИК УЙЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ТЕХНОАГИК АСОСЛАРИ	78
Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашга тизимли-технологик ёндашув	78
Таълим жараёни ҳамда маънавий-маърифий тадбирларнинг Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш борасидаги имкониятлари	96
УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР	111
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	114

УДК 37 (575.1)

ББК 74.200.6

А 86

Асқарова, Ўгилой.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилигини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш тизими / Ў.Асқарова; масъул мұхаррир Д.И.Рұзиева; ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирилги, Наманган давлат университети. –Т.: Фан, 2010. –120 б.

*Наманган давлат университети
Илмий кенгашин томонидан нашрға тавсия этилған.*

Мұхаррирлар *M. Содиқова, M. Сайдова*

Техник мұхаррир *Д. Абдуллаев*

Мусаҳҳих *Б. Нурмуродова*

Саҳифаловчи *Д. Жалилов*

Нашриёт лицензияси AI №138, 27.04.2009.

Нашриёт рақами: з-140. Теришга берилди 18.11.2010.

Босиша рухсат этилди 29.11.2010. Қоғоз бичими 60x84¹/₁₆.

Офсет босма. Офсет қозози. Arno Pro гарнитураси.

Нашриёт-жисоб т. 8,0. Босма-шарты т. 7,5.

Тиражи 300 нұсха. Келишилған нархда.

ЎзР ФА “Фан” нашриёти. 100170, Тошкент, И.Мұминов күчаси, 9-үй.

ЎзР ФА “Фан” нашриёти оригинал-макети асосида “Muhammadi nashriyoti” МЧЖ

матбаа бўлимида чоп этилди. 175-буортма.

100060, Тошкент, Элбек кўчаси, 8-үй.

